

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

А.С. УРАЛОВ, Т.Ф. КУШМАНОВ

БИНОЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

Касб-ҳунар коллежлари учун дасрлик

Тошкент - 2012

А.С. Уралов, Т.Ф. Кушманов.

Биолар типологияси. Касб-хунар коллежлари учун дарслик.—Тошкент:
_____, 2012.- __б.

Дарсликда биолар ва уларнинг синфлари, таркибий қисмлари, биоларни лойиҳалашда эътиборга олинган омиллар ва меъморий-бадий воситалар, турар жой биоларининг типологияси, уларнинг асосий элементлари, хонадонларнинг таркиби, жамоат биоларининг турлари ва типлари, асосий хоналари ва таркибий элементлари, уларни меъморий лойиҳалашнинг назарий ва меъёрий асослари баён этилган.

Дарслик қурилиш коммунал ва меъморчилик касб-хунар коллежлари талабалари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Салимов О.М.- архитектура доктори, ТАҚИ “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мудири, профессор

Тоштемиров Р.Т. - архитектура номзоди, СамДАҚИ профессори

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими илмий-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган

КИРИШ

Ҳозирги даврда Республикани, улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Қурилаётган бинолар орасида нафақат турли хил типдаги турар жойлар, балки жамоат бинолари, ишлаб чиқариш ва саноат бинолари, завод ва фабрикалар, банклар, коммунал хўжалик ва энергетика, транспорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар, ирригация ва қишлоқ хўжалик иншоотлари ҳам мавжуд. Ҳар бир бино бир-биридан гўзал, чиройли ва шинам қилиб қурилмоқда.

Бугунги кунда нафақат бинолар, балки уларнинг туркумлари-меъморий ансамбллар вужудга келмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Термез, Ургенч, Қўқон ва бошқа шаҳарларда олиб борилаётган кенг шаҳарсозлик қурилишлари бунга ёрқин мисолдир.

Инсоният ва ҳаёт ривожланар экан қурилишлар кўлами пасаймайди, аксинча кенгайиб боради, биноларнинг янгидан-янги турлари ва типлари пайдо бўлади.

Бу қурилишлар мамлакатимиз халқ хўжалиги ва иқтисодиётини ривожлантириш, мустаҳкамлашда, аҳолининг турмуш широйини яхшилашда, кенг кўламдаги, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда етакчи аҳамиятга эгадир. Биз бугун нафақат аجدодларимиз қурган тарихий ёдгорликлар ва эртакнамо шаҳарларимиз билан, балки янги авлод қурган ва қураётган замонавий биноларимиз, меъморий мажмуалар ва шаҳарларимиз билан ҳам тўла маънода фахрланишимиз мумкин. Энг муҳими бу улкан қурилишларни ўзимиздан етишиб чиққан таланти кадрлар-меъморлар ва муҳандис қурувчилар хал қилишмоқда.

Таъкидлаш керакки, бундай улкан қурилишлар бошида Республикамиз Президенти Ислом Каримов турибди. Бу ишларда у кишининг раҳнамолиги, ташаббуси ва шахсий иштироки хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Президентимиз республикамиз ёшларига худди ўзига ишонгандек ишонмоқда, уларга худди ўзидек барча ишларга маъсул бўлиш вазифасини қўймоқда. Ёшларга ватан олдидаги бурчни адо этишни олий мақсад, ватанни севишни эса олий фахр, ифтихор деб билишни уқтиришни айни муддаодир.

Шундай экан, ҳар бир касб-кори эгаси, шу жумладан бўлажак қурувчилар ва меъморлар ҳам ўз касбларини мукамал билишлари, чуқур малакавий маҳоратга эга бўлишлари лозим. Ана шу маънода “Бинолар типологияси” фанининг ўрни каттадир. Аммо, афсуски, ҳанузгача ўзбек тилида бу фандан касб-хунар коллежлари учун бирон бир ўқув дарслиги ёки қўлланмаси чоп этилмаган. Бу ҳолат ушбу соҳа касб-хунар коллежлари талабалари ва умуман, бўлажак қурувчи ёшларнинг бинолар типологияси

бўйича билим ва тушунчаларини шакллантиришда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Қўлингиздаги мазкур дасрлик ушбу бўликни тўлдиради деган умиддамиз. Унинг энг муҳим ижобий томони шундаки, мазкур дарсликда бинолар ҳақидаги асосий маълумотлардан ташқари турар жой ва жамоат биноларининг барча турларига хос функциявий меъморий-режавий ва шаҳарсозлик хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топган.

Айни пайтда янги қурилаётган объектларни лойиҳалаш ва қурилиш сифатига талаблар ошиб бормоқда. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг асосий мезонлари меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайдиган юқори даражадаги қулайликлар яратишни, капитал ва фойдаланиш харажатларининг пасайишига ва бино архитектуравий-бадий ечимларининг юқори даражада бўлишига кўмаклашувчи омиллар ҳисобланади.

Ушбу фаннинг предмети — инсонлар меҳнат қилиши, дам олиши ва яшаш шароитларини яратиш ва яхшилашга, уларнинг турли соҳалардаги ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бинолар типологиясини ўрганишдан иборатдир. Чунки мазкур курс иншоотларни маданий-маиший, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялашга доир барча ижтимоий функцияларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган бинолар синфлари ва турларининг шаклланиши тўғрисидаги фан ҳисобланади.

Дарсликда бинолар архитектурасининг ижтимоий, функционал, техник ва бадий жиҳатларининг бир бутун тизим сифатидаги моҳияти очиқ берилган. Дарсликнинг асосий мақсади талабаларда ҳар бир бино турлари бўйича умумий таассурот ҳосил қилиш, уларнинг ривожланишини кўрсатиб бериш, талабаларни курс ва бошқа амалий ишларни бажаришларида зарур бўлган билимлар билан қуроллантиришдан иборат. Хуллас, «Бинолар типологияси» дарслиги талабаларда жамиятимиздаги долзарб вазифаларнинг ечимини топиш ва ижодий муаммоларни ҳал этишда архитекторлар ва улар лойиҳалайдиган биноларнинг роли тўғрисида тушунча ҳосил қилишдан иборат.

Турар жой ва жамоат биноларининг ҳар бир тури ўзига хос ҳажмий-режавий ечимга эга бўлиб, уларни лойиҳалаш жуда мураккаб иш жараёнини акс эттиради. Шунинг учун ҳам турар жой ва жамоат бинолари лойиҳаларини ишлаб чиқишга тажрибали, маҳаллий табиий-иқлимий шароитлар ва ички мураккаб функционал-технологик жараёнларнинг таъсири остида вужудга келадиган меъморий-режавий ечимларни шакллантириш хусусиятларини биладиган юқори малакали архитекторлар жалб қилинади.

Мазкур дарсликнинг мақсади — турар жой ва жамоат биноларини қуришнинг замонавий тажрибалари ва уларни лойиҳалашнинг ўзига хосликлари бўйича касб-хунар коллежлари талабаларининг билимларини бойитиш, шунингдек, уларга курс ва диплом ишларини юқори малакада ишлаб чиқиш юзасидан тўғри методик йўналишлар беришдан иборатдир.

Дарслик мазмунида турар жой ва жамоат биноларининг замонавий қурилиши бўйича мамлакатимиздаги ва хорижий тажрибаларни акс

этирадиган энг яхши архитектура асарларининг намуналари, биноларнинг архитектуравий-режавий ечимларини шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисидаги асосий маълумотлар берилади. Бўлажак мутахассис-архитекторларга ушбу дарслик юзасидан, турар жой ва жамоат биноларининг типологиясини ўрганишни ташкил этиш билан бирга, биноларнинг шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимини, ижтимоий-иқтисодий томонларини, бадий-архитектуравий ечимларини, бино типлари (номенклатураси)ни, таснифи (классификацияси)ни, нормаларини ва хоналар туркумларини аниқлаб беради.

Типология сўзи предметлар, нарсалар ёки ҳодисаларни умумий аломатларига қараб илмий асосда типларга ажратиш, тасниф қилиш (классификациялаш) орқали ўрганишни билдиради.

Бионолар типологияси бионоларнинг замонавий таснифи ва типларини ўргатади, уларнинг меъёрий қурилиш параметрларини, жамият тараққиётининг ривожланиб бориши жараёнида бионолар қандай қилиб сифатли қурилиши ва давр билан ҳамнафас бўлиши керак деган саволларга жавоб беради.

Дарслик муаллифлари маърузалар ўқиш, семинарлар ва суҳбатлар ўтказишни ўқитишнинг қуйидаги методлари билан тўлдиришни тавсия қилади:

-“Бионолар типологияси” дарслигини ўқитишда курс ишларини лойиҳалашни бошлашдан олдин бир-иккита маъруза ўқилиб, унда бионолар турларининг ўзига хос ечимлари намойиш этилиши ҳамда қурилишига хос асосий қоидалар баён этилиши лозим;

-ҳар бир курс ишини бошлашдан аввал маълум турдаги бионолар ва иншоотларни амалдаги натура ҳолидаги кўриниши билан бориб танишишни ташкиллаштириш, ушбу бино турининг ўзига хос жиҳатлари юзасидан ўша жойда ўқитувчининг раҳбарлиги остида талабаларнинг мулоқотини уюштириш, лойиҳалаш институтларининг устахоналари билан танишиш, ушбу турдаги бионоларни лойиҳалаган етакчи лойиҳачилар билан суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур дарслик кириш, уч бўлим ва иловадан иборат. Унда мамлакатимиз ва хорижий тажрибалар мисолида турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Дарсликнинг тайёрлашда муаллиф архитектуравий типология, турар жой биноларининг типологияси, жамоат бинолари, жамоат ва турар жой биноларини меъморий лойиҳалаш ва умуман бионолар типологиясига доир ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратган қатор олимлар, доцент ва профессорлар: К.В. Бабиевский, С.Г. Змеул, Б.А. Махонько, Ҳ.М. Убайдуллаев, М.М. Иноғомова, Р.Ж. Асамов, Т.А. Хидоятлов, М.М. Махмудовларнинг ишларидан фойдаланди. Айниқса, Ҳ.М. Убайдуллаев ва М.М. Иноғомоваларнинг Тошкентда 2009 йилда нашр этилган “Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари” номли китоби мазкур дарсликнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари

мазкур дарсликни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тайёрланиб чоп эттирилган “Турар жой бинолари”, “Жамоат бинолари ва иншоотларининг қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ 2.08.02-96)” ҳамда Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК 2.08.02.07) дан ҳам меъёрий манбалар тарзида фойдаланилди.

Дарсликни нашрга тайёрлашда менга яқиндан ёрдам берган ва китобга жамоатчилик асосида муҳаррирлик қилган профессор Ҳ.М. Убайдуллаевга ҳамда ўзларининг қимматли маслаҳатларини мендан аямаган ва дарсликка ижобий тақриз берган архитектура доктори О.М. Салимовга, архитектура номзоди М.М. Хидировга ва дарсликни компьютерда терган Г.С. Сидиковага ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Муаллиф дарсликни такомиллаштириш бўйича билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

I-БЎЛИМ. БИНОЛАР ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Бинолар ҳақида умумий маълумотлар


1.2. Бинолар ва уларнинг конструктив таркибий қисмлари

1.3. Биноларнинг ҳажмий-режавий ва меъморий-композициявий ечимлари

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1.1. Бинолар ҳақида умумий маълумотлар

Биноларнинг классификацияси. Бино - инсон томонидан маълум мақсадда ер устида қуриладиган иморатларнинг йирик бир гуруҳи бўлиб, уларда турли-туман ижтимоий, маъмурий, хўжалик ва ишлаб-чиқариш жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган моддий, табиий ёруғлик билан ёритиладиган ва қишда иситиладиган ички муҳит яратилади. **Биноларни бажарадиган вазифаларига қараб 4 та асосий гуруҳга:** турар-жой бинолари, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари гуруҳларига бўлиш мумкин. Турар-жой ва жамоат бинолари гуруҳи биргаликда граждан (фуқаро) бинолари деб ҳам аталади.



1-расм. Иморатлар (бино ва иншоотларнинг) умумий классификацияси

Иморатларнинг иншоот деб аталадиган яна бир йирик гуруҳи ҳам мавжудки, улар бинолар каби ички меъморий муҳитга, яъни интерьерга эга бўлмаслиги, бўлганда ҳам табиий ёруғлик олмаслиги ва қишда иситилмаслиги мумкин. Масалан, метролар, шахталар ва х.к. Улар ўз навбатида **ер усти ва ер ости иншоотларига** бўлинади. Ер усти иншоотларига спорт, транспорт иншоотлари, кўприклар, соҳиллар, гидроэлектростанциялар ва бошқа коммунал иншоотлар кирса, ер ости иншоотларига шахталар, тоннелар ва бошқа махсус мақсадларга мўлжалланган ер ости иморатлари (масалан, муҳандислик ободонлаштириш иншоотлари, ҳарбий иморатлар) киради. Мазкур дарсликда биз бундай иморатларга тўхталмаймиз. Бизнинг фанимиз “Бинолар типологияси” бўлгани учун биз асосан турар жой ва жамоат биноларининг типологиясини ўрганамиз. Чунки, улар инсоният ва жамият ҳаётида энг кўп фойдаланиладиган ва оммавий тарзда қуриладиган бинолардир.

Турар-жой бинолари - одамларнинг доимий ёки вақтинча яшашлари учун мўлжалланган иморатлардир. Уларга уй-жойлар, турли хил ётоқхоналар, меҳмонхоналар киради.

Жамоат бинолари - ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган турли-туман ижтимоий функционал жараёнларни амалга ошириш учун мўлжалланган иморатлардир. Маданий-оқартув, таълим-тарбия, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш, спорт, томоша ва бошқа шунга ўхшаш кенг жамоатчиликка хизмат кўрсатувчи муассасалар шулар жумласидандир.

Саноат бинолари - саноат тармоқларининг турли ишлаб-чиқариш жараёнларини амалга оширишга хизмат қилувчи бинолар туркумидир. Заводлар ва фабрикалардаги турли цехлар, энергетика, транспорт ва омбор бинолари ҳамда саноат корхоналари ҳудудида жойлашган, ишчиларга маданий-маиший, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатадиган ёрдамчи бинолар ҳам шулар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалик биноларида қишлоқ хўжалик ва агротехника билан боғлиқ жараёнлар амалга оширилади (турли жониворларни боқиш, қишлоқ-хўжалик техникаларини сақлаш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва шунга ўхшаш жараёнлар).

Биноларнинг юқорида санаб ўтилган гуруҳлари ўзларининг меъморий-режавий ва конструктив тузилишлари, ташқи кўринишлари билан ҳам фарқ қиладилар. Турар-жой бинолари тарзи (фасади) деразаларнинг кўплиги, балконлар, айвонлар ва эркерларнинг борлиги, баланд бўлмаган қаватлари ва энининг кичиклиги билан ажралиб туради, чунки улардаги асосий режавий элемент – хонадон ва унинг хоналар унча катта бўлмайди.


Жамоат биноларида аксинча, турли-туман ўлчамли, яъни жуда катта, (масалан, зал) ўртача катталиқдаги (дарсхоналар, касалхона палаталари) ва кичик хоналар бўлиши мумкин.

Саноат бинолари ўзларининг катта ўлчамлари, турли махсус технологик-қурилмалари ва содда меъморий ечимлари билан ажралиб туради. Саноат

корхоналарида нафақат бинолар, балки очик ўрнатилган қурилмалар ва турли иншоотлар ҳам бўлиши мумкин.




2-расм. Кўп қаватли турар жой биноси




3-расм. Жамоат бинолари. Навоий шаҳрининг савдо маркази. Умумий кўриниши, тарҳи ва қирқими.

Бинолар улардаги қаватларнинг сонига қараб **бир ва икки қаватли ва кўп қаватли** бўлиши мумкин.



а



б

4-расм. Саноат (а) ва қишлоқ хўжалик бинолари (б) .

Ҳар қандай қуриладиган бино инсониятга маълум бир муддат хизмат қилиши керак. **Узоққа чидамлилиқ бўйича бинолар 4 даражага бўлинадилар:** 1-даражали бинолар 100 йилдан ортиқ, 2-даражали бинолар 50 йилдан 100 йилгача, 3-даражали бинолар 20 йилдан 50 йилгача, 4-даражали бинолар 20 йилгача хизмат қилишлари керак.

Биноларнинг қурилиш материаллари ва конструкциялари ёнғинда ёнмайдиган ёки қийин ёнувчан бўлиши мумкин. Шунга мос равишда бинонинг оловбардошлиқ чегараси ҳам ҳар хил бўлади. Асосий конструкцияларининг ёнувчанлиқ ҳолати ва оловга бардошлиғи бўйича бинолар 8 даражага бўлинади:

I-даражали биноларнинг юк кўтарувчи ва тўсиқ конструкциялари табиий ёки сунъий тош материаллардан, бетон ёки темирбетондан, ёнмайдиган юпқа листсимон ва тахтасимон материаллардан бажарилади;

II-даражали биноларнинг томларида олов таъсиридан химоя қилинмаган пўлат конструкциялар қўллашга рухсат этилади;

III-даражали биноларнинг ёпмалари учун сувоқ ёки қийин ёнадиган листсимон ёки тахтасимон материаллар билан химояланган ёғоч конструкциялар қўллаш рухсат этилади;

III а-даражали бинолар асосан пўлат каркасли синчли бинолардир. Каркас элементлари химоясиз. Тўсиқ конструкциялар ёнмайдиган профили листсимон пўлатдан ва қийин ёнадиган иссиқ сақловчи материаллардан бажарилади;

III б-даражали бинолар ҳам каркасли, лекин каркас элементлари бутун ёки елимланган ёғочдан бажарилади. Тўсиқ конструкциялар ҳам ёғоч асосида тайёрланган буюмлардан иборат. Барча ёғоч буюмлар ёнғинга қарши чидамлилигини ошириш учун кимёвий қайта ишланиши керак;

IV-даражали оловбардош бинолар каркассиз, химояланган бутун ёки елимланган ёғоч конструкциялардан қурилади.

IVa-даражали биноларга ҳам олов таъсиридан ҳимоя қилинмаган пўлат каркасли бинолар киради. Уларнинг тўсиқ вазифасини бажарувчи девор ва том конструкцияларида ёнувчан, иссиққа чидамсиз материал қўллаш мумкин;

V-даражали биноларнинг юк кўтарувчи ва тўсиқ конструкцияларига оловбардошлик талаблари қўйилмайди, яъни уларни ёнувчан материаллардан ҳам қилиш мумкин.

Биноларга қўйиладиган асосий талаблар. Кўриб ўтилган биноларнинг барча турларига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- функционал мақсадга мувофиқлик, яъни функционал талаблар;
- техник мақсадга мувофиқлик (техникавий талаблар);
- меъморий-бадий маънодорлик, яъни меъморий-бадий талаблар;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик (иқтисодий талаблар).

Бу талабларни ифодаловчи айрим назарий асосларни кўриб ўтамиз. Бинода ёки унинг ҳажмий-режавий элементи - хонада инсон учун оқилона шарт-шароитлар, яъни шинам, қулай меъморий муҳит яратилган бўлса, бино ёки хона ўз вазифасига мувофиқ деб ҳисобланади. Яратилган муҳитнинг сифати бир қатор омилларга боғлиқ. Бундай омилларга қуйидагилар киради:

ички меъморий муҳит – одамларнинг қулай тарзда фаолият кўрсата олиши, турли асбоб ва жиҳозлар, мебелларни жойлаштириш, одамлар эркин ҳаракатланиб юра олиши учун зарур бўлган жойлар;

микроклим - ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ҳаракат тезлиги ва тозалик даражаси орқали муҳитнинг сифатини ифодаловчи омил;

товуш режими - хонадаги эшитиш учун яратилган шароитни, унинг ёқимсиз, ҳалақит берувчи товуш (шовқин) лардан ҳимояланганлик даражасини ифодаловчи омил;

ёруғлик режими - хоналарда ёритилганликни етарли бўлишини таъминлаш ва ёритишни тўғри ташкил қилишга боғлиқ ҳолда кўриш шароитини белгиловчи омил;

тўсиқсиз кўриш ва кўрганни тўғри идрок қилиш - томоша залларида, дарсхоналарда яратилган муҳитнинг сифатини белгиловчи омил;


ободонлаштириш тадбирлари - бинонинг муҳандислик жиҳозлари билан таъминланганлик даражасини аниқланувчи омил.

Бу омилларнинг ҳар бири хонанинг ўлчамлари, шакллари ва конструкцияларини танлашга ўз таъсирини кўрсатади. Хоналарни тўғри лойиҳалаш, одамлар бажарадиган функцияга мос равишда оқилона шароитлар яратиш учун муҳит сифатини белгиловчи барча талаблар қондирилиши шарт.

Бинонинг **техникавий талабларга** мувофиқлигини унинг конструктив тузилиши ва ечими белгилайди. Бинонинг конструктив ечими механика ва физика қонунларига тўла мувофиқ бўлиши зарур. Бинолар ва уларнинг алоҳида конструктив қисмларига ва элементларига бўладиган ташқи ва ички таъсирлар жуда хилма-хил. Уларни **куч ва куч ҳисобланмайдиган (муҳит) таъсирларига** бўлиш мумкин.

Куч таъсирларга: бино элементларининг хусусий оғирлиги ва ер остидаги элементларга грунтнинг босими каби **доимий** юклар; кўзгалмас жиҳозлар, узоқ сақланадиган юклар ва пардеворлар каби элементлардан

ҳосил бўладиган **узоқ вақт таъсир этувчи** юклар; қўзғалувчан жихозлар, одамлар, қор ва шамол таъсирида ҳосил бўлувчи ва **қисқа вақт таъсир этувчи** юклар; шунингдек зилзила ва авариялар туфайли бузилишлар таъсирида ҳосил бўлувчи **алоҳида** юклар киради.



5-расм. Бино ва унинг конструкцияларга кўрсатадиган таъсирлар

Куч ҳисобланмайдиган таъсирларга ташқи ва ички ҳаво температураси, намлигида бўладиган ўзгаришлар таъсири, ёғингарчилик, қуёш радиацияси, ҳаво муҳитида ва ер ости сувларида бўлиши мумкин бўлган кимёвий агрессив моддалар таъсири, биологик таъсирлар ва бошқалар киради.

Ташқи таъсирларга мос равишда бинога ва унинг конструкцияларига қўйиладиган **техник талаблар** қуйидагича:

1. Мустаҳкамлик – бинонинг ташқи таъсирлардан бузилмасдан ва уларни жиддий қолдиқ деформацияларсиз қабул қилиш хусусияти;

2. Устиворлик - ташқи таъсирлар остида ўз мувозанатини бузилмаслик хусусияти;

3. Узоққа чидамлилиқ - мустаҳкамлик ва устиворликни узоқ вақт сақлаб қолиш хусусияти;

4. Изоляция (ўтказмаслик) хусусиятларининг барқарорлиги. Бу талаб ташқи тўсиқ конструкцияларига тааллуқли бўлиб, мустаҳкамлик етарли бўлган ҳолларда бинодан фойдаланишда сифатлар ёмонлашувининг олдини олади.

Юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб берадиган конструктив ечим бинонинг техник мақсадга мувофиқлик даражасини белгилайди.

Биоларга меъморий-бадий маънодорлик, яъни **архитектуравий талабларни** қўйишнинг боиси шуки, ҳар қандай ижтимоий ёки ишаб чиқариш жараёни инсоннинг нафақат моддий, балки бадий-эстетик диди ва эҳтиёжларини ҳам қондириши талаб этилади. Шунинг учун ҳам бино ўзининг ташқи кўриниши, ички қиёфаси орқали кишилар онгига ва кайфиятига, уларнинг эстетик дидига ижобий таъсир кўрсатиши, бошқача қилиб айтганда, кўзни қувонтирадиган, чиройли ва шинам бўлиши талаб қилинади.

Иқтисодий мақсадга мувофиқлик - бинони қуришга кам меҳнат, маблағ ва вақт сарфлаб, максимал фойдали майдон ва бадий самара олишни назарда тутати. Иқтисодий талаблар функционал масалаларни, яъни хоналарнинг сонини ва ўлчамларини, улардаги ободонлаштириш тадбирларини белгилашда ҳақиқий эҳтиёждан ва жамиятнинг имкониятларидан келиб чиқиш лозимлигини билдиради. Конструкцияларнинг мустаҳкамлик ва устиворлик заҳираларини, узоққа чидамлилик ва оловбардошлик даражаларини тўғри белгилаш ҳам иқтисодий талаблардандир.

1.2. Биолар ва уларнинг конструктив таркибий қисмлари

Бино ёки иншоотлар қурилиш конструкциялари ва буюмларидан, оммавий қурилишда майда элементлар (ғишт, майда блоklar), йирик элементлар (йирик блок, йирик панел, ҳажмий-блоklar)дан, қуйма монолит бетондан ишланган конструктив элементлардан ва ёғоч материаллардан ташкил топади.

Шунга мос равишда биолар деворли, каркасли, ҳажмий блокли ва бошқа конструктив ечимларга эга бўлиши мумкин.


Қурилиш ишлари жараёнида ўзаро боғланган конструктив элементлардан тузилган ва биоларнинг турли вазифаларига мўлжалланган конструктив қисмлари (бино каркаси, том, ёпма, пойдевор ва шунга ўхшаш) қурилмавий қисмлари қурилиш конструкциялари деб аталади.

Қурилиш буюмлари эса қурилиш конструкцияларининг бинодаги ўрнидан бошқа ерда тайёрланган элементларидир. Масалан, каркасининг колоннаси, ригели, ёпма плитаси, девор панели ёки блоки ва шунга ўхшаш қурилиш буюмлари.

Деворли биоларнинг конструктив таркибий қисмларига пойдевор, цоколь (курси), юк кўтарувчи ташқи ва ички деворлар, пардеворлар, қаватлараро ёпмалар, чордоқ ёпмаси, стропила, том обрешеткаси, тиргаклар, устунлар, мауэрлет, дореза ва эшиклар устидаги тўсинчалар, зиналар киради (-расм).

Пойдеворлар биодан тушадиган юкларни заминга узатиш учун хизмат қилади.

Деворлар биода жойлашган ўринларига қараб ташқи ва ички деворларга бўлинади. Ташқи деворлар биодаги ички сунъий яратилган муҳитни ташқи муҳитдан ажратиб туради ва бино тарзи-фасадининг асосий композициясини ҳамда, кўпинча, юк кўтариш вазифасини ҳам бажаради. Ички деворлар, одатда, юк кўтариш ҳамда иссиқ конструкция вазифасини бажаради.



6-расм. Икки қаватли бионинг конструктив таркибий қисмлари:

1-пойдевор; 2-курси (цоколь); 3-ташқи деворлар; 4- ички девор; 5-пардевор; 6-чордоқ ёпма; 7-қаватларо ёпма; 8-ертўла ёпмаси; 9-пол; 10-зинапоя марши; 11-зинапоя қават майдончаси; 12-ўрталиқ марш; 13-карниз; 14-том; 15-отмоска

Пардеворларда биоларнинг қаватларини хоналарга ажратиш учун қўлланиладиган юпқа, юк кўтармайдиган, вертикал ички тўсиқ конструкциясидир.

Цоколь (курси) деворнинг 1-қават поли сатҳидан пастда жойлашган, бино атрофидаги ер сатҳигача бўлган қисми бўлиб, деворни атмосфера намлиги ва бошқа таъсирлардан сақлайди, ҳамда тўғридан-тўғри пойдевор устида ётади.


Бино атрофидаги **асфальт қоплама (отмостка)** атмосфера сувларини бино атрофидан қочириш учун хизмат қилади.

Қаватлараро ёпма биоларнинг ички фазосини қаватларга бўлиб турувчи ва юк кўтарувчи горизонтал тўсиқ конструкциядир. Бинода жойлашган ўрнига қараб ёпмалар ертўла, ярим ертўла, цоколь, чордоқ ва қаватлараро ёпмаларга бўлинади.

Том ёпмалар биоларнинг юқориги горизонтал тўсиқ конструкциясидир. Улар ҳам ички муҳитни ташқи муҳитдан ажратиб туради. Том бионинг устки якунловчи, ундан қор ва ёмғир сувларини кетказувчи қисмидир.

Стропила биноларнинг чордоқли томларида сув ўтказмайдиган қатламни (том қопламасини) кўтариб туриш учун хизмат қилади. У девор ва махсус таянчларга таянувчи тўсиндир. Стропилалар таянган ва осма кўринишда бўлади.

Қадимги Рим меъмор-муҳандиси Марк Витрувий “Архитектура ҳақида ўнта китоб” ёзиб, биноларнинг жамият учун фойдали ва мустаҳкам қилиб қурилишини, ташқи ва ички кўринишидан чиройли бўлишлигини таъкидлаб ўтган. Биноларга қўйиладиган бу талаблар кейинчалик архитектура фанида “Витрувий учлиги” деб ном олган. Витрувий ушбу учта талабнинг ўзаро тенг кучли эканлигини, яъни бирининг мавқеи бошқасидан зиёда эмаслигини ҳам эслатиб ўтган. Агар биз ушбу талабларга ҳозирги давр бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларга қурилишдаги тежамкорлик талаби етишмаётгандек туюлади. Бу талабнинг Витрувий учлигига кирмаганлигини Витрувий яшаган даврда (эрализмга I аср) Қадимги Римдаги ҳукмрон синф вакиллари томонидан қурилган биноларнинг тежамли тарзда барпо этилишига катта эҳтиёж бўлмаганлигидан деб тушуниш мумкин.



7-расм. Витрувий учлиги (А) ва унга қўшилган тўртинчи талаб –тежамкорлик (В)

Энди келинг, юқоридаги Витрувий учлигини чизмада мантиқий тасвирлашга ҳаракат қилайлик (-расм). Тенг томонли учбурчак олиб, унинг учларига радиуси учбурчак томонининг ярмига тенг бўлган тенг кучли айланалар чизамиз ва уларни Витрувий учлигидаги талаблар билан номлаймиз. Учбурчак учларидан биссектрияциялар ўтказиб, улар кесишган нуқтада радиуси олдинги айланалар радиусига тенг бўлган тўртинчи айланани чизамиз ва уни тежамкорлик деб номлаймиз. Шундай қилиб, биз Витрувийнинг дунёга танилган учлигига замонавий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, тўртинчи тенг кучли талабни, яъни ҳар қандай бинонинг қурилиши тежамли бўлиши зарурлиги талабини киритдик ва уни мантиқий чизмада акс эттиришга мувоффақ бўлдик.

1.3. Биноларнинг хажмий-режавий ва меъморий-композициявий ечимлари

Биноларнинг хажмий режавий ва меъморий-композициявий ечимларини ишлаш ва танлашда бинолар таркибига кирган хоналар ва уларнинг ўзаро функционал-технологик боғланишлари ва табиий-иқлим шароитлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Хона - бинонинг асосий таркибий қисми ёки элементидир. Хона учун асосий нарса - бу унинг функционал вазифасидир, яъни кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва шахсий ҳаёт фаолиятининг маълум жабҳалари талабларини қондиришидир. Бинолардаги хоналарни вазифаларига қараб **асосий (ишчи), ёрдамчи ва коммуникация хоналарига** бўлиш мумкин.

Асосий хоналарга бинонинг функционал вазифасига мос равишда кишилар томонидан бажариладиган фаолиятга мўлжалланган асосий хоналар киради. Масалан, ўқув муассасаларидаги дарсхоналар, турар-жой биноларидаги яшаш хоналари ва х.к.

Бироқ, бинодаги асосий жараёни амалга ошириш учун асосий хоналардан ташқари бошқа хоналар ҳам керак бўлади. Шулардан бири **ёрдамчи хоналардир**. Улар бинода амалга ошириладиган жараёнларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур, лекин бинонинг вазифасини белгиламайди (масалан, квартирадаги ошхона, ванна хона ёки томоша муассасаларидаги буфет, ҳожатхона каби хоналар).


Бинолардаги асосий ва ёрдамчи функционал вазифаларни бажарувчи барча хоналар коммуникация хоналари воситасида ўзаро боғланган бўладилар. Уларнинг асосий вазифаси - кишиларнинг ҳаракатланишига қулайлик яратишдир (коридор, йўлаклар, зина ва шунга ўхшашлар). Бундай хоналарнинг ўлчамлари зарур функционал қулайликларни, фавқулодда ҳолатларда эса кишиларни эвакуация қилишда хавфсизликни таъминлаш шарти асосида танланган бўлиши керак.

Турли хил меъёрий ўлчамлар ва шаклларга эга бўлган хоналарни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишдаги барча талабларни ҳисобга олган ҳолда уларни ягона бир мос тизимда бинода жойлаштириш - **бинонинг хажмий-режавий** ечими деб аталади.

Бинолар хажмий-режавий ечимларини яратишнинг бир неча услублари мавжуд.

Агар бино хоналари узун ёпиқ коридор бўйлаб жойлаштирилган ва уларга шу коридор орқали кириладиган бўлса бундай хажмий-режавий ечим **коридор усули** ёки композицияси деб аталади. Бунда хоналар коридорнинг бир томонида ёки иккала томонида жойлашган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда коридор яхши ёритилади, бироқ коридордан самарали фойдаланилмайди. Иккинчи ҳолда аксинча, фойдаланилади, бироқ уни ёритиш муаммосини ҳал қилиш керак бўлади. Агар коридордан яхши хоналар очиқ коридорнинг бир томонида жойлаштирилган бўлса бундай коридор галерея деб аталади ва бу тарзда ишланган хажмий-режавий ечим галерея композициясини ҳосил қилади.

Агар хоналар бир-бирлари билан деворлар ва пардеворлардаги очик ўтиш жойлари орқали бевосита боғланган бўлса, бундай режавий ечим **анфилад композиция** деб аталади. Бу усул жуда тежамли, коммуникация хоналари майдон жуда оз, аммо барча хоналардан бошқа хоналарга ўтиладиган бўлгани учун ноқулайлик туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам анфилад композиция фақат музей, кўргазма заллар, вокзал каби биноларда қўлланилади.



8- расм. Ҳажмий - режавий композициялар:
а - бўйлама ўқли ва анфилад композиция; б - кўндаланг ўқли ва коридорли; в - йиғноқ зали композициялар; г - бўйлама ўқли симметрик режавий композиция (Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги театр биносининг тарҳи).


Режавий ечимнинг **зал услуби** бинода унинг асосий функционал вазифасини белгиловчи катта етакчи хона бўлишини ва унинг атрофида бошқа зарур хоналар жойлаштирилишини назарда тутди. Катта хонанинг бош ўқларига нисбатан ёрдамчи хоналар симметрик жойлашган холларда бу режавий ечимни баъзан марказлашган зал услуби деб ҳам атайдилар.

Хоналар туркуми бир-биридан ажратилган, тарҳий ечими бир-бирига ўхшаш ёки бир хил, алоҳида бўлим жойлаштирилса режавий ечимнинг **секция услуби** пайдо бўлади ва бу услуб турар жой биноларида кенг қўлланилди.


Биоларда ҳажм-режавий ечимнинг **аралаш услуби** ҳам учраб туради, чунки кўпгина биоларда ҳар хил функционал жараёнларга мўлжалланган хоналар бирлаштирилган бўлиши мумкин.

Биолардаги хоналарни тўғри жойлаштириш учун олдиндан функционал ёки технологик схема тузиб олиш мақсадга мувофиқдир. Уни хоналар майдонининг масштабига эътибор берган ҳолда тузган маъкул.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биоларга меъморий-бадий талаблар яъни бионинг ташқи кўриниши ва ички қиёфаси унинг функциясига мос бўлишидан ташқари кишилар онгига ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиши, кўзни қувонтирадиган бўлиши керак. Бунга, одатда, меъморий композиция ва унинг меъморий-бадий воситаларини қўллаш ёрдамида эришилади.



10-расм. Тураржой биоларига хос режавий композициялар: *а - бир хонадонли; б - блокировкали; в-секцияли; г-коридорли; д-галереяли.*



11-расм. Блок рекреацияли ва блок коридорли режавий композициялар: *а - 33 синфлик коллеж (экспериментал лойиҳа); б - 24 синфлик ўрта мактаб (намунавий лойиҳа).*


Меъморий композиция – бу бино қисмлари ва шаклларининг ёки бинолар туркумининг функционал, техник ва бадиий талабларга жавоб берадиган иморат яратиш мақсадида уйғунлашган ҳолда бирлашган (мажмуа) кўринишидир.

Меъморий композиция яратиш бинонинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимини ишлаб чиқишни, бинонинг ички (интерьер) ва ташқи қиёфаси (экстерьер)ни ҳал қилишни, ички ва ташқи қиёфа, ташқи қиёфа ва атроф муҳит орасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш каби мураккаб жараёнларни ўз ичига олади. Одатда, бинонинг кўриниб турадиган қисмлари, унинг деталлари, алоҳида уйғунлашган, мутаносиб ҳолда ўзаро бирлашиб, бадиий жиҳатдан ажралмас бус-бутун ва яхлит яратилган бўлса, меъморий композиция муваффақиятли чиққан ҳисобланади.

Биноларнинг ташқи ҳажм-режавий композицияларини 3 та асооий гуруҳларга бўлиш мумкин.

- оддий композиция - бир ҳажмдан ташкил топган;
- мураккаб композиция - бир-бири билан бевосита туташган, бирлаштирувчи элементлар билан боғланган, икки ёки удан ортиқ ҳар хил ҳажмлардан ташкил топган;
- комплекс композиция - ягона меъморий комплексга тааллуқли бир неча алоҳида ҳажмлардан (бинолардан) ташкил топган туркум композиция.

Биноларни ташқи меъморий кўриниши ва ҳажм - фазовий тузилишига қараб **марказий, фронтал, ички-давомли ва эркин композиция** каби турларга бўлиш мумкин. **Марказий композиция** - бинода марказий ҳажм бўлишини ва унинг ёнида ўлчамлари бир хил бошқа ҳажмлар симметрик равишда жойлашишини назарда тутди (масалан, марказлаштирилган режавий зал услубидаги музей биноси).



12-расм. Ҳажм-фазовий композицияларнинг турлари: *а-фронтал композиция;*
б - ҳажмий композиция; в - ички муҳитли фазовий композиция.



13-расм. Фронтал композициянинг горизонтал (а) ҳамда вертикал ва горизонтал бўлақларга бўлиниши (б).

Ҳажмлари яхлит чўзиқ бир йўналишда бошқа тик йўналишларга нисбатан кучайтирилган композициялар **фронтал композиция** деб аталади (масалан, узун фасадли бинолар). Агар бино бош тарзининг аниқ ифодаланган композиция ўқи бўлса, у ҳолда бундай композицияни ўқ чизиқли фронтал композиция дейилади.

Ички -давомли композициявий ҳажм бинонинг фронтига нисбатан перпедикуляр йўналишда кучайтирилган ҳолни назарда тутди.

Кўпинча биноларда ҳажмлар бир нечта бўлиб, улар фазода бир-бири билан геометрик қонуниятларга бўйсунмаган, эркин бириккан ҳолда бўлиши муумкин. Бундай композиция эркин композиция деб аталади.

Бинолар ҳажмий-фазовий композициясининг маънодорлигига бир қатор меъморий-бадий ва бошқа композициявий воситаларни қўллаш ёрдамида эришилади. Улар қуйидагилардир: 1) симметрия ва асимметрия; 2) ритм; 3) масштаб ва масштаблилиқ; 4) пропорциялар (мутаносибликлар); 5) контраст ва нюанс (кескин ва сезилар сезилмас фарқ); 6) ранг ва соя; 7) нақшлар, ҳайкаллар, маҳобатли расмлар; 8) тектоника.

Симметрик композиция бир хил меъморий шакллар ёки элементларнинг бир ўқ ёки текисликка нисбатан такрорий (тенг) жойлашишига асосланади, ҳажм-режавий ечимда аниқликни, бино тарзини катъийликни, бино тарзини ва ҳажмини тантанавор-ифодалашга ёрдам беради.





14-расм. Архитектурада симметрия: Тошкентдаги авиасозлар саройи.


Асимметрик композиция фазода бинонинг носимметрик жойлашган меъморий шакллари ва элементларининг бадиий бирлигига, яхлитлигига асосланади.

Ритм меъморчиликда бир хил ёки бир хил тоифадаги меъморий шакл ва элементларнинг ёки улар орасидаги интервалнинг муайян қонуният асосида такрорланиб келишини билдиради. Ритмнинг метрик ва ритмик турлари мавжуд. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар оддий ёки мураккаб тузилишга эга бўлиши мумкин.

Меъморий масштаб композициянинг бўлакланиш даражасини, шаклларнинг ҳам бинонинг ўзаги нисбатан, ҳам атрофдаги муҳит ва биноларга нисбатан мутаносиблигини ифодалайди. **Масштаблилик** эса композициянинг сифат характеристикасидир. У бино композицияси ва элементларининг одам ва муҳит ўлчамларига мувофиқлигини кўрсатади.





15-расм. Ўққа нисбатан симметрия. Кўп қаватли тураржой биноси (макети ва тарҳи).




16-расм. Асимметрик композицияга
мисол: Тошкентдаги "Санъат саройи"
кинотеатри (тарзи ва тарҳи).


а




а



б



17-рasm. Метрик ритмнинг меъморчиликда қўлланилиши:
а - тураржой уйларида; б – жамоат биноларида.



18-расм. Архитектурада пропорция (меъморий уйғунлик) асосида бино этилган обидалар: А- Афинадаги Парфенон биносининг тарзи; Б- Самарқанддаги Ишратхона мақбарасининг тарзи ва тарҳи.


Архитектурада **пропорция** деб меъморий шакллар элементлари ва бўлаклари геометрик ўлчамларининг ўзаро ва бутунга нисбати тушунилади. Кўп сонли пропорционал нисбатлар тизими ичида **бутун сонли пропорциялар**, “олтин кесим”, геометрик ўхшашлик архитектурада кенг қўлланилади. Бинолар ва улардаги хоналар ўлчамларининг (узунлик, кенглик, баландлик) ўзаро нисбатларида 1:2, 1:3, 2:3, 3:5 каби бутун сонли нисбатлар кўп учрайди. Бундай нисбатлардан шундай қатор тузиш мумкинки, ундаги ҳар бир нисбатнинг биринчи рақами ундан олдинги нисбатдаги иккинчи рақамга тенг, иккинчи рақами эса олдинги нисбатдаги иккита рақамнинг йиғиндисига тенг. Масалан, 1:2, 2:3, 3:5, 5:8, 8:13, 13:21 ва ҳаказо. Бундай қаторни **"олтин кесим"** қатори ва нисбатларнинг қиймати 0,618 га тенг ёки унга яқин бўлгани **"олтин кесим"** нисбати дейилади. Архитектурада бундай нисбат жуда кўп қўлланилади.

Контраст бинонинг айрим сифатларини бошқаларига кескин қарама-қарши қўйишни билдиради. У ўша сифатларни бўрттириб кўрсатишга имкон яратади. **Нюанс** эса бир сифатдан бошқа сифатга сезилмасдан ўтишни билдиради. Бу ҳолда сифатни муносабатлар ўзгаришининг узлуксиз тизими яратилади.


Ранг бино меъморий композициясининг вариантларини кўпайтириш имконини беради. Айниқса заводда тайерланган бир қолипдаги қурилиш конструкцияларидан қайта-қайта фойдаланилганда унинг аҳамияти катта.




а



в



б



19-расм. Тектоник тушунчасига мисоллар: *а – устунли-тўсинли тош қурилмалар; б – гишт ва панел-бетон қурилмалар; в – йирик блокли консол қурилмалар*

Пардоз конструкция сиртига берилган ишловнинг тури, турли бадий таъсирчанликка эришишга ёрдам беради. Соя ҳам меъморий хажм қавариқларига алоҳида маънодорлик бахш этади.

Нақшлар, ҳайкаллар бино ҳажмий композицияси ғоясини тўлароқ очиб бериш имкониятини беради. Маҳобатли расмлар меъморий-бадий образнинг кучайишига ва муайян бўлишига имкон беради, шу билан бирга унинг киши ҳиссиётига таъсир доирасини кенгайтиради.

Меъморий композициянинг яна бир муҳим воситаси - **тектоникадир**. У бинонинг конструктив тузилиши ва қурилиш материалларининг ташқи кўриниши ва ҳажмида яхлит маънода акс эттирилганлигини ва бу яхлитликни бадий мақсадларда фойдаланилганлик даражасини билдиради.

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Фаннинг предмети ва мақсадини тушунтиринг.
2. Типология сўзининг маъноси нимани билдиради?
3. Бинолар типологияси деганда нимани тушунаси?
4. Бино ва иншоотларнинг бир-биридан фарқини нималарда кўрасиз?
Уларда қандай умумийлик бор?

5. Биолар бажарадиган функциясига кўра қандай гуруҳларга бўлинади? Уларни изоҳлашга ҳаракат қилинг.
6. Турар жой биоларининг ташқи кўринишини жамоат биоларидан қандай фарқ қилади?
7. биоларга қандай талаблар қўйилади? Уларни тушунтиринг.
8. Витрувий учлиги деганда нимани тушунасиш? Бугунги кун талабларига кўра Витрувий учлигида нима етишмайди?
9. Биоларнинг конструктив, яъниқурилмавий таркибий қисмларига нималар киради? Уларни изоҳланг.
10. Биоларнинг курси қавати унинг ер тўла (подвал) қаватидан қандай фарқ қилади?
11. Биолардаги хоналар вазифаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади? Уларни изоҳланг.
12. Биолар қандай белгиларига қараб классификацияга бўлинади?
13. Бинонинг ҳажмий-фазовий ечими деб нимага айтилади? Сиз бунини қандай тушунасиш?
14. Биолар ҳажмий-режавий ечимларининг бир-биридан фарқ қилувчи қандай композициялари (услублари) мавжуд? Уларни санаб ўтинг.
15. Коридор услубидаги ҳажмий-режавий ечимга изоҳ беринг. Бундай ечимнинг ижобий ва салбий томонларини тушунтиринг. Улар қандай биоларда кўпроқ қўлланилади?
16. Галерея услубидаги ҳажмий-режавий ечимга изоҳ беринг.
17. Секция услубидаги ҳажмий-режавий ечимга изоҳ беринг.
18. Анфилада услубидаги ҳажмий-режавий ечимга изоҳ беринг.
19. Биолар ҳажмий-режавий ечимларининг аралаш услублари қандай вазифаларда ва биоларда қўлланилади?
20. Биолар ўзларининг ташқи меъморий кўриниши ва ҳажм-фазовий тузилишига қараб қандай композицияларга бўлинади? Уларни изоҳланг.
21. Меъморий-бадий воситалар деганда нималарни тушунасиш? Уларга нималар киради.
22. Меъморий-бадий воситаларнинг моҳияти ва амалда қўлланилишини тушунтириб беринг.
23. Меъморий мутаносиблик деганда нимани тушунасиш?
24. Симметрия ва асимметриянинг қандай турлари мавжуд?
25. Ритмнинг қандай турлари мавжуд? Улар бир-биридан қандай фарқ қилади?
26. Контраст ва нюанснинг архитектурадаги аҳамиятини тушунтириб беринг. Уларнинг қандай турлари мавжуд?

II-БЎЛИМ. ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

2.1. Турар жой биноларининг таснифи (классификацияси)

2.2. Кам қаватли турар жой бинолари

2.3. Ўрта қаватли турар жой бинолари

2.4. Кўп қаватли турар жой бинолари

2.5. Баланд қаватли турар жой бинолари

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

Ҳар бир шаҳар, вилоят, туман ва қишлоқ учун уй-жой танлашда уларда яшайдиган аҳолининг демографик таркибини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга. Республикамиз аҳолисининг демографик таркиби, албатта бошқа давлатлар кўрсаткичларидан ўзгачадир. Айниқса, бу кўрсаткич Болтиқ бўйи давлатлари ва Белоруссиядагидан катта фарқ қилади. Ўзбекистонда аҳолининг бир йиллик ўсиши 3% ни ташкил этади.

Бошқа қўшни давлатларга нисбатан бизнинг республикамизда кўп болали оилалар анча кўпроқдир. Бу эса, ўз навбатида, кўп хонали хонадонларнинг нисбий фоизини оширишга олиб келади. Кўп болали оилалар, айниқса, қишлоқ аҳолисига мансубдир.

Турар жой уйини танлашда туб аҳолининг қайси хунарлар билан машғул бўлиши ҳам энг асосий омиллардан биридир. Бундан ташқари қишлоқ турар жойининг таркибида ёрдамчи хоналар, молхона, товукхона, қўйхона, сомонхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган асбоб-ускуналар сақлайдиган хоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган омборхоналар бўлиши керак.

Илм-фан ва санъат аҳллари учун уйда қўшимча хоналар қурилиши хонадон таркиби ва тарҳини белгилашда ҳисобга олиниши керак.

Халқнинг урф-одатлари ҳам хонадон таркибига ўз таъсирини ўтказади. Ўзбек халқининг энг асосий урф-одатларидан бири бу очик ҳавода кўпроқ вақт ўтказишдир. Бу одат мамлакатимизнинг табиати, иқлим-шароитидан келиб чиққан бўлиб, хонадон таркибига очик ёзги хоналар, айвонлар ва супалар киритишни тақозо этади. Бу ерда аҳоли меҳмон кутади, дам олади ва ухлайди.

Уйнинг турини танлашга унинг қаерда жойлашгани ҳам таъсир қилади. Уй жойлашган жой шаҳардами, қишлоқдами, шаҳар марказидами ёки четдами шунга қараб ҳар-хил талаблар пайдо бўлади. Ундан ташқари ернинг паст-баландлиги, уйни ўраб турган табиат иқлим-шароити, тупроқ таркиби ва сейсмик ҳолатлари ҳам уй турини танлашда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, бу нарсага табиий иқлим шароити катта таъсир қилади.

Республикамизнинг шимол ва жанубида қуриладиган уйлар бир-биридан фарқ қилади, ундан ташқари нам ва қуруқ иқлим, тоғ ёки пастликлар, саҳро ва нам ерларнинг таъсири ҳам турар жой меъморчилигига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тоғлардан, саҳролардан, текислик ва паст текисликлардан, кўкаламзор, лалмикор ерлардан ташкил топган. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида турар жойларни ҳамма ерга бир хил лойиҳалаштириш ва қуриш катта хатоликларга олиб келиши мумкин.

Республикамиз илмий текшириш институтлари томонидан табиати, иқлим шароити, ер қимирлаши ҳисобга олинган хариталар ишлаб чиқилган. Шу хариталарга қараб меъморлар ва қурилиш мутахассислари уйларнинг турларини танлайдилар, ундан фойдаланадилар ва қурадилар.

Уйларни танлаш ва қуришга маҳаллий қурилиш шароитлари, яъни қанақа қурилиш техникаси, ашёлари ва материалларининг борлиги, қурилиш-техник жиҳозлари ва асбобларнинг аҳволи ҳам таъсир этади. Лекин бу нарсалар ўзгарувчан бўлиб, улар умумий техник-иқтисодий ривожланишга, фан ва техниканинг ўзгаришига ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун лойиҳаловчи меъморнинг олдига қўйиладиган асосий вазифа бу-ҳамма шарт-шароитларни тўла ўрганиб чиқиб, кейин энг зарур, қулай, чиройли ва арзон уй-жой биносини лойиҳалашдир.

2.1. Турар жойларнинг таснифи (классификацияси)


Турар жойлар ўзларининг хусусиятларига қараб турлича гуруҳларга бўлинади. Масалан, ердан фойдаланиш усулига қараб турар жойлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. *Ҳовлили тураржой бинолари.* Уларда уй ёки хонадон эгаси уй ҳовлисининг ҳам эгаси ҳисобланади. Ҳовлили турар жойлар алоҳида қурилган бир хонадонли (уй-квартира) ва бир-бирига туташтирилиб қурилган ҳовлили хонадонлар кўринишида бўлади. Бир-бирига 2 ёки 4 та хонадон туташтирилиб, ҳар бирининг қошида алоҳида ҳовлиси бўлади. Бунда ҳовли деворлари ҳам туташади. Бундай уйлар, одатда, қишлоқ жойларда ва шаҳарларнинг чекка қисмларида қурилади. Бироқ, шаҳарларда ҳам ҳовлили уйлар қуриш анъанаси давом этиб келмоқда.

2. *Ер майдони умумий бўлган турар жойлар.* Булар, одатда, кўп хонадонли (кўп квартирали ва секцияли) ва асосан ўрта ва кўп қаватли умумий (коммунал) типдаги уйлар бўлиб, асосан шаҳарлардаги бинолардир. Ер майдонидан ҳамма хонадонлар ёки бир гуруҳ хонадонлар фойдаланадилар.

Турар жой бинолари қаватлари бўйича қуйидаги типологик гуруҳларга бўлинади:


1. *Кам қаватли уйлар* (1-2 қаватли) асосан қишлоқ жойларда кенг тарқалган. Бундай уйлар асосан ҳовлили, бироқ ер майдони умумий бўлган уйлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда уларнинг қурилиши шаҳарларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.




20-расм. Қишлоқларда қурилатган кам қаватли уй-жой лойиҳасидан намуна

2. *Ўрта қаватли уйлар* (3-5 қаватли) умумий зинапоядан фойдаланадиган лифтсиз турар жойлар бўлиб, шаҳарларда кенг тарқалган, улар иқтисодий жиҳатдан фойдали деб топилган. Бундан ташқари бу хилдаги уйларни қуриш аҳолини нисбатан зичроқ жойлаштириш имкониятини беради. Аммо йирик шаҳарларда энг асосий нарсая ер сатҳини тежаш масаласи бўлиб, аҳолини зич жойлаштириш мақсадида ўрта қаватли уйлар қурилиши камайтирилиб, уларнинг ўрнига кўп қаватли турар жой биноларини қуриш кундан-кунга ошиб бораёпти. Тиббиёт олимларининг тадқиқотларидан шу нарсая маълумки, бизнинг иссиқ иқлимимиз шароитида 5 қаватли уйларга зинапоядан чиқиш ёши ўтиб қолган одамларнинг соғлиғига зарар етказар экан.

Шунинг учун Ўзбекистонда ўрта қаватли лифтсиз уйларнинг баландлиги 4 қаватдан ошмаслиги керак.



21-расм. Ўрта қаватли турар жой биноларининг тарзлари



22-расм. Баланд қаватли уйларга амалиётдан мисоллар

3. *Кўп қаватли* (6—9 қаватли) *уйларда* умумий зинапоялардан ташқари қаватлараро боғланишлар учун лифт билан таъминланган бўлиши керак. Иқтисодиёт нуқтаи назардан қаралса, бундай уйлар ўрта қаватли уйлардан қимматроқ тушади, аммо уйда кўпроқ аҳолини жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун бу хилдаги уйлар катта шаҳарлар учун асосий турар жой бинолари ҳисобланади.

4. *Баланд қаватли* (10 ва ундан ортиқ бўлган) *уйларда* биноларга кираверишда, умумий зинапоядан ташқари 2 хил лифт (одамлар учун ва юк лифтлари) бўлиши керак. Аҳолини ёнғин пайтида бинодан тез чиқариб юбориш ёки эвакуация қилиш мақсадида қўшни хонадонларнинг ёзги хоналари ўзаро узвий боғланган бўлиши ва тутун кирмайдиган зинапоялар орқали тик боғланишга ҳам эга бўлиши керак.

Ўрта, кўп ва баланд қаватли уйлар ўзларнинг меъморий-режавий ечимига кўра 3 та энг асосий турга бўлинади: секцияли (бир ва кўп секцияли), коридорли ва галереяли уйлар.

Бизда кўп секцияли уйлар энг кўп тарқалган уйлар ҳособланиб, улар собиқ Иттифоқ даврида иқлим шароити турлича бўлган республикаларда қурилган. Коридорли ва галереяли уйлар эса асосан камхонали хонадонларга мўлжалланган бўлиб, коридорли уйлар собиқ Иттифоқ ҳудудининг ўрта қисмида, галереяли уйлар эса асосан жанубий қисмида қурилган.

Ўзбекистон иқлим шароитида хонадон (квартира) ни ер сатҳи ва очиқ ҳаво билан боғлаш анъанага айланиб қолган. Шаҳарларнинг тез ўсиши ва ер майдонини тежаш ўрта ва кўп қаватли уйларнинг қурилишининг авж олишига олиб келди.

Шаҳарларда хонадонларни ер билан боғлаш анъанаси вақт ўтиши билан сусайди. Бунинг ўрнини алмаштириш учун хонадон таркибига ҳар хил ёзги хоналарни киритиш, ўрта ва кўп қаватли уйларда кам қаватли уйларга нисбатан ҳар хил қулайликлар, яъни марказлашган иссиқ сув, иситиш, электр жиҳозлари ва чиқиндини олиб кетиш учун қулайликлар яратилди. Шу сабаблар натижасида Ўзбекистон табиати, иқлим-шароити ва урф-одатларига жавоб берадиган турли хил кўп қаватли уйларни лойиҳалашга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

Ёз пайтларидаги иссиқ ҳаво ва нисбатан юмшоқ, қисқа даврли қиш хонадонларни иссиқ ҳаводан сақлашни тақозо этади. Бунга эса уйлардаги хоналарни қуёшга нисбатан тўғри қаратиш (ориентация) лаш, тўғри шамоллатиш, ёзги хоналардан фойдаланиш, қуёшдан сақловчи қурилмаларни қўллаш орқали эришилади.



Уйларни қуёшга нисбатан тўғри ориентациялашнинг маъноси шундаки, қиш пайтида хонадонларнинг қуёш нури тафтидан кўпроқ фойдаланишни, ёз пайтида эса, аксинча, хоналарга камроқ қуёш тушишини таъминлаш зарур. Бунга эришиш учун ёзда қуёш нури тик тушганлиги сабабли деразаларда унга қарши қурилма, яъни соябон ўрнатилиши керак. Қишда эса қуёш пастлаб нур сочганлиги сабабли қуёш нури тўғридан-тўғри жанубга қаратилган деразага тушади ва хона «инсоляция» олади. Инсоляция, яъни қуёш нурининг хонага тўғридан-тўғри узлуксиз тушиб туриш барча яшаш хоналари учун меъёрланади.

Демак, хонадон хоналарини икки тарафга ориентациялаш керак: асосий яшаш хоналари жануб, жануби-шарқий томонларга қаратилса, ёрдамчи хоналар шимол ёки шимолий-ғарбий томонларга қаратилиши керак.

Энг ёмон ориентация, бу уфқнинг ғарб тарафи бўлиб, бунда уйнинг бир томони пешиндан кейин тез қизийди, хоналар ҳавоси исиб кетади. Шунинг учун бу тарафга қаратиб уй-жойларни қуришга рухсат берилмайди.

Ёз пайтлари хонада салқин ҳаво ҳосил қилиш учун уйни шамоллатиш, яъни елвизак катта аҳамиятга эга. Елвизакни таъминлаш эса уй тарҳини тўғри ташкил қилиш, яъни уни икки тарафга қаратиш ҳисобига ташкил этилади. Ўзбекистон шароитида хонадонни бир томонга қаратиш елвизак усулини ҳосил қилишга ёрдам беролмайди ва хонадоннинг исиб кетишига сабаб бўлади. Бундай тарҳли турар жойлар Ўзбекистон иқлими шароитида қониқарсиз деб ҳисобланади.

Ташқи конструкцияларнинг қанчалик иссиқлик ўтказишини билиш учун, у албатта ҳисоб-китоб қилиниб уларнинг керакли қалинликлари топилади. Шу мақсадда иссиқликни кам ўтказадиган материаллар ва деразалар сатҳи кичрайтирилиб олинади. Хоналарда салқин ҳаво ҳосил қилиш учун айниқса қуёшга нотўғри ориентацияланган уйларда қуёш нури ва тафтидан сақловчи горизонтал ва вертикал қурилмалар ишлатилади: горизонтал қурилмалар жанубга қаратилган уйлар учун, вертикал қурилмалар шарқ ва ғарб томонга қаратилган уйлар учун ҳамда ҳар хил бошқа аралаш қурилмалар (шторлар, жалюзлар, дарахтлар ва ирмашиб ўсадиган ўтлар) ишлатилади. Қуёшга қарши қурилмалар фақат ҳавони салқинлаштирибгина қолмай, уйларнинг тарзини (фасадини) бойитишга ва чиройли бўлишига ҳам ёрдам беради. Бундай қурилмалар Ўзбекистон шароитида хонадонлар учун салқин яратадиган табиий усуллар ва жиҳозлар ҳисобланади. Шу билан бирга сунъий техник жиҳозлар- замонавий совуткичлар ҳам борки, улар ҳам уй ҳавосини салқинлатишга хизмат қилади. Ўзбекистон шароитида бундай сунъий техник усуллар ишлатиладими ёки йўқми, уйларни лойиҳалашда асосан табиий салқинлатиш усуллари, қонун-қоидалари қўлланилиши шарт.



23-расм. Замонавий архитектурада қуёш қайтаргич қурилмаларининг қўлланилиши.

Табиий иқлим шароитлари бўйича Ўзбекистон ҳудуди бир нечта зоналар: тоғли, лалмикор, сахро ҳудудларига бўлинади ва унинг ҳавоси бир-биридан фарқ қилади. Фарғона, Самарканд, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари эса тез-тез эсиб турадиган иссиқ гармсел шамоли билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади.

Тошкент зонал илмий текшириш экспериментал лойиҳалаш институти томонидан бу зоналарнинг иқлимий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди 3 қисмга бўлинган:

1-қисм совуқ ва узоқ қиши ҳамда иссиқ ёзи билан ажралиб туради. Бунга Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг шимолий қисми киради;

2-қисмга асосий лалмикор ва саноат вилоятлари, яъни Фарғона водийси, Тошкент ва Самарканд вилоятлари киради. Бу вилоятлар юмшоқроқ қиши ва иссиқ ёзи билан ажралиб туради. Булар жуда кенг ҳудудли ва аҳолиси зич жойлашган вилоятлардир;

3-қисмга ёзи жуда иссиқ, қиши қисқа ва юмшоқроқ иқлимли вилоятлар киради. Бу ерда тез-тез жанубий иссиқ гармсел шамоли эсиб туради. Ҳавонинг иссиқлиги 45 даражагача кўтарилади. Бу ҳудудда иссиқ кунларнинг кўплиги сабабли табиий усуллар билан иссиқдан сақланиш қийин масала ҳисобланади.

Бир-биридан фарқ қиладиган бу қисмлар учун, албатта ўзига хос турар жой лойиҳалари яратилиши лозим. Ўзбекистоннинг айрим туман ва вилоятларида ер тез-тез қимирлаб туради. Ернинг 9 балгача қимирлаши эса қурилишда анча-мунча лойиҳаларни чеклаш ва ер қимирлашига қарши қурилиш усуллари ишлатишга олиб келади. Шунинг учун Ўзбекистон ҳудудида ер қимирлашнинг сейсмик харитаси ишлаб чиқилган. Бу харитада ҳар бир туман ва вилоятнинг неча балли қисмга кириши кўрсатилган. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитини, ер қимирлашини ҳисобга олиб турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ҳамда қуриш меъморлар олдида анча қийинчиликлар туғдиради, бироқ, меъморчиликда ўзига хос анъаналарни мужассамлантиришга имконият яратади.

Барча турар жойлар юксак эстетик талабларга, миллий ва замонавий анъаналарга, турли оилавий таркиблар ва уларнинг маиший эҳтиёжларини ҳисобга олиб жойлаштиришнинг демографик талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Ҳар бир қишлоқ турар жой биноси силуетининг яққол намоён бўлиб, унинг жойлашиш мароми ва ранглар жилосига эга бўлиши, уйнинг ҳар хил иқлимли зоналарда (сахролар таъсиридаги туманлар; тоғлар этакларидаги воҳалар, водийлар ва қулай ландшафтли-иқлимли шароитга эга тоғ туманлари; экстремал қишки шароитларга эга туманлар) жойлашишига қараб миллий анъанавий ёзги хоналар: айвон, уй-айвон, долан, болохона, пешайвон ва бошқалар кенг қўлланилиши керак.

Турар жойлар қуриш учун ер майдони сатҳи баландроқ, сув тўрежавиймайдиган, ерга сув шаҳобчалари ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш имкониятига эга бўлган жойлар танланади, ундан ташқари турар жойлар

саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан санитария-гигиеник жиҳатдан узоқроқ масофада бўлиши керак.

Турар жойлар кўча шовқинидан маълум бир масофада жойлаштирилиши, кўчанинг қизил чизиғидан кўкаламзор ва шовқиндан сақланадиган тўсиқлар орқали ажратилиши керак.

Уйга автомобиль кириши учун йўлакча ажратилиши, бундан ташқари уй атрофи кўкаламзорлаштирилган ва сув ўтказилган, болалар майдончалари, кир қуритадиган ва спорт майдончалари, соябонлар, катталар дам оладиган жойлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон табиий иқлим шароитида муҳим омиллардан биридир. Ер сатҳи қўшни уйлар билан, боғча, мактаб, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари билан қулай боғланган бўлиши керак.

Уй-жой қурилишида энг зарур талаблардан бири бу тежамкорликдир. Аммо қурилган уй мустаҳкам, чидамли ва уйни иситиш учун кўп иссиқлик сарф қилинмаслиги, тез-тез қайта таъмирланмаслиги зарур талабларидан биридир. Уйлар тез эскирмасликлари, хонадонлар қулай ва шинам бўлиши керак.

Лойиҳаларни танлашда архитектура меъёрларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш зарур, лекин меъморчиликда бунинг ўзи кифоя қилмайди. Шунинг учун лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳаларнинг ичидан техник иқтисодий томонлари юқори бўлганларини танлаб олиш яхши натижа беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон иқлими шароитида уйларни яхши шамоллатиш учун деразаларни икки тарафга ўрнатиш, секцияда тўрт хонодон ўрнига икки хонодонни жойлаштиришни тақозо этади, бу эса зина катакларининг сонини ошиб кетиши, катта-катта ёзги хоналардан фойдаланиш ва қуёшга қарши қурилмаларнинг ўрнатилишига, уй таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда тез-тез ер қимирлаб туриши ҳам уйларни мустаҳкам қурилмалар билан қуришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, ортиқча маблағ сарфланишига олиб келади. Шунинг учун бу сабаблар бизнинг меъморларимиз олдида қурилишда тежамкор ва унумли меъморий лойиҳаларни танлашни тақозо этади.

Уйларга ранг танлашнинг ўзига хослиги мавжуд, яъни ҳар хил қорамтир рангларни ишлатишдан сақланиш керак, чунки улар бинога хунук кўриниш бериши билан бирга бу ранглар қуёш нуруни яхши қайтара олмайди ва хоналарнинг исиб кетишига сабаб бўлади. Бу ерда табиатдаги очик рангларни ишлатиш зарур.


Халқ меъморчилигининг усуллари уй-жойлар қуришдаги халқ анъаналари, урф-одатларини инобатга олган ҳолда турар жой биноларининг янги архитектураси ва типларини яратиш мумкин.

Намунавий турар жойлар билан ўзига хос оригинал ва ҳар-хил кўринишдаги турар жойларни яратиш меъморлардан моҳирликни ва янги ижодий йўналишларни талаб этади.

Хонадон таркиби ва уларнинг хоналари. Хонадон, яъни квартира деб битта оиланинг яшаши учун мўлжалланган ва шу мақсадда бир-бирига функционал боғланган хоналар гуруҳига айтилади. Хонадон турар жойларнинг

асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу хонадонларда оила аъзолари ўзининг асосий вақтини ўтказди, дам олишади, ухлашади, овқатланишади, меҳмон кутишади, айрим ҳолларда ишлашади.

Хонадон хоналари яшаш, ёзги ва ёрдамчи хоналарга бўлинади (-расм).



24-расм. Хонадоннинг таркиби. *А - ётоқхоналар: 1 - ота-оналар учун; 2 - болалар учун; 3 - катталар учун; Б — умумий хона: 4 — ошхона; 5 — меҳмонхона; Д — ишчи хона; Е — ёзги турар хона; Ф — ёзги рўзгор хона; 7 — ошхона; 8 — ҳожатхона; 9 — ҳаммом; 10 — коридор; 11 — хужра; 12 — даҳлиз.*


Яшаш хоналари таркибига: меҳмонхона, умумий хона, иш хона, катта ёшдагилар учун ётоқхона ва ёш болаларнинг ухлаши, ўйнаши учун хоналар киради. Ўзбекистон шароитида ҳар бир хонадон ўзининг ёзги айвонига эга бўлиши керак. Ёрдамчи хоналарга: ошхона, даҳлиз, ҳожатхона, қўл ювадиган жой, йўлаклар, қазноқхоналар, токчалар, тахмонлар киради.

Турар жой хоналари етарли ёруғликка эга бўлиши, яъни дераза юзаси хона поли юзасининг 1/8 қисмига бўлиши, тўғри ориентацияга ва табиий шамоллатишга мослаштирилган бўлиши керак.

Деворларнинг қалинлиги хонадонни қишда совуқдан ёзда эса иссиқдан, шу билан бирга кўча шовқини ва чангдан сақлаши керак. Булардан ташқари, ички ва ташқи деворлар товуш ўтказмаслик хусусиятига эга бўлиши керак.

Зарурий санитария-гигиеник шароитни яратишда муҳандислик жиҳозларидан фойдаланилади. Хонадонларда умумий иситиш, совуқ ва иссиқ сув билан таъминлаш, канализация, сунъий шамоллатиш ва бошқа муаммолар ҳал этилган бўлиши лозим. Энг керакли тадбирлардан бири санитария-гигиенани яхшилаш, Ўрта Осиё шароитида хонани қуёшдан асрайдиган қурилмалардан фойдаланиш лозим.

Хонадон хоналари сонига қараб кам хонали (1 та яшаш хонаси), ўртача (3—4 та яшаш хоналари) ва кўп хонали (5 ва ундан кўп хоналардан), ўлчовига қараб кам майдонли ва мукаммал хонадонлардан иборат бўлади. Тузилишига қараб хонадон 1 ёки 2 қаватли бўлиши мумкин.



25-расм. Умумий хона мебелларининг жойлашиши:

А - хоналар томони 1:2 бўлганда; Б - хоналар томони 1:1 бўлганда; Д – икки томонлама ёруғлик тушганда; Е - бир хонали хонадонлар учун; 1 – овқатланадиган стол; 2 — сервант; 3 — диван; 4 — китоб жовони; 5 — журнал столи; 6 —кровать; 7 — дарс тайёрлайдиган стол ва телевизор.


Умумий хона майдонининг юзаси 18 м² дан кам бўлмаслиги керак. Хоналар сони ортиб борган сари умумий хона майдони ҳам ошиб боради. Умумий хонанинг эни 3,5 метрдан кам ва бўйи 6 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Умумий хонанинг нисбатлари, яъни эни бўйига нисбатан 1:2 бўлиши қулай ҳисобланади. Умумий хонанинг эни ва бўйини тўғри танлаш хонага мебеллар, ҳар хил керакли уй жиҳозларини унумли ва қулай жойлаштиришга ҳамда хонани тўғри ёритишга ёрдам беради.

Умумий хона даҳлиз билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши шарт. Ошхона билан умумий хона боғлиқлиги қулай, лекин тўғридан-тўғри бўлиши шарт эмас, уларнинг йўлак ёки даҳлиз орқали боғланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ёзги хона, айвоннинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у ёз пайтида умумий хона вазифасини ўтайди ва умумий хонага қараганда ёруғроқ ва салқинроқ бўлади. Шунинг учун умумий хона билан ёзги хона орасига йиғма трансформацион тўсиқлар ишлаш ва кези келганда уларни бирлаштириш учун шароит яратиш зарур.

Умумий хонадан фақат биттагина яшаш хонасига киришга рухсат берилади. Кўп хонали хонадонларда битта хонани меҳмонхона учун ажратиш мумкин. Бундай ҳолатда умумий хонанинг ўлчовларини қисқартириш мумкин. Меҳмонхонани умумий хона ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки булар орасида йиғиштириладиган тўсиқлар ўрнатилиб, вақти-вақти билан уларни бирлаштириб туриш мумкин бўлади. Меҳмонхона билан умумий хонанинг ориентацияси ғарб ва жануби-ғарбдан ташқари бошқа барча томонларга қаратилган бўлиши мумкин. Агар бу хоналар шимол томонга

қаратилса, унда уларнинг олдига ёзги хона, яъни айвонни жойлаштириш ман этилади.

Ётоқхона. Ётоқхоналар катта ёшдагилар ва болалар учун мосланган бўлади. Улар 1 ёки 2 кишини жойлаштиришга мўлжалланган бўлади. Бир кишига мўлжалланган ётоқхоналарнинг майдон 12-14 м² дан кам бўлмаслиги керак. Ота-оналар учун мўлжалланган ётоқхоналарда эмизикли болага жой бўлиши керак (4-расм).



26-расм. Ётоқхоналарнинг тахминий лойиҳаси ва мебелларни жойлаштириш:

- 1 - бир кишилик ётоқхона; 2 - икки бола учун ётоқхона; 3 - иш хонаси;
4 - икки катта ёшдагилар ётоқхонаси; 5 - ота-оналар ётоқхонаси.



Ёзги хона. Ўрта Осиё иқлими шароитида ёзги хоналар ҳар бир хонадоннинг энг керакли элементи ҳисобланади. Ўзининг кўринишлари бўйича ёзги хоналар: айвон, шийпон, балкон, лоджия, эркер, ёпиқ айвон-верандаларга бўлинади.

Ёзги хоналар ўрта ва катта хонадонлар учун умумий хонадон сатҳининг 20% ни ташкил қилиши керак, лекин бу 1 хонали хонадонлар учун кичикроқдир. Бундай хонадонлар учун бу сатҳни салгина оширишга тўғри келади. Ёзги хоналарнинг эни 2 метрдан кам бўлмаслиги керак, чунки шундагина бу ерда стол, стул, супача ва кроватни бемалол жойлаштириш мумкин бўлади. Лекин асосий хоналар ёзги хоналар орқали ёритилса, уларнинг кенглиги 2,5 метрдан ошмаслиги керак.




Ошхоналар нафақат овқат тайёрлаш, балки бу ерда овқат ейишга ҳам хизмат қиладиган бўлади лойиҳалаш амалиётида ошхона-емакхона атамасининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Стол ва стулларни ёки хонтахтани жойлаштинириш катта бўлмаган ошхона майдонини кенгайтиришга олиб келди. Ошхона-емакхонаси бор умумий хонадан фақат дам олиш ва байрам кунларида фойдаланилади. Ошхоналарни жиҳозлаш учун, аввало, газ ёки электр асбоблари маҳсулотларни тайёрлайдиган стол, совиткич, идиш-товоқлар учун ва қуруқ озиқ-овқатлар учун шкафлар жойлаштирилиши керак.



27-расм. Ошхона мебеллари ва жиҳозларини жойлаштиришнинг тахминий лойиҳаси:
 4— ошхона; а — бир тарафлама жойлашган жиҳозлар; б — икки тарафлама; д — бурчакли; Б — ошхона емакхонаси билан: а — бир тарафлама; б — икки тарафлама; д - бурчакли; И - икки комфорали ошхона ўчоги; 2 — тўрт комфорали ошхона ўчоги; 3 - иш столи; 4 - идиш ювиш жойи; 5 - совиткич; 6 - осиб қўядиган идиш жавони; 7 — овқат ейиш столи; 8— стуллар.



В




28-расм. Ёзги хоаналарнинг турли кўринишлари: а) балконлар; б) эркерлар; в) лоджиялар

Ўзбекистон шароитида ошхоналар айвонлар билан тўғридан-тўғри боғланиши ва алоҳида шамоллатиш йўлига эга бўлиши керак. Бизда яшаш хоналари билан ошхонани тўғридан-тўғри боғлаб бўлмайди, чунки бизнинг миллий таомларни тайёрлаш учун, албатта ёғ яхшилаб қиздирилади ва натижада тутун ва ҳид пайдо бўладики, уларни бошқа хоналарга киришдан сақлаш керак.

1—2 хонали хонадонлар учун ҳозирги замон талаби бўйича ошхона майдони 6 кв м дан кам бўлмаслиги керак. Хоналарнинг сони ошиб боргани сари ошхона майдони ҳам ортиб боради ва 10 кв м га етади. Ошхона-емакхона майдони эса 8 м² дан кам бўлмаслиги керак.


Ванна (обзан) хоналар фақат ювинишгагина эмас, балки кир ювишга ҳам мўлжалланган бўлади. Шунинг учун бу ерга ваннадан ташқари қўл ювиш жиҳози (раковина) ҳам ўрнатилади. Ваннахонада кир ювадиган машина, кийим ва сочиқ осадиган жиҳоз, ойна ва ифлос (кир) кийимлар учун қути жойлаштирилган бўлиши зарур. Бу жиҳозларни жойлаштириш учун ваннахона маълум бир сатҳдаги майдонга эга бўлиши керак. Ванналарнинг ўлчамлари 1,55x0,75 дан 1,8x0,8 метргача бўлади. Ўтириб ювинадиган ваннанинг ўлчами 1,2x0,8 метрни, қўл ювадиган жиҳоз 0,55x0,45 метрни ташкил этади.

Ваннахоналарга табиий ёруғлик тушиши шарт эмас. Ваннахона эшиклари, албатта ташқарига очилиши шарт.



29-расм. Сантехник жиҳозлар:

а — ваннахонадаги санитар жиҳозларнинг умумий кўриниши;
б — тўғрибурчакли ванна, узунлиги 1500 мм; *д* — душ паддони; *е* — фаянс умивалниги; /— фаянс унитаз; *е* — фаянс унитаз, тепага жойлашган бачоги билан.




30-расм. Ҳожатхона ва ванна (обзан) хоналар лойиҳаси:


а - ҳожатхона; *б* - ҳожатхона, қўл ювадиган жойи билан; *д* - ванна, умивалниги билан; *е* — ванна, умивалник, кир ювадиган машина, кир тахлайдиган шкафи билан; /— ҳожатхона, обзанхона билан.

Хонадон ичига жойлаштирилган зинапоялар. Бундай зинапоялар икки қаватли хонадонлар учун мўлжалланган бўлади (-расмлар). Уларинг

кенглиги 0,85 метрдан кам бўлмаслиги керак. Оғиш бурчаги 1:1.75 дан 1:1,5 гача, зина сатҳлари эса 28x16 сантиметрдан 27x17 сантиметргача бўлади. Хонадон ичида бурчакдаги айлана зинапоялар ҳам ишлатилади, лекин булар мебел ва бошқа жиҳозларни олиб чиқишда, болалар ва қарияларнинг чиқиб тушишида ноқулайлик туғдиради. Зинапояга чиқиш даҳлиз йўлакларида ёки умумий хонадан назарда тутилиши мумкин. Зинапоя умумий хонага жойлаштирилган бўлса, у хона ичини эстетик бойитишга ёрдам беради, аммо умумий хонани юриб ўтадиган хонага айлантириб анча ноқулайлик туғдириши мумкин. Зинапояларни ётоқхона ёки ошхонага жойлаштириш ман этилади.



31-расм. Хона ичидаги зинапоя лойиҳасининг схемаси:
А - бир тарафлама; 1 –тўғри; 2, 3, 4 - икки ва уч тарафлама; Б -икки тарафлама зинапоя; 1,2- зинапоя майдони билан; Д – бурчакли зинапоя.



32-расм. Зинапояларнинг хонадон ичида жойлашиши:
А - уч хонали хонадон; Б - тўрт хонали хонадон; Д - беш хонали хонадон; а - биринчи қават; б - иккинчи қават.

2.2. Кам қаватли турар жой бинолари

Кам қаватли уйлар бир ёки икки қаватли қилиб қурилади. Улар ҳовлили томорқали ёки томорқасиз бўлиши мумкин. Ўзбекистон шароитида улар, одатда, томорқали қилиб қурилади. Томорқали уйлар ўз навбатида уйнинг ҳовли ичида алоҳида ёки ҳовлининг бошида, бурчагида жойлашган кўринишларда, уйлар ва томорқаларнинг бир-бирига ён томонлардан туташтирилган, яъни блокировки қилиб қурилган кўринишларда бўлади.

Кам қаватли уйлар, асосан, қишлоқларда, шаҳар маҳаллаларида, туман марказларида катта оилалар ёки кўп (икки, уч) авлоддан иборат оилаларга мўлжалланган бўлади. Бир қаватли ҳовлили (томорқали) уйлар, асосан, қишлоқ жойларда кўп қурилади. Бироқ, улар ҳозирги пайтда туман марказлари ва шаҳар четларида ҳам қурилмоқда. Уйга кириш асосан кўча томондан ташкил этилган бўлиб, йўлак билан умумий хона ва ошхонадан ҳовлига чиқишга қулай шароит яратилган бўлиши керак. Ёзги хона (айвон) асосан, ҳовли томонда жойлашган бўлиб, умумий хона ва ошхона билан боғланган бўлиши шарт.

Кам қаватли томорқали уйлар «қизил чизикдан» 6 метр ташлаб қурилади. Уй олдида пан жарали гулхона, кириш ва чиқиш учун дарвоза ёки эшик ўрнатилади. Томорқанинг орқа томони эса тор хўжалик кўчасига қаратилган бўлиб, унинг хўжалик хоналари шу томонда жойлаштирилган бўлади.




33-расм. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган кам қаватли ҳовлили уйлар.

Уй атрофига гулзорлар, ҳовуз, ёзги ошхона, соябон ва дарахтлар ўтказилади. Қолган ер сатҳи сабзавотлар ва мевали дарахтлар, узумзорлар учун ишлатилади. Гараж учун ҳам қулай жой танлаш зарур. У уй ичида ҳам бўлиши мумкин. Уйларни қулай жойлаштириш учун бирлаштириш, яъни битта том остида жойлаштириш мумкин.




34-расм. Қишлоқ жойларда қурилган кам қаватли ҳовлили уйлар.

2 қаватли уйлар бир қаватли уйлардан афзаллиги билан фарқ қилади, чунки улар ер ва том сатҳини, пойдевор ва цокол (курси) ҳамда уй ҳажмининг 2 марта қисқаришига олиб келади ва шу билан уларнинг нархи арзонроқ бўлишига сабаб бўлади. Қишлоқ аҳолиси бир қаватли уйларни қуришга мойилроқ бўлади, бундан ташқари 1 қаватли уйларнинг тарҳини оиланинг ўсишига мослаштириш мумкин.



35-расм. Кам қаватли юқори комфортли турар жой биноси:
А — биринчи қават тарҳи; Б — иккинчи қават тарҳи; Д — цокол қавати тарҳи.



36-расм. Шифокор учун турар жой уйи (умумий кўриниш, қаватлар тархи):
 1 - холл; 2 - умумий хона; 3 - ётоқхона; 4 - хона; 5 - ошхона емакхонаси билан; 6 -
 ҳожатхона; 7 - обзанихона; 8 - айвон; 9 - қабулхона; 10 - шифокор хонаси; 11 - даволаш-
 тахис хонаси; 12 - ҳожатхона; 13- гараж

Кам қаватли уйларнинг ориентацияси кўп қаватли биноларга қараганда катта аҳамиятга эга эмас, чунки паст қаватли бинони дарахт ва буталар билан ўраб, уларни қуёшдан сақлаш мумкин. Шунинг учун бинони ғарбга қараб ҳам қуриш мумкин. Бундай уйларда фақат ётоқхоналарни шимол томонга қаратишдан сақланиш лозим, у ерда яхши санитария-гигиена шароити яратилиши лозим. Ваннахона ва ҳожатхоналарни табиий ёритиш тавсия этилади, чунки бундай биноларда бунга имконият бор. Икки қаватли уйларда ҳожатхонани дахлиз (шлюз), ваннахонани эса ҳожатхона билан бирлаштирган ҳолда 2- қаватга жойлаштириш мумкин.

Ўзбекистоннинг минтақавий шарт-шароитлари тақазо этадиган ва турар жойларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган барча талаблар тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти ва турар жойга мулкчиликнинг ҳар хил шакллари билан мужассам ҳолларда кўриб чиқилиши лозим. Ҳозирги вақтда ўз уйи ва ҳовлисида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини юритиш имкониятларига эга бўлган турар жой бинолари типлари тавсия қилинмоқда. Масалан, устанинг уйи (сопол, ёғоч-тахта, металл, ип-газламалар, гиламлар ва шу кабилар); кичик ва олисда жойлашган қишлоқлардаги бошланғич мактаб ўқитувчисининг уйи; тиббий пункт, лаборатория ва дорихонага эга шифокорнинг уйи; оилавий болалар боғчасига эга уй; нонвойхона, чойхона, дўкон, маиший хизматлар кўрсатиш пунктига эга уй; фермернинг уйи ва ҳоказо.

2.3. Ўрта қаватли турар жой бинолари

3-5 қаватгача бўлган хонадонли томорқасиз уйлар ўрта қаватли турар жой бинолари турига киради. Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз, фақат умумий зинапоя орқали боғланади. Уларнинг қурилмалари оддий бўлиб, завод қурилмалари ва индустриал бўлиши мумкин. Бу хилдаги турар жой қурилиши нисбатан зич қурилиш бўлиб, шаҳар майдонини кам эгаллайди. Уларда ҳамма замонавий қулайликни ишлатиш мумкин, қурилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамда қулайдир. Ҳозирги вақтда бундай уйлар шаҳарларда кенг тарқалган.


Кейинги пайтда катта турар жой даҳаларининг ривожланиши натижасида Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида кенг миқёсдаги 4-5 қаватли турар жой бинолари қад кўтара бошлади, шундан сўнг қурилиш материали, қурилиш-техник базаси ташкил этилди, темир-бетон конструкторлик заводида ўхшаш, панелли уй қурилиши, уй қурилиш комбинатлари, бир қанча андозали ғиштли серияли, панелли, синч-панелли бинолар қурилиши йўлга қўйилди. Қурилиш жараёнида булар кенг кўламда ишлатилди ва кўпгина ишлар индустриаллашди ва механизациялаштирилди. Лойиҳа ишлари қайтадан кўриб чиқилди ва яхши томонга ўзгартирилди.

1966-йил 26-апрел куни Тошкентдаги ер қимирлашдан кейин бу уйлардан кенг кўламда фойдаланилди. Ўрта қаватли турар жой бинолари қурилишда энг асосий ўринни эгаллади, турар жой қурилишида эса бутун республикамизга кенг ёйилди, Ўрта қаватли уйларни лойиҳалаш ва қуришда турар жойларнинг секцияли, галереяли, коридорли ва аралаш, яъни секцияли коридорли турларини кенг кўламда қўллаш мумкин (-расмлар).


Секцияли уйлар лойиҳасида хонадонларни ҳар хил катталиқда - бир хонали хонадондан тортиб, кўп хонали хонадонларгача лойиҳалаштириш мумкин. Битта секцияда кўп ҳолларда иккита, бироқ учта ёки тўртта хонадон ҳам жойлаштириш мумкин. Ўзбекистон шароитида хоналарни шамоллатишни эътиборга олиб бир секцияда иккита хонадон жойлаштириш кенг тарқалган.

Галереяли уйлар асосан кам хонали (1-2 хонали) хонадонлар қурилишида ишлатилади ва Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун галереяли турар жой бинолари намунавий турар жой бинолари таркибига киритилган. Галереяли уйларда хонадонларга галерея орқали, галереяга эса умумий зинапоя орқали кирилади. Бундай уйларда хонадонлар бир ёки икки қаватли бўлиши мумкин.


Коридорли уйлар. Галереяли уйларга нисбатан коридорли уйларни қуриш анча арзон, чунки уларда коридорнинг икки томонига ҳам хонадонларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Корпус эни кенгайди, коммуникация тежамлилашади.



37-расм. 16 хонадонли ҳар тўрт томонига қисқариб борадиган ва ҳар бир хонадон террасага эга бўлган 5 қаватли бир секцияли турар жой биноси.



38-расм. 2-4 қаватли галереяли уйлар комплекси



40-расм. Галереяли уйлар: а) галереяли уйлар схемалари: 1-2 – зинапоя уй габаритидан ташқарида; 3-4- зинапоя уй габаритида жойлашган; 5-6 – галереяли секцияли уйлар; уч нузли уй; Б-уйларнинг қирқимлари: 1- қаватдаги йўлак; 2- икки қаватга бир йўлак (икки қаватга жойлашган хонадонлар учун); 3- уч қават учун йўлак; Д-зинапоя уй габаритидан жойлашган 5 қаватли галереяли уй.

Бироқ Ўзбекистон иқлими шароити учун коридорли уйлар ноқулай ҳисобланади, чунки бунда хонадонлар бир томонга ориентация қилинади ва елвизакли шамоллатиш йўқолади. Шу сабабли бундай уйлардан бизда кам кўламда фойдаланилади.

Бир секцияли ўрта қаватли уйларда бир қаватда тўлиқ 4 хонадонни жойлаштириш мумкин. Уларнинг қулайлиги шундаки, бир секциянинг ўзида кам хонали ва ўрта катталиқдаги хонадонларни ҳам жойлаштириш мумкин. Шунинг учун бундай уйлар универсалдир.

Секцияли уйларда бино кенглиги ҳам анча кўпаяди. Бироқ, бир секцияли уйлар 3-5 қаватли қилиб қурилса ўзини меъморий кўринишини йўқотади, уй томонларининг нисбати кубга яқинлашиб қолади. Шунинг учун бундай уйлар ўрта қаватли уйларда ўз қимматини йўқотади. Бундай уйлар асосан кўп қаватли, баланд уйлар қурилишида ишлатилади.


Коридорли-секцияли уйлар Ўзбекистон иқлим шароити учун тавсия этилмайди. Ҳозирги замонавий турар жой комплекслари ва даҳалар қурилишида аралаш типдаги уйларни қўллаш тавсия этилади. Бироқ, секцияли, галереяли, кўп секцияли уйлардан кўпроқ фойдаланилади, чунки булар демографик талабларга жавоб беради ҳамда уларда кам ва кўп хонали хонадонларни жойлаштириш осон бўлади. Бундан ташқари, аралаш типдаги уйлар қурилишида даҳалар ҳар бири ўзига хос, ҳар хил ва гўзал ансамблларни ташкил этади.

2.4. Кўп қаватли турар жой бинолари


Кўп қаватли турар жойларга 6 қаватдан 9 қаватгача бўлган уйлар киради (32-расм). Уларнинг ўрта қаватли турар жойлардан фарқи шуки, бу уйларда, умумий зинапоялардан ташқари албатта лифт жойлаштирилган бўлиши шарт. Лифт бўлгани билан зинапоя ўрнига ўтмайди, зинапоя вертикал йўналишда муҳим роль ўйнайди.

Зинапоя майдонидан унинг икки томонига чиқадиган очиқ йўл бўлиши керак. Меъёрлар бўйича зинапоя майдони иситилиши шарт эмас, лекин қулайлик бўлиши учун иложи бўлса иситиш керак.

Умумий зинапоя ва лифтлардан ташқари кўп қаватли турар жойларда эвакуация пайтида зарур бўладиган бошқа чиқиб кетиш йўллари, яъни икки қўшни орасидаги балконлар ёки айвонлар орқали бир-биридан ўтадиган йўлни ҳам эътиборга олиш керак.



41-расм. Кўп қаватли коридорли бир секцияли турар жой биноси.



42-расм. Кўп қаватли икки секцияла турар жой биноси.

Кўп қаватли турар жой бинолари қурилишида ҳам юқоридаги уйларнинг турлари ишлатилади. Жумладан, кўп ва бир секцияли, галереяли, коридорли, коридорли-секцияли уйлар. Улардан секцияли, галереяли ва коридорли - секцияли уйлар Ўзбекистонда кенг тарқалган. Бу уйлар универсал бўлиб, уларда кўп хонали ва кам хонали хонадонларни тўлиқ жойлаштириш мумкин. Кўп қаватли уйларнинг узунлиги кўп масофани эгаллаши билан бирга анчагина жойга ўз сояси билан ҳалақит беради, шунинг учун уларнинг узунлигини камайтиришга тўғри келади.

Уйлар қаватларининг кўпайиши хонадонларни табиат манзараларидан узоқлаштиради, шунинг учун бундай уйларда ёзги хонадонларга катта аҳамият берилади. Уларнинг майдонини кўпайтириб ҳар хил гуллар билан кўкаламзорлаштириш, кичик боғчалар ҳосил қилиш, 2 қаватли баландликка эга бўлган айвонлар ўрнатиш мумкин. Уйларни кўкаламзорлаштиришнинг афзаллиги шундаки, улар хонадонларни кўчадан тўсиб, ҳар хил чанг ва товушлардан асраб туради. Текис том устидаги очик майдонлар ҳам шу уйда яшовчиларнинг дам оладиган жойига айлантирилиши мумкин.

Текис томларни кўкаламзорлаштириш уй томларини ёзда исиб кетишдан сақлайди ва хонадонлар ҳавосини анча пасайтиради. Уйларнинг келажак

дастурида очик қаватлар ёки фойдаланиш учун ҳар хил мақсадни кўзлаб, уйнинг бир тарафида очик ёзги айвонлар қолдириш кўзда тутилмоқда.

Юқорида кўрсатилган кўп секцияли ёки бир секцияли уйлардан ташқари коридорли ва галереяли уйлар лойиҳаси ҳам кўп қўлланилади. Бундай уйларда бир хонадонни 2 қаватга жойлаштириш мумкин. Бир қаватга жойлашган коридорли хонадонларга нисбатан бундай хонадонларда елвизак масаласи осон ечилади, ҳамда тўғрима-тўғри шамоллатиш масаласи ҳал бўлади, булардан ташқари хонадонлар икки тарафга қараган бўлади. Бу билан ориентация масаласи ҳам ҳал бўлади. Бу хилдаги уйларнинг қурилишига ҳеч қандай қаршилик йўқ. Коридорли уйларда хонадонларни 3-қаватга жойлаштириш мумкин, бунда иқтисодий томондан анча ютиш мумкин. Аммо бу хилдаги уйлар фақат кўп хонали хонадонлар учун қулайдир. Галереяли уйларда хонадонни 2 қаватга жойлаштириш анча йўлакни қиқартиришга олиб келади.

Ўзбекистонда кўп қаватли уйларни қуриш нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. Биринчи бўлиб Навоий шаҳрида 9 қаватли галереяли уйлар қурилган. Кейинчалик бундай уйлар Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам қурила бошланди. Шаҳардаги ер майдонини тежаш мақсадида Тошкент ва бошқа катта шаҳарларда кўп қаватли уйларнинг қурилиши авж олди.

2.5. Баланд қаватли турар жойлар

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу хилдаги, яъни 9 қаватдан юқори ва 16 қаватгача бўлган уйлар ҳам қурила бошланди. Бу уйлар ер майдонини тежаш жиҳатидан анча қулайдир. Уларнинг кўп қаватли уйлардан фарқи шундаки, бу уйларда камида бир секцияга ва блокка 2 та лифт (одам ва юк ташийдиган лифтлар) ўрнатилган бўлиши шарт, жуда баланд уйларда тез юрадиган лифтлар ўрнатилади.

Бундай уйларда хонадонларнинг ердан баландлиги туфайли ёзги хоналарга катта эътибор бериш талаб этилади, яъни уларнинг майдони анча катта бўлиши шарт. Шахсий ёзги хоналардан ташқари умумий ёзги хоналар бўлиши керак. Бир-икки секцияли уйлар оптимал вариант ҳисобланади. Бу типдаги уйлар даҳалар архитектурасини ҳар хил ижобий кўринишларга олиб келади. Улар даҳаларда кам қаватли ва ўрта қаватли уйлар орасида магистрал йўлларга яқин қилиб жойлаштирилади.

Охирги пайтда баланд қаватли уйларни Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани даҳаларида жуда кўп учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда кўпгина уйлар қуйма темир-бетондан қуриляпти. Бундай уйларда фақат тўғри шакл эмас, балки бошқа хил шаклларни ҳам ишлатиш мумкин, бу эса меъморий кўринишни бойитади ва бинонинг кучли зилзилага бардош беришини таъминлайди.

Ўтилган дарсларни мустахкамлаш учун саволлар

1. Уйларни танлашда қандай омиллар ва талабларни ҳисобга олиш зарур?
2. Турар жойлар қандай белгилари ва хусусиятларига қараб классификацияланади?
3. Ердан фойдаланиш усулига қараб турар жойлар қандай турларга бўлинади? Уларни изоҳланг.
4. Турар жойлар қаватлари бўйича қандай типологак гуруҳларга бўлинади?
5. Меъморий-режавий ечимга кўра турар жой бинолари қандай турларга бўлинади? Уларни изоҳланг.
6. Инсоляция деганда нимани тушунасиш? Унинг қандай аҳамияти бор?
7. Уйларни қуёшга нисбатан тўғри ориентациялаш деганда нимани тушунасиш? Бу ишнинг асл моҳиятини нималарда кўрасиз?
8. Ўзбекистон шароитида турар жойлар учун энг яхши ва энг ёмон ориентациялар уфқнинг қайси томонлари ҳисобланади?
9. Елвизакнинг аҳамияти нимада? Унинг қандай турлари бор?
10. Қуёш нури ва тафтидан сақловчи горизонтал ва вертикал қурилмалар қандай ҳолатларда қўлланилади?
11. Турар жой биноларининг турлари ва меъморий-режавий ечимларини танлашда нима сабабдан Ўзбекистон табиий-иқлим шароитлари эътиборга олиниши керак?
12. Хонадон нима? Унинг турлари ва таркибий қисмларини тушунтиринг.
13. Яшаш хоналарига қандай хоналар қиради? Ёзги хоналаргачи?
14. Умумий хона юзаси неча кв.м дан кам бўлмаслиги керак? Умумий хонадан неча хонага киришга рухсат берилади?
15. Ётоқхона ва ошхонанинг энг кам эни нималарга асосланиб белгиланади?
16. Ўзбекистон шароитида қўлланиладиган ёзги хоналарнинг турларини айтинг ва уларга изоҳ беринг. Нима учун уларнинг эни 2 метрдан кам бўлмаслиги керак?
17. Кам қаватли уйлар неча қаватгача бўлиши мумкин?
18. Кам қаватли уйларнинг қандай турлари мавжуд?
19. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини юритиш имкониятига эга бўлган кам қаватли уйлар ҳақида тушунча беринг.
20. Ўрта қаватли уйлар меъморий-режавий ечимига қараб қандай типларга бўлинади, уларга изоҳ беринг.
21. Ўзбекистон шароитида ўрта қаватли секцияли уйларнинг нима сабабдан икки хонадон жойлашган тури кенг тарқалган?
22. Ўрта қаватли галереяли уйлар коридорли уйлардан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?
23. Галереяли уйларнинг қандай турларини биласиз? Уларни изоҳланг.
24. Нима сабабдан Ўзбекистон шароитида коридорли турар жойлар кенг тарқалмаган?
25. Ўрта қаватли уйларнинг нима сабабдан бир секцияли турлари кенг тарқалмаган?

26. Кўп қаватли уйларга неча қаватли уйлар киради? Уларнинг ўрта қаватли уйлардан асосий фарқи нимада?
27. Кўп қаватли уйларнинг қандай турлари Ўзбекистонда кенг тарқалган?
28. Кўп қаватли галереяли ёки коридорли уйларни қандай қилиб кўп хонали хонадонларга мослаштириш мумкин?
29. Баланс қаватли турар жой уйларига қандай уйлар киради? Уларнинг кўп қаватли уйлардан асосий фарқи нимада?
30. Баланс қаватли турар жой уйларининг ёзги хоналари ўрта қаватли уйларникидан қандай фарқ қилади?

III-БЎЛИМ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

- 3.1. Жамоат биноларининг классификацияси ва таркибий элементлари
 - 3.2. Маориф ва ўқув-таълим муассасаларининг бинолари
 - 3.3. Маданий оқартув ва томоша кўрсатиш бинолари
 - 3.4. Спорт бинолари ва иншоотлари
 - 3.5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари
 - 3.6. Даволаш ва профилактика бинолари
- Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар


3.1. Жамоат биноларининг классификацияси ва таркибий элементлари

Жамоат биноларининг классификацияси. Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композициясининг ғоявий-бадий тасвирланиши бўйича таснифланади ва бир неча гуруҳларга бўлинади (52-расм). Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг функционал аҳамиятига, унга шаҳар қишлоқ, туман ёки микрорайон аҳолисининг эҳтиёж даражасига ҳамда улар бажарадиган вазифаларга кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий-режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳалаш, қурилиш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий-фазовий композициянинг энг мақбул (оптималь) тизимлари белгиланади ва бу тизимлардан типологик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат биноларининг ташқи меъморий қиёфаси, уларнинг бадий тасвири ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси ҳар хил турдаги жамоат биноларининг типологик тавсифини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради. Иқлим шароитлари, табиат, аҳоли турмушининг маданий-маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини тақлиф қилиш мумкин:

- ўқув-тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша бинолари;
- спорт иншоотлари;
- савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари;

- маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш, профилактика бинолари.



46-расм. Жамоат биноларининг классификацияси

Жамоат биноларининг асосий белгилари. Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган бинолардир (театр, универмаг, стадион ва бошқалар). Шунинг учун коммуникация ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ тарзда жамоат биноларида горизонтал ва вертикал боғловчилар (вестибюллар, коридорлар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар ва бошқалар) га катта эътибор қаратилади.

Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқлар ҳудудида марказий жойни эгаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

Жамоат биноларининг таркибий элементлари. Ҳар бир жамоат биноси ўз вазифасини бажариш учун мўлжалланган асосий хоналар (масалан, мактабда — синф хоналар, олий ўқув юртида - аудиториялар, театрда — томоша заллари, универмагда — савдо-сотиқ заллари ва ҳ.к.)га эга бўлади. Асосий хоналардан ташқари, ҳар бир жамоат биносида ёрдамчи хоналар ҳам бўлади. Буларга, одатда, вестибюллар, фое, коридорлар, зинапоялар ва бошқалар киради.

Ана шундай асосий ва ёрдамчи хоналар **жамоат биноларининг таркибий элементлари** деб аталади. Жамоат биноларининг кўплиги ва турли-

туманлигига қарамасдан, улардаги ана шу таркибий элементларни, яъни асосий ва ёрдамчи хоналарни умумлаштириш, гуруҳларга бўлиш, бино тарҳида жойлаштириш ва уларга нисбатан лойиҳалашнинг асосий талабларини белгилаш мумкин.

Жамоат биноларидаги ана шу асосий ва ёрдамчи хоналарнинг тарҳда қандай жойлашганлиги, улар орасидаги функциявий боғланишларнинг нечоғлик тўғри, қулай ва қисқа бўлишлиги бинодан фойдаланганда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Жамоат биноларининг хоналари хилма-хил, кўп сонли, катта ва кичик бўлиши мумкин, буларнинг барчасини санаб ўтиш ва уларга таъриф бериш мушкул иш. Шунинг учун қуйида жамоат бинолари таркибида энг кўп учрайдиган асосий ҳамда ёрдамчи хоналар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жамоат биноларининг характерли белгилардан бири - бу уларда кўп сонли одамларга мўлжалланган хоналар (заллар)нинг мавжудлигидир.

Асосий хоналар, одатда, бинонинг бош вазифасини бажаришга мўлжалланган, катта миқдордаги ташриф буюрувчиларни ўзига сиғдира оладиган катта ўлчамли хоналар бўлиб, уларга, одатда, қуйидагилар киради:

- театр, кино, цирклар ва бошқа томоша муассасаларининг томоша заллари;
- кўргазмалар, музейлар, картинали галереяларнинг намоиш қилиш заллари;
- жамоат мажлиси заллари ва мажлислар заллари;
- спорт билан шуғулланиш ва жисмоний тарбия заллари;
- кутубхоналарнинг ўқув заллари;
- турли вазифали савдо-сотиқ заллари;
- ташриф буюрувчилар билан хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот содир бўладиган банк, жамғарма кассалари, почтамп, вокзал, аэропорт ва бошқа муассасалардаги операцион заллар.

Маъмурий бинолардаги иш кабинетлари, ўқув юртларидаги иш хоналари, мактаблардаги синфлар ва лабораториялар, олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлардаги аудиториялар ва бошқа кабинетлар турли-туманликка ва кенг оммавийликка эгадир.


Ёрдамчи хоналарга вестибюллар, фоелар, горизонтал боғловчилар (зинапоялар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар), санитария узеллари киради.

Вестибюллар. Жамоат биносини ташқи муҳит (кўча, майдон) билан боғлайдиган хона вестибюл деб аталади. Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари, ишчи ва хизматчилари ҳамда томоша муассасаларига ташриф буюрувчилар ёки томошабинлар ишчи хоналар ва томоша залларига вестибюл орқали ўтишади.

Кўп ҳолларда вестибюлларга уст кийимларни ечиш, гардероблар, газета ва журналлар, сувенирлар, салқин ичимликлар харид қилинадиган дўконлар, шунингдек, томоша муассасаларида чипта харид қилиш кассалари жойлаштирилади (—расмлар).

Вестибюл жамоат биносининг биринчи хонаси, остонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг аҳамияти, архитектуравий жиҳатлари ҳақида

маълумот беради. Шунинг учун вестибюл интеръери кўркам, кенг, тантанали кўринишга эга бўлиши лозим.



47-расм. Вестибюлларнинг турлари.

Гардеробли вестибюллар юзасининг миқдори кенг диапазонда ўзгаради: ҳар бир кишига 0,25—0,4 м² тўғри келади. Вестибюлнинг ташриф буюрувчиларни ўтказувчанлик қобилияти қанчалик кичик бўлса, унга шунчалик кўп майдон меъёрини белгилаш тақозо этилади, кичик (паст) меъёрий ўлчам миқдорларига ҳисобланган вестибюллар, тор, ноқулай ва кўркамлик, тантаворликдан холис бўлади. Алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган жамоат бинолари вестибюллариининг майдонини уларда тантаворлик ва монументалликни яратиш учун олий, юқори меъёрий ўлчамлар бўйича ҳисоблаш тақозо этилади.

Гардеробларнинг майдони ҳар бир кишига тўғри келадиган 0,08-0,1 м² меъёрий юза бўйича ҳисобланади. Бу майдонга кийим осгичлар ва гардеробни ташриф буюрувчилардан ажратиб турадиган тўсиқ ортидаги ўтиш йўлакчаси ҳам жойлаштирилади. Кийим осгичлар гардеробда бир томонлама жойлаштирилганда, гардероб олдида эни 3 м бўлган, икки томонлама жойлаштирилса, эни 6 м бўлган эркин ўтиш оралиғи қолдирилади. Алоҳида гардеробларнинг майдони ҳар бир киши учун 0,2 м² ни ташкил этиши, кийим осгичлар орасидаги йўлакчанинг эни 0,7 дан, тўсиқ билан кийим осгичлар оралиғи эса 1 м дан кам бўлмаси лозим. Гардеробнинг мақбул энини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.


Вестибюл ўзининг жойлашиш ўрнига кўра бино хоналарини ташқи муҳит билан боғлайдиган хона ҳисобланади. Уни бино биринчи қаватининг маркизий қисмига жойлаштириш табиий ва қулайроқдир, чунки, бундай жойлаштиришда коммуникациялар бўйича юриш масофаси қисқаради. Бинога вестибюл орқали кириш аниқ ва равшан кўриниб туриши ва тушунарли бўлиши лозим.

Вестибюл олдида кенг, тантанавор зинапоя ва ташқарида автомашиналарни қўйишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бинога кириш йўли қуриш кўзда тутилиши тавсия этилади. Қор ва ёмғирдан ҳимояланиш мақсадида вестибюлга кириш жойида соябон ёки айвоннинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли вестибюлни бинога кириш, яъни остонага туташган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Агар бино тарзи катта узунликка эга бўлса, ёки бир нечта мустақил қисмлардан ташкил топса, у ҳолда бинога икки ёки бир нечта вестибюл ўрнатиш мумкин. Бундай ҳолларда улардан бош вестибюлни аниқлаш ва архитектуравий-бадий воситалардан фойдаланиб, унга тегишли бўлган мос кўринишни (дизайнни) танлаш керак.

Фойе -кулуарлар. Томоша ёки кино сеанси бошланишини кутиш ва танаффус (антракт) пайтида дам олишга мўлжалланган жой фойе деб аталади. Фойе бевосита томоша зали олдида жойлаштирилади ва зал билан узвий боғланишга эга бўлиши лозим. Иккинчи томондан фойе вестибюл билан боғланган ёки қўшилган бўлиши мумкин. Фойе айнан битта сатҳда ёки асосий зинапоялар оралиғига жойлаштирилган бўлиши мумкин. Фойе катта хона (зал) ни ўзида мужассамлаштириб, диванлар, креслолар, стул ва журналлар қўйиладиган столлар билан жиҳозланган ва унда хотиржам дам олиш жойлари ва антракт пайтида фаол дам олиш учун майдон кўзда тутилиши лозим (55-расм).

Фойга тантаворлик бериш учун етарли даражада зарур бўлган баландликни, уни устунлар билан девор ва шифтлардаги тасвирлар, ҳайкалтарошлик ва бошқа бадиий безак воситалари билан пардозлашни кўзда тутиш керак. Алоҳида ҳолларда фойе музей ёки кўргазма заллари билан бирлаштирилади. Фойга ёки унга яқин бўлган жойга буфет ва ташриф буюрувчилар учун столлар, озиқ-овқатларни сақлашга мўлжалланган ёрдамчи хоналар, таом ва иссиқ ичимликлар тайёрланадиган хоналар, идиш-товоқларни ювадиган хоналар жойлаштирилади.

Фойе майдони томоша залидаги жойлар (ўринлар) сонига боғлиқ ва бар бир ўринга 0,5-0,6 м² юза меъёридан келиб чиқиб ҳисобланади. Фойенинг баландлиги 3,5 м дан кам бўлмаслиги керак. Бу баландлик хонанинг майдонига боғлиқ ҳолда қабул қиланади. Буфет, музей ва айланма майдон билан биргаликда фойенинг битта томошабин ўрнига тўғри келадиган майдони 0,7-0,8 м: га тенг келади. Фойенинг эни яхши пропорционаллик талабларидан келиб чиқади ва 3 м дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилинади.



48-расм. Фойеларнинг турлари.

Кулуарлар. Фойенинг кенг коридор кўринишида зални қуршаб оладиган қисмига кулуарлар дейилади. Улар томоша залларида, жамоавий мажлис ва конференция залларида қўлланилади. Кулуарлар антракт пайтида ва мажлис ҳамда дискуссияларнинг танаффус пайтида дам олиш, суҳбатлашиш, учрашиш жойлари сифатида фойдаланилади. Кулуарлар ҳам худди фойелар каби хизмат кўрсатиш хоналарига (буфет, ҳожатхона ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Демак, кулуарлар ва фойеларнинг вазифаси ўхшашдир. Улар фақат ўз шакли (фойе зал шаклида, кулуар эса коридор шаклида) ва бино таркибида жойлашиши билан (кулуарлар бевосита зални қуршаб олади) бир-биридан фарқланади.

Горизонтал ва вертикал боғланиш жойлари. Горизонтал (коридорлар галереялар) ва вертикал (зинапонлар, лифтлар, эскалаторлар) боғланиш воситалари жамоат биноларидаги турли вазифаларни ўтовчи хоналар ва жойларни ўзаро боғлашга мўлжалланади. Горизонтал боғланиш воситалари ичида энг кенг қўлланиладигани коридорлар ҳисобланади. Улар бир томонлама, икки томонлама ва қўшма тарзда лойиҳаланади. Икки томонлама коридорлар энг қулай ва иқтисодий жиҳатдан энг мақбул ҳисобланади. Бундай коридорлар бино узунлиги бўйлаб юришни ва бинодаги барча коммуникациялар узунлигини қисқартиради, бинони ихчамроқ қилади, корпус эини ошириб, бир томонлама ва қўшма тарздаги коридорли биноларга нисбатан бино ҳажмини қисқартиради, режалашнинг тежамли вариантларини топиш имкониятини беради.

Коридорлар табиий равишда ёритилганликка эга бўлиши лозим. Бу масала бир томонлама ва қўшма коридорлар учун анча оддийроқ ечилади, икки томонлама қуриладиган коридорларда эса бу масаланинг ечими анча қийинроқ кечади, коридорлар фақат ён томонлардан табиий равишда ёритилиши мумкин. Шу сабабли икки томонлама коридорга эга бўлган биноларнинг чекка томонлари очиқ ҳолда бўлиши ёки бу томонларга бинолар қурилмаслиги лозим. Бироқ чекка томонлардан тушадиган табиий ёруғлик 20 метргача самара беради, ундан узун бўлган ҳолларда коридор қўшимча ёруғликни (ён томондан) талаб этади. Шу боис фақат икки ён томондан табиий равишда ёритиладиган коридорлар максимал 40 метр узунликка эга бўлиши керак, бир томондан ёритиладиган коридорлар эса табиий ёритилганликка зипапоя катаклари ёки ёруғлик чўнтаклари (карман) орқали эришиш мумкин.

Коридорларни ойнали эшиклар ва фрамугалар орқали ҳам табиий ёритишга эришиш мумкин, лекин бундай ёритиш жуда кам самарали бўлиб, иш хоналаридаги товуш изоляцияси ва кўринишни пасайтиради. Коридорлар зинапоялар ва лифтлар билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши лозим.

Коридорнинг энг узок эшигидан зинапоя ёки лифтгача бўлган масофа 25 метрдан ошмаслиги лозим. Коридорлар ёнғин, зилзила содир бўлган ва шунга ўхшаш бошқа табиий офатларда бинонинг барча хоналаридан одамларни қисқа йўл орқали қутқаришни таъминлаши зарур.

Галереялар. Иссиқ иқлимли, кун узунроқ ва ёз фасли кўпроқ давом этадиган мамлакатларда горизонтал боғланиш воситалари сифатида галереялар қўлланилади. Уларга қўйиладиган талаблар зипапоягача бўлган масофанинг нисбатан кенглиги бўлиб, ёнғин ва сейсмик хавф бўйича уларга қўйиладиган

талаблар коридорларникига ўхшашдир. Қурилишдаги лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига кўра Ўзбекистонда галереяларни жамоат биноларида қўллашга рухсат этилади. Бироқ, ёзги шароитда қулай бўлган галереялар, қишда унчалик қулай эмаслигини сезиш қийин эмас, чунки қор, ёмғир туфайли уларнинг юзаси музлаш оқибатида сирпанчиқ ҳолатга келади.


Зинапоялар. Жамоат биноларида энг кўп қўлланиладиган зинапоя турлари икки маршли ва уч маршли зинапоялардир (56-расм). Зинапояларни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблар:

- 1) зинапоя майдончаси маршнинг энидан кам бўлмаслиги лозим;
- 2) ўртадаги маршнинг эни ён томондаги маршлар энининг йиғиндисига тенг бўлиши лозим;
- 3) маршдаги зиналарнинг сони 3 тадан кам ва 18 тадан кўп бўлмаслиги лозим;
- 4) маршнинг оғмалиги 1:2 нисбатда бўлиши керак;
- 5) Зиналарнинг ўлчами 15х30 см; тўсиқ баландлиги 90 см бўлиши лозим.

Жамоат биноларида ҳам турар жой биноларидаги каби зинапоялар асосий вертикал боғланиш воситалари бўлиб хизмат қилади. Ўзининг жойлашиши бўйича улар ташқи ва ички; бажарадиган вазифаларига кўра бош, хизмат ва қутқариш зинапояларига бўлинади.

Қутқариш ва хизмат кўрсатувчи зинапояларни фақат ёпик (панжарали ёки тўсиқли) ҳолатда лойиҳалаш тавсия этилади. Ёнғин бўлган ҳолларда зинапояларнинг тутунга тўлмаслиги учун коридор билан эшик орқали боғланган бўлиши лозим. Хизмат кўрсатувчи ва қутқарув зинапояларининг эни 1,2 м дан кам бўлмаслиги, оғмалиги эса 1:1,5 м дан катта бўлмаслиги лозим. Бундай зинапояларнинг барча конструкциялари ва материаллари ёнмайдиган бўлиши лозим.

Бир маршли зинапоялар. Жамоат бинолари ва уларнинг хоналарига тантаворлик ва салобат бериш талаб этилганда, бир маршли зинапоялар қўлланилади (музей, санъат саройлари, жамоат мажлиси залларида ва х.к.). Зинапоя муносиб тантанаворликка эга бўлиши учун унинг эни 3 м дан кам бўлмаслиги лозим. Зиналар мармар ва замонавий пардоз материаллари билан пардозланади. Маршларнинг очиқ ҳолатда ва яхши шамолладиган тарзда ўрнатилиши тақозо этилади (масалан, вестибюл, фойе, залларда). Зинапоя табиий ва сунъий ёруғлик билан яхши ёритилган бўлиши лозим. Ойнали витражлар, устунлар, ҳайкалтарошлик, девор ва шифтлардаги тасвирлар қўшимча тарзда тантанаворлик ва бадиий қиёфа берувчи воситалар сифатида хизмат қилади. Бир маршли тантанавор зинапоялар фақат бир қаватга ўрнатилади ва, одатда, муҳим архитектуравий аҳамият касб этадиган биноларда қўлланилади.



49-расм. Энг кўп қўлланиладиган зиналарнинг турлари.

Уч маршли зинапоялар. Режалаштириш борасида уч маршли зинапоялар ўзида турли-туманликни намоён қилади, бу эса архитектурада тантановорлик ва жойлар интерьерининг қизиқарли ечимларини яратиш имкониятини беради. Очиқ ва ярим очик зинапоялар жойнинг архитектураси билан фаол уйғунлашади.

Уч маршли зинапояларни лойиҳалашда ўртадаги марш етарли даражадаги кенгликка эга бўлишлиги кўзда тутилади.

Бундай маршнинг эни 3 м дан, ён томондаги маршларнинг эни эса 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим. Худди шундай кенгликда оралик майдон ҳам ўрнатилади. Шундақ қилиб, уч маршли зинапоя иккита икки маршли зинапоялардан қўшма тарзда ташкил топади.

Қутқариш зинапоялари. Қутқариш зинапоялари бир вақтнинг ўзида кўп сонли одамлар оқимини эвакуация (қутқариш) учун (кинотеатрлар, цирklar, театрлар, намоиш ўтказиладиган спорт заллари ва х.к.) қўлланилади. Қутқариш зинапояларининг эни 100 нафар томошабин учун 0,6 м ўлчам бўйича ҳисобланади. Маршнинг эни 0,9 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Хизмат кўрсатиш зинапоялари. Хизмат кўрсатиш зинапоялари маъмурий ва савдо-сотиқ биноларида; ўқув юртлари ҳамда шунга ўхшаш жамоат биноларида қўлланилади. Бу зинапоялар хўжалик ишлари учун мўлжалланган вертикал боғланиш вазифаларини бажаради. Улар хизмат кўрсатиш коридорлари билан боғланган бўлиб, улар орқали бино ҳовлисига чиқилади. Бу зинапоянинг оғмалиги 1:1,75—1:1,5 нисбатлар оралиғида бўлиши ва зинапоя маршининг эни эса 0,9 м дан кам бўлмаслиги лозим. Ёнғинга хавфсиз бўлиши нуқтаи-назаридан бу зинапоялар ёнмайдиган ва тутун тўпламайдиган зина катагига ўрнатилиши ва мустаҳкам, оловга бардошли конструкциялардан

ишланиши табиий ёритилган, ташқарига тўғридан-тўғри чиқиш амалга оширилиши кўзда тутиш лозим.


Лифтлар. Лифт одамларни юқори қаватларга кўтарилишини енгиллатиб, қулай ва тезкор вертикал боғланиш воситаси вазифасини бажаради. Иқтисодий нуқтаи- назардан лифтлар доимий ва кўп сонли одамлар оқимига эга бўлган кўп қаватли биноларда қўлланади. Алоҳида ҳолларда лифтлар бионинг ишлаш хусусиятидан (шифохоналар, поликлиникалар, санаториялар ва х.к.) келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Лифтларнинг йўловчи, юк ва юк-йўловчи турлари мавжуд бўлиб, улар турлича сифмларга эга. Шифохоналарда қўлланиладиган лифтлар оғир беморларни носилкаларда ташишга мўлжалланади. Жамоат биноларида йўловчиларни ташишга мўлжалланган лифтларнинг юк кўтариши 4 киши ва ундан ортиқ бўлиши, 4 нафар одамга мўлжалланган лифт кабинасининг ўлчамлари — 1,0х1,2 м, шахтанинг ўлчамлари эса 1,4х1,6 м бўлиши лозим. Юк ва йўловчиларни ташишга мўлжалланган лифтларнинг юк кўтариши 500 кг ва ундан ортиқ, кабинасининг минимал ўлчамлари 1,1х1,65 м, шахтасининг ўлчамлари эса 1,5х2,0 м бўлиши лозим. Касалларни ташувчи лифтлар кабинасининг ўлчамлари эса 1,5х2,2 м ўлчамда бўлади (57-расм).

Замонавий лифтлар автоматик тарзда очилиб-ёпиладиган эшик табақаларига эга. Йўловчи лифт эшиги табақаларининг эни 35 см, юк ташувчи лифт эшигининг табақалари эса 45 см дан кам бўлмаслиги лозим. Йўловчиларни ташийдиган лифтларнинг эшик кенглиги 70 см дан ва юк ташишга мўлжалланган лифтлар эшигининг кенглиги 90 см дан кам бўлмаслиги лозим. Лифт шахталарининг ўлчамлари кабина ўлчамлари ва кабина ҳамда унинг ёнига ёки орқасига ўрнатилган мувозанатловчи юкнинг биргаликдаги эркин ҳаракатланиш оралиғи билан аниқланади. Лифтга кириш олдидаги майдонча камида 1,6 м ўлчамдаги энликда лойиҳаланади.

Нишабли йўлаклар (пандуслар) зинапояларга нисбатан кўтарилишни анча енгиллаштиради, лекин зинапояларга қараганда 3—4 марта кўп майдонни эгаллайди, мутаносиб равишда қурилиш ишларини қимматлаштиради. Шунинг учун бино ичида нишабли йўлаклардан вертикал боғловчи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас (яъни, улардан кенг фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиздир). Бироқ, хусусий ҳолларда, масалан, тамоша кўрсатадиган биноларда кўп сонли тамошабинларни қутқариш мақсадида бино ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам нишабли йўлаклардан фойдаланиш зинапояларга нисбатан самаралироқдир. Агар томоша залидаги фойенинг поли ҳар хил сатҳда жойлашган бўлса, у ҳолда нишабли йўлаклар ўрнатилиши зарур. Нишабли йўлакларнинг томоша заллари ичида қўлланилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Ичкарида қўлланиладиган нишабли йўлакларнинг юқори оғиши 1:6 нисбатда, ташқарисидаги эса 1:8 нисбатда бўлиши тавсия этилади. Нишабли йўлакларнинг эни зинапоя маршлари учун белгиланган меъёрлар бўйича, яъни 100 нафар одам оқимига 0,6 м кенглик тўғри келадиган ўлчамдан келиб чиқиб аниқланади. Нишабли йўлакнинг поли сирпанчиқ бўлмаслиги лозим. Ички нишабли йўлакларнинг полларини ёғоч

тахталардан ясаш (ўрнатиш), ташқарида эса цемент-бетонли, мозайикали ёки керамик плиткалардан қуриш мақсадга мувофиқдир.



50-расм. Жамоат биноларидаги лифтлар.

Эскалаторлар. Эскалаторлар ўтказувчанлик қобилияти бўйича зинапоялар, нишабли йўлаклар ва лифтларга нисбатан анча самаралироқдир. Шунинг учун улар доимий равишда одамлар мавжуд бўлган бино ва иншоотларда кенг қўлланилади. Эскалаторлар, айниқса одамларнинг катта оқимига эга бўлган йирик жамоат биноларида (универмаглар, вокзаллар, аэропортларда) кенг қўлланилмоқда. Келгусида эскалаторлардан ерости ўтиш йўлларида ҳам фойдаланиш кутилмоқда. Одатда, эскалаторлар икки томонлама йўналишли (кўтарилиш ва тушиш) ҳаракатда ишлайди, бироқ жуда катта одамлар оқимига эга бўлган ҳолларда уч ва тўрт йўналишли эскалаторлар ҳам ўрнатилади. Эскалатор зималарининг ўлчамлари зинапояларникига мос келади, яъни 15х30 см, оғмалиги эса 1:2 нисбатда бўлади. Эскалатор маршларининг эни заводда ишлаб чиқариладиган буюмлар энига кўра аниқланади ва 0,9—1,2 м бўлади. Залларда эскалаторларни марказда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Эскалаторларнинг ўрнатилиши ва

ўрнатилмаслигидан қатий назар уларни зинапоялар билан бирлаштириш тавсия этилмайди.

Санитария узеллари (бўғинлари) деб, санитария-гигиена вазифаларини бажарувчи ва битта мажмуага бирлашувчи хоналар гуруҳга айтилади (ҳожатхона, ювиниш хонаси, душ хонаси). Санитария узеллари бино ёки иншоотнинг қулай, тоза, озода шароитли доимий қисми ҳисобланади. Бинони лойиҳалашда санитария узеллари учун кўзга ташланмайдиган жойлашиш ўрни, енгил аниқланадиган ва шамоллатиш кўзда тутилиши лозим бўлган жойларни танлаш тавсия этилади, Жамоат биноларидаги санитария узеллари кенг, фойдаланиш ва тозалаш учун қулай бўлиши лозим. Санитария узеллари майдонларини ҳисоблаш бино вазифасининг характериға боғлиқ ва бир-биридан фарқланиб туриши лозим. Шунинг учун улар жамоат бинолари алоҳида турларининг типологик характеристикаси баённомасида кўрсатилади.

Санитария узелларининг полларига етарли нишаблик (оғмалик)ка эға бўлган, сувнинг оқиб кетишиға мўлжалланган траплар ўрнатилиши тавсия этилади. Пол учун керамик ва шунға ўхшаш плиткалардан фойдаланиш тавсия этилади. Санитария тугунлари деворларини цементли қоришма билан суваш на уларни 1,5—2,0 метр баландликда силлиқ (глазурли) плиткалар билан қоплаш тавсия этилади.

Санитария узеллари табиий ва сунъий ёруғликка, самарали тортма шамоллатиш (вентиляция) га, намдан изоляцияланишға эға бўлиши лозим.

3.2. Маориф ва ўқув-таълим муассасаларининг бинолари

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари (БМ) 6-7 ёшгача бўлган болалар учун давлат тарбия ва соғломлаштириш муассасалари ҳисобланади. Улар ясли, боғчалар ва махсус турдаги болалар муассасаларига бўлинади.

Республикамызда мактабға ёшдаги болалар муассасаларида болаларни ёшиға қараб гуруҳлаш амалиёти мавжуд бўлиб, улар қуйидагича қабул қилинган:

А) 3 ёшгача бўлган ясли болалари гуруҳлари (1 гуруҳда 15 тадан 20 тагача);

Б) 7 ёшгача бўлган боғча ёшдаги болалари гуруҳлари (1 гуруҳда 25 та бола).


Махсус турдаги болалар муассасалари ҳам мавжуд бўлиб, уларға қуйидагилар киради:

1. Болалар уйлари (ота-онасидан ажралган болалар учун).
2. Санитария соғломлаштириш (юқумли касалликлар билан касалланган болалар) уйлари.
3. Махсус (юраги порог, кўзи ожиз, ақли заиф болалар учун) муассасалар. Болалар муассасалари сиғимиға қараб қуйидаги турларға


бўлинади: кичик сиғимли — 4 та гуруҳ; ўрта сиғимли - 5-8 та гуруҳ; катта сиғимли - 9-14 та гуруҳ. 14 та гуруҳдан ошган БМ комплекс ҳисобланади.

Сиғимига қараб ҳозирги замон меъёрларга асосан БМ 6 та турдан иборат, яъни улар 50, 95, 140, 190, 280, 330 ўринли бўлиб, мос равишда, 2, 4, 6, 8, 12, 14 та гуруҳга тўғри келади. 560-660 ўринли БМ болалар ясли-боғча комплекси ҳисобланиб, 24-28 та гуруҳдан иборат бўлади (58-59-расмлар).


Ўтган асрнинг 50-йилларигача болалар ясли ва боғчаларини биргаликда (бир бинода) қуриш кенг тарқалган эди. Ясли-боғчаларнинг биргаликда қурилиши уларни алоҳида қуришдан кўра қулайроқ ва тежамлидир (60-65-расмлар). Болалар ясли – боғчаларининг сиғимини аниқлашда аҳолининг ҳар 1000 тасига 120 ўрин белгилаш кўзда тутилади.



51-расм. 280 ўринли болалар муассасаси асосий хоналар гуруҳининг ўзаро боғланиш схемаси: 1 — *вестибюль*; 2 - *ошхона*; 3 - *маъмурий-хўжалик хоналари*; 4 — *боғчанинг ячейкалари*; 5 - *яслининг ячейкалари*; 6 - *коридор-галерея*.



52-расм. 280 ўринли болалар муассасаси майдонини ташкил қилиш схемаси: - *боғча-ясли биноси*; 2 - *кириш хиёбони*; 3 - *хўжалик ҳовлиси*; 4 — *ясли гуруҳи болалари учун майдон*; 5 — *катта болалар учун майдон*; 6 — *ўйин учун майдон*; 7 - *айвонлар*.



53-расм. 150 ўринли
болалар боғчасининг
лойиҳаси. Тарзи ва тарҳи

Болалар муассасаларининг шаҳарда жойлашиши. Шаҳарларда 140 ўринли, шаҳар типигадаги аҳоли марказларида 90 ўринли ва қишлоқ шароитида эса 25 ўриндан кам бўлмаган БМ жойлаштириш тавсия қилинади. БМ ининг оммавий типлари асосан микрорайонларда жойлаштирилиб, шу микрорайоннинг ўзига хизмат қилади. Қўшилган ясли-боғча биноси учун хизмат кўрсатиш доираси 300 м ни ташкил этади. Суткали, ҳафтали БМ (интернатлари) туман, кичик шаҳар, қишлоқ ёки посёлка миқёсида қурилиб, болалар турадиган жойга алоқаси бўлмаслиги мумкин, шу сабабли улар учун хизмат қилиш доираси белгиланмайди.

БМ нинг оммавий типлари микрорайонларда, алоҳида ажратилган кўкаламзор ерларда ва умумий таълим мактаблари қурилган ҳудудларда жойлашиши керак.

БМ ни шаҳар чегарасига ва туман магистрал кўчаларига яқин жойлаштириш тавсия этилмайди. БМ лари қизил чизиқдан 15 метр ташлаган ҳолда жойлаштирилиши, асосий хоналар (ўйинхона, ошхона ва гуруҳ хоналари) жанубга ёки жанубий-шарққа ва шарққа қараб жойлашиши керак. Болалар хоналарини шимолга, шимолий-ғарбга, шимолий-шарққа қаратиб қуриш тавсия этилмайди. Бизнинг шароитда 40 ўринли болалар хонасини ғарбга ва жанубий-ғарбга қаратиш мумкин эмас.


Умум таълим мактаблари

Умумий таълим мактаблари биоларининг типлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қарорларига мувофиқ

белгиланади. Мактабларнинг асосий типи - бу болалар 7 ёшдан бошлаб 1-9-синфларда ўқитиладиган 9 йиллик таянч мактаблардир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг сифими, яъни қанча ўқувчига мўлжалланиши синфларнинг 35 боладан (келгусида 30 иштирокчидан кўп бўлмаган ҳолда) ташкил топиши ва ўқитиш муддатини 9 йилга белгиланишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бунда 1-9-синфларнинг сони мактаб ёшидаги болаларнинг 100% ни қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда (посёлка ёки шаҳар микрорайони аҳолиси ёши бўйича таркибининг асосий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда) белгиланади. Мактабнинг максимал сифими қоидага кўра 36 та синфдан ошмаслиги лозим, яъни 9 та синфдан иборат бўлган 4 та оқим. Шаҳарларда кўп қаватли бинолар шароитидан келиб чиққан ҳолда 2-3 та мактабдан ташкил топган мактаб комплексини яратишга рухсат этилади.

Мактаб тармоқларини ҳисоблаш посёлкалар, шаҳарлар, туманлар аҳолисининг демографиясига мувофиқ равишда мактаб ёшидаги болаларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Мактабларнинг жойлаштирилиши ўқувчиларнинг пиёда қатнаши учун қулай бўлиши керак. Қишлоқ жойлари учун мактабларнинг меъёрий пиёда транспорт қатнови 30 минутдан кўп бўлмаслигини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, мактаб интернатлар ёки мактаб қошидаги интернатларнинг ташкил этилиши кўзда тутилиши лозим (66-71-расмлар).



54-расм. 264 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби. Умумий кўриниши ва тарҳи

Интернатларда яшовчиларнинг сони лойиҳалаштиришнинг топшириқ-номаси орқали белгиланади.

Мактаблар асосий хоналари, яъни синфлар ва кабинетларнинг жанубий ва жанубий-шарқий ориентацияси кўзда тутилиши зарур, тасвирий санъат,

чизмачилик ва информатика кабинетлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир.



55-расм. Мактаб лабораторияси ва унинг жиҳозлари: 1-лаборатория зали; 2-лаборантлар хонаси; 3-демонстрацион стол; 4-столлар; 5-раковина; 6-ишичи столи; 7-химикатлар қутиси; 8- анжомлар қутиси; 9-ҳаво тортувчи шкаф



56-расм. Синф хоналарини ташкил этишнинг турли усуллари: А-18 ўқувчи учун; Б-20 ўқувчи учун; Д-24 ўқувчи учун; Е-30 ўқувчи учун; 1-ўқитувчи столи; 2-ўқитувчи стули; 3-ўқувчи столи; 4-ўқувчи стули; 5-секцияли шкаф; 6-доска.

Шимолга ориентациялашни бошланғич синфлар ва биология лабораториясидан ташқари, бошқа ўқув кабинетлари ва лабораториялар учун ҳам қўллаш мумкин.


Деразалар қаратилган ориентациясида исиб кетишнинг олдини олиш ва ўқув жойларининг тўғри инсоляциясини таъминлаш учун қуёшдан ҳимоялаш кўзда тутилиши керак. Қуёшдан ҳимояланиш қурилмаларини танлаш маҳаллий шароитлар бўйича лойихага асосан белгиланади.

Ошхоналарнинг иссиқ цехлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир. Кам қаватли (бир ва икки қаватли) мактаблар учун қуёшдан ҳимояланишни кўкаламзорлаштириш тадбирлари орқали таъминлаш мумкин (дарахтлартни бино деразаларидан 10 м дан кам бўлмаган масофада ўтказиш талаб қилинади).

Ер участкаларига қўйиладиган талаблар. Мактаблар ва интернат мактаблар ер участкаларининг жойлашиши ва ўлчамлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари - ШНҚ 2.01.07 га мувофиқ қабул қилинади.

Мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ер участкаларида: жисмоний тарбия-спорт; ўқув-тажриба; дам олиш ва хўжалик зоналари каби асосий функционал зоналарнинг кўзда тутилиши тақозо этилади.


Мактаблар ва мактаб-интернатлар кўкаламзор участкаларининг майдони участка майдонининг 30-40% ини ташкил қилиб, кўкаламзор майдонга дам олиш, жисмоний тарбия ва ўқув тажриба зоналарининг кўкаламзор майдонлари ҳамда ҳимоя полосалари ва мактаб участкаси атрофидаги яшил тўсиқлар ҳам киради (72-расм).



57-расм. Мактаб ҳудудининг режа:

1-мактаб биноси; 2-спорт ядроси; 3-гимнастика майдони; 4-баскетбол майдони; 5-югуриш ва бошқа ўйинлар майдони; 6-кичик ёшдаги мактаб болалари майдони; 7-дам олиш майдони; 8-зообурчак; 9-мевали бог; 10-ҳовли.

Меъморий-режавий ечимлар ва асосий хоналарга қўйиладиган талаблар. Мактаб, мактаб-инернатлар ва мактаб қошидаги интернат биноларидаги хоналарнинг таркиби ва майдони функционал-ташкилий ва педагогик талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқув режасидаги ўқув хоналарининг соатбай юкмасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашлар орқали аниқланади (73-расм).



58-расм. Кичик комплектли мактаблар хоналари гуруҳининг функционал боғланиш схемаси.

Мактаб таркиби қуйидаги хоналар гуруҳларидан иборат:

а) бошланғич мактаб учун (I-IV синфлар), меҳнат қилишга ўргатиш жойлари, узайтирилган кун учун универсал хоналар, рекреация, ҳожатхона, вестибюл гардероби билан;

б) асосий мактаб учун (V—IX синфлар), ўқув хоналари ва лабораториялар, меҳнатга ўргатиш устахоналари, профориентация хоналари;

д) мактаб учун умумий бўлган жойлар: ўқув-спорт ва мажлис зали, кутубхона, маърифат-маънавият хоналари, клуб-тўғарак ва умумий фаотият учун хоналар, ошхона, бошқарув-хўжалик ва тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, рекреация, ҳожатхона, вестибюл гардероби билан.

Мактаб-интернатларда мактаб хоналари ва интернат блоки кўзда тутилади, интернат блоки иштирокчиларининг яшаши учун хоналарни,

шунингдек, ухлаш, маиший-маданий хоналар, тиббий изолятор ва бошқа хоналарни ўз ичига олади.

Мактаб ва мактаб-интернат бинолари ҳажмий-режавий тузилмасига (структурасига) қўйиладиган қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

а) ўқув хоналари ўқувчиларнинг ёши ёки предметли белгиларига қараб ўқув секцияларига гуруҳланиши лозим; қоидага кўра биринчи қаватда жойлашган I-IV синфлар учун ўқув секцияларида, саккиздан ортиқ бўлмаган синф хоналарининг меҳнат қилишга ўргатадиган устахона, узайтирилган кун учун универсал хона, рекреацион хоналар ва ҳожатхона кўзда тутилиши лозим; I-IV синфларга мўлжалланган ўқув секциялари иштирокчиларининг бошқа ёшдаги гуруҳларга ўтиш жойи бўлмаслиги лозим;

б) I-IV синфлар учун мўлжалланган ўқув секциясига ўқув кабинетлари, лабораториялар, ўқув устахоналари, рекреация хонаси ва ҳожатхона киради; ҳожатхонани ўқув секциясидан ташқарида жойлаштиришга рухсат берилади.

Ўқув хоналари. Синфхоналар, ўқув хоналари ва лаборатория хоналарининг майдонлари 1-жадвалга кўра белгиланади:

1-жадвал

Синфхоналар, ўқув хоналари ва лаборатория хоналарининг майдонлари

Т/р	Хоналар	Бир нафар иштирокчига тўғри келадиган хона майдони , м ²			
		Синф қамрови		Синфнинг камайтирилган қамрови	
		30 иштирокчи	35 иштирокчи	20 иштирокчи	10-12 иштирокчи
1	Синфхоналар	2,0	1,7	2,0	3,0-3,6
2	Она тили адабиёт, тарих, география, математика ўқув	2,0	1,7	2,0	-
3	Информатика ўқув хоналари	4,0-4,5	3,6-4,0	4,0-5,0	-
4	Чет тиллари ўқув хоналари	2,5-3,0	2,5	3,0	
5	Физика ва астрономия, кимё, биология лабораториялари , тасвирий санъат ва чизмачилик хоналари	2,2-2,4	2,0-1,8	3,0	-

Меҳнатга ўргатиш ва касбга йўналтириш хоналари. Меҳнатга ўргатиш ва касбга йўналтириш хоналарининг юзalarини 2-жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади. Меҳнатга ўргатиш хоналарини, қоидага кўра, шовқин чиқарувчи манбалар бўлганлиги учун овқатланиш ёки залли хоналар билан блоклаштириш тавсия қилинади. Ёғочни қайта ишлаш устахонасидан ҳамда металл ва ёғочни қайта ишлайдиган комбинациялашган устахоналардан ташқарига бевосита ёки синфлар, ўқув хоналари ва лабораториялар орқали чиқиш эшиклари бўлмаса, устахона туташган коридор орқали ташқарига чиқиш имконини яратиш зарур.

2-жадвал

Меҳнатга ўргатиш ва касбга йўналтириш хоналари ва уларнинг юзalarини ҳисоблаш

Т/ р	Хоналар	Бир нафар иштирокчига тўғри келадиган майдон, м ²		
		Меъёрий қамраб олишда		Камайлирилган қамровда
		30 иштирокчи	35 иштирокчи	24 иштирокчи
1	I-IV синфлар учун умумий фойдали меҳнат қилиш устахонаси	2,0	1,7	2,2 (50% дан кам бўлмаган)
2	V— IX синфлар учун ўқув устахоналари; - метални қайта ишлаш; - ёғочни қайта ишлаш; - металл ва ёғочни қайта ишлаш бўйича комбинациялашган устахона; - меҳнатнинг техник турлари бўйича умумий устахона	2,0	1,7	2,0
		5,4-6,0	5,0-6,0	5.0
		4,5	4	
3	Меҳнат турларига хизмат кўрсатувчи устахона (матоларни қайта ишлаш, кулинария)	3,5	3,0	4,0
4	Касбий таълим ва ишлаб чиқариш асослари бўйича хона	1,65	1,5	

Мажлис залидаги ўринлар сони бинонинг ҳисобий сиғими бўйича шаҳар мактабларида 20-25%, қишлоқ мактабларида 30-35%, мактаб интернатларда эса 50% жойни кўзда тутиши керак.

Реконструкция шароитида мажлис залининг сиғимини камайтиришга рухсат этилади. Зал майдони лойиҳалаштириш топшириғига биноан аниқланади.

Мажлис залининг майдони залдаги битта ўринга 0,65-0,72 м² юза ҳисобида қабул қилинади (3-жадвал); 630 иштирокчидан кам бўлмаган мактабларда залдаги битта ўрин юзасини 1 м² гача оширишга рухсат этилади. Мажлис залида видеокўрсатув учун (киноэкран билан бирга) қурилма кўзда тутилади.

3-жадвал

Мажлис зали, маъруза аудиторияларидаги хоналарнинг таркиби ва юзаси

Т/р	Хоналар	Иштирокчилар сонига кўра хоналар юзаси, м ²				
		315	630	945	1260	Мактаб-интернатларда
1.	Эстрада хонаси	27	27	27	36	27
2.	Хўжалик (инвентар) хонаси	6,8	10	12	12	8-10
3.	Техник марказ: - радиоузел, диктор хонаси билан биргаликда;	8	19	10	10	12
	- аппаратларни таъминлаш хонаси;	12	14	16	16	16
	- фотолаборатория	8	10	12	12	12

Кутубхона 20 минг бирликни сақлаш фонди билан битта хона кўринишида ташкил этилади (ўқув зали ва китоблар сақланадиган зоналар 2:1 нисбатда бўлиши лозим). Кутубхона хоналарининг юзаси 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади. Фаолияти давом этаётган пайтда мактаб биноси реконструкция қилинса юзаси камайтирилган кутубхонани қўллашга рухсат этилади, бироқ юза 30 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

Кутубхона блоки хоналари

Т/р	Хоналарнинг номи	Мактаб ўқувчилари сонига мувофиқ майдон, м ²					
		Боштангич ва кам	Ўлиқ комплектли				Мактаб-интернатла
		180 дан кам бўлган ҳолатда	216 - 310	630	945	1260	216-432
1	Кутубхона (ўқув зали, китоб сақлаш)	30	40-60	50-75	60-85	80-100	40-60
2	Дарсликларни сақлаш ва таъмирлаш	8	12	14	15	15	15

Кутубхона блоки хоналарида мактаб сиғимига боғлиқ ҳолда юзаси 36-60 м² бўлган “Маънавият-маърифат” хонасини кўзда тутиш талаб этилади.

Рекреация, дам олиш хоналари. Ёзги рекреациялар майдони (лоджиялар, терассалар, ички ҳовлилар) лойиҳалаштириш топшириғига асосан белгиланади. Рекреацияларнинг эни 2,8 м дан кам бўлмаслиги лозим; ўқув хоналарининг икки томонлама жойиашшида рекреацияни эни 3,2-4 м бўлиши тавсия этилади. Зал типдаги рекреациялар нисбатан маъқулроқ ҳисобланади.

Дам олиш ва дарс тайёрлаш хоналарининг майдонини яшовчилар умумий сонининг 50% и бир нафар иштирокчига 1,25 м² тўғри келишини ҳисоблаб, қабул қилиш тавсия этилади.

Ўқув-спорт машғулоти учун мўлжалланган хоналар. Ўқув-спорт залларининг ўлчамлари бир нафар иштирокчига 0,9 м² тўғри келиши ҳисобида, 5-жадвал бўйича ҳисобланган меъёрларга мувофиқ қабул қилинади. Йирик мактаблар учун иккита спорт зали ёки битта катта зал (540 м²/30х 18) тавсия этилади. Залнинг том ёпилмаси конструкциясининг пастки қисми (оралиқ ёпилма) гача бўлган баландлиги: 9х18 м лик залда - 5,4 м, 12х24 м ва 30х18 лик залларда 6 м дан кам бўлмаслиги лозим. Спорт залини ўқув хоналари устига жойлаштирмаслик талаб этилади. Ўқув хоналари секцияси ёки ухлаш секцияси орқали спорт залига ўтишнинг лойиҳида кўзда тутилишига рухсат этилмайди.

Спорт залларида ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида ечиниш-кийиниш хоналари, душ ва ҳожатхоналар кўзда тугилади. Ўлчамлари 12х24 м (ёки 9х18 м) бўлган спорт залларда ечиниш-кийиниш хоналарининг юзаси 42 м² (21х2) дан кам бўлмаслиги; 2 та спорт зал бўлганида эса ечиниш-кийиниш хоналарининг юзаси 84 м² (42х2)дан кам бўлмаслиги зарур.


Спорт залларида ўлчамлари 12х24 м бўлган зал учун юзаси 16 м² дан кам бўлмаган ва ўлчамлари 30х18 м бўлган зал учун юзаси 20 м² дан кам бўлмаган снаряд майдони; юзаси 8—12 м² бўлган мураббийлар хонаси кўзда тутилиши лозим.

5-жадвал

Ўқув-спорт заллари

Ўқув-спорт залларининг ўлчамлари,	Спорт заллар сони (синфлар сони, иштирокчилар сонига мувофиқ)					Мактаб-интернатларда 9-18 та синф, 216-432 нафар иштирокчи
	9 та синф	9 та синф	18 та синф	27 та синф	36 та синф	
	180-216	270-315	540-630	810-945	1080-1260	
9х18	1	-	—	-	-	-
12х24	-	1	1	—	-	1
30х18	—	—	—	1	1	-

Расмларда ҳар хил сиғимли мактабларнинг архитектуравий ечимлари келтирилган.



59-расм. 192 ўқувчига мўлжалланган намунавий мактаб лойиҳаси.



Fasad

0.000 ko'rs.dagi tarx

3.300 ko'rs.dagi tarx





60-расм. 422 ўқувчига мўлжалланган намунавий мактаб лойиҳаси



Fasad

0.000 ko'rs.dagi tarx

3.300 ko'rs.dagi tarx



61-расм. 624 ўқувчига мўлжалланган намунавий мактаб лойиҳаси

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш, келажак авлодни тарбиялаш» ҳақидаги фармонида Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсати даражасидаги йўналиш ҳисоблансин, дейилган.

Таълим тизимини тубдан ўзгартиришни амалга ошириш бу соҳадаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш учун таълим муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг энг долзарб вазифалари қабул қилинаётган ҳужжатларнинг аҳамиятини кенг жамоатчилик томинидан чуқур англаб етиши учун зарур шароитларни яратиб беришдан иборат. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишдир. Миллий дастурнинг мақсади ва вазифалари Республикамизда босқичма-босқич изчил тарзда амалга оширилди:

Биринчи босқичда (1997—2001 -йй.) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳуқуқий, илмий-услубий, моддий-молиявий шароитлари, бу дастурни ислоҳ қилиш ва амалдаги мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаган ҳолда ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, моддий-молиявий шароитлар яратилди.

Иккинчи босқичда (2001—2005-йй.) миллий дастурнинг кенг қамрови амалга оширилди, орттирилган тажрибалар инобатга олинган ҳолда унга тегишли ўзгартиришлар киритилди, меҳнат бозорини ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар ривожлантирилди. Умуммажбурий ўрта ва ўрта махсус таълимга, шунингдек, ўқувчиларнинг имкониятлари ҳамда иқтидорларидан келиб чиққан ҳолда дифференциаллашган таълимга тўлиқ ўтиш амалга оширилди.


Учинчи босқичда (2005- ва ундан кейинги йиллар) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий истиқболига мос равишда тўрежавийган тажрибаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

81-а, б расмда 560 ўқувчига мўлжалланган академик лицей биносининг архитектуравий ечими берилган.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари. Узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълим базасидаги 3 йил муддатли мажбурий-ихтиёрий ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналиши - академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг ўз ихтиёрлари билан танланади.



62-расм. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган лицей ва коллежлар.



63-расм. Коллежлардаги хоналар гуруҳларининг ўзаро боғланиши: 1-бош кириш жойи ва вестибюль; 2-ўқув хоналари; 3-аудитория ва лабораториялар; 4-ўқув спорт хоналари; 5-рекреациялар; 6-кутубхона ва мажлислар зали; 7-маъмурий хоналари; 8-ошхона; 9-хўжалик хоналари; 10-ҳовлидаги спорт майдончалари; 11-ҳовли майдонидаги ўқув полигони

Академик лицей давлат таълим стандартига мос равишда ўрта махсус таълимни беради, узлуксиз интеллектуал ривожланишни таъминлайди, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган, дифференциаллашган, касбий йўналтирилган таълимни таъминлайди.

Академик лицейларда таълим олувчилар таълим йўналишини (гуманитар, техник, аграр ва бошқалар) танлаб олиш ва кейинчалик меҳнат фаолиятида ёки аниқ олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириш мақсадида фанларни чуқурроқ ўрганиш, билим савияларини кўтариш ҳамда касбий билимларни шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Касб-ҳунар коллежлари давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касбий таълим беради; таълим олувчиларнинг бир ёки бир нечта танланган касблар бўйича мутахассисликларга эга бўлишлари, касбий иқтидорини, билим ва малакалари чуқур ривожлантирилади.

Касб-ҳунар коллежлари ўзининг жихозланиши, танланган педагогик таркибига, таълим жараёнининг ташкил этилганлигига кўра бир ёки ундан кўп замонавий касбларга эга бўлиш имконини беради ва ўқув фанлари бўйича чуқур назарий билимларни берадиган янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига навбатдаги таълим босқичларида билим олиш ёки улар эга бўлган

мутахассислик ва ихтисосликлар бўйича меҳнат фаолиятини давом эттириш ҳуқуқини берадиган давлат намунасидаги диплом тақдим этилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун энг аввало қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият юритишлари учун меъёрий базани ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- олий таълим муассасаларидаги малакали педогогик кадрларни, саноат, фан ва маданият соҳаларидаги мутахассисларни жалб этган ҳолда, ёш мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, чет элларда тайёрлашни ҳамда қайта тайёрлашни амалга ошириш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари учун касбий таълим дастурларини, ўқув-услугий мажмуаларни (комплекс) ишлаб чиқиш;

- академик лицейлар ўқувчиларининг меҳнат фаолияти давомида малакаларини оширишлари учун ихтисослаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассислар учун мутахассисликлар ва касблар бўйича квалификацион (малакавий) талаблар рўйхатини ишлаб чиқиш;

- демографик ва географик ҳудудларда оқилона жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим муассасалари тизимининг яратилиши ҳамда ўқувчиларни оиладан ажратмаган ҳолда қамраб олинишини, шунингдек, жойлардаги тегишли касб мутахассисларига бўлган талабларнинг қондирилишини таъминлаш;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник ҳамда ахборот базасини мустаҳкамлаш.

Касб-ҳунар коллежларидаги асосий таълим йўналишлари халқ хўжалигининг ривожланиш соҳаларига мос тушиши зарур, яъни:

- 1) саноат, транспорт, алоқа (оғир ва энгил саноат, машинасозлик, асбоб-созлик, темирйўл транспорти, алоқа ва бошқалар);

- 2) қурилиш ва коммунал хўжалик (қурилиш, архитектура, қурилиш мажмуалари, қурилиш материаллари, биноларни эксплуатация қилиш корхоналари ва бошқалар).

Олий таълим муассасалари

Олий таълим муассасаларини жойлаштириш ва уларнинг ер участкаларига бўлган талаблар. Олий таълим муассасаларини шаҳарсозлик нуқтаи-назаридан жойлаштиришни Республикамизда ишлаб чиқарилган ШНҚ 2.07-01 шаҳар қурилиш талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур. Шу билан бирга янги қуриладиган бино ва иншоотларни электр, сув, газ билан таъминлаш ва марказий канализация тармоқлари манбаларига уланиш имкониятларини инобатга олишни кўзда тутиш зарур.

4 минг ва ундан кўп талабага мўлжалланган катта олий ўқув муассасаларини ва ўзининг таркибида катта миқдордаги махсуслаштирилган объектлар, лабораториялар, конструкторлик бюрolari, клиникалар, полигонлар, тажриба участкаларини қамраган майдонларни, шу билан бирга туркумлаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамма керакли объектларни шаҳарнинг четки ҳудудларида жойлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалик йўналиши бўйича (тажриба хўжаликларига эга) олий таълим муассасасини шаҳар четидаги, одатда, шаҳар чегараларига тақалган зоналарда жойлаштириш керак бўлади. Олий таълим муассасасининг ер участкалари магистрал кўчалар билан кесишмаслиги, участкада пиёда юрувчилар ва транспорт оқими бўлишни кўзда тутиш зарур.

Олий таълим муассасаларининг ер майдони аниқ шаҳар қурилиш шартларига мувофиқ, ШНҚ 2.07.01 ни инобатга олган ҳолда аниқланади. Участкаларни ўраб олиш маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда кўзда тутилади.

Ўқув полигонлари ва тажриба хўжаликларини ўқув юртларидан, уларни тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан бирлаштирган ҳолда алоҳида жойлаштиришга рухсат этилади. Ўқув полигонларини ишлаб чиқариш, тажриба участкаларини ва бошқа махсуслаштирилган объектларнинг ер майдони лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ технологик талаблар асосида аниқланади.

Олий ўқув муассасаларининг ер участкаларида қуйидаги: ўқув ва илмий текшириш бўлимлари, овқатланиш, савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш (соғломлаштириш-тиббий хизматлар), спорт, хўжалик-техник зоналар белгиланган (ётоқхона, ўқувчилар таркиби учун уйлар ажратган ҳолда зоналаштиришни кўзда тутиш лозим). Насос хоналар, таъмирлаш устахоналари, гаражлар ва омборларни хўжалик зоналарида жойлаштириш зарур. Спорт зоналари, одатда, ўқув зоналарининг ёнида жойлашиши керак.

Олий таълим муассасаси ер участкаларини кўкаламзорлаштириш энг камида умумий майдоннинг 35% ини ташкил этиши зарур. Ўқув бинолари ва илмий-текшириш фаолияти учун бинолар магистрал кўчаларнинг ҳаракатланиш қисмларидан энг камида 50 м узоклаштирилган, бошқа ҳолларда эса маҳаллий аҳамиятга эга кўчаларнинг ўтиш қисмларидан энг камида 25 м узокда бўлиши керак.

Олий ўқув муассасаларининг илмий-текшириш бўлимларини, одатда, ўқув бўлимлари билан бир мажмуада жойлаштириш тавсия этилади.

Махсуслаштирилган илмий-текшириш лабораториялари, тажриба полигонлари ва бошқа объектларни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларига тегишли технологик талабларга тааллуқли санитария меъёрлари ва атроф-муҳитни муҳофазалаш талабларига мувофиқ жойлаштириш зарур.

Тиббиёт олий таълим муассасалари ёнида, одатда, поликлиника ва стационарлар корпуслари учун клиник зоналар ажратилади.

Очиқ спорт иншоотлари мажмуаларида ташқи ҳожатхоналар, ободонлаштирилган майдончалар, сув ичиш фавворачалари бўлган дам олиш майдонлари ва бошқа ободонлаштириш ишлари (электр ёритиш, тегишли


қопламалар, кўкаламзорлаштириш, сув билан суғориш ишлари)ни кўзда тутиш лозим.

Очиқ спорт иншоотларини ўқув лабораториялари, кутубхона, илмий-текшириш хоналарининг деразалари томонидан жойлаштириш тавсия этилмайди; айтиб ўтилган хоналарнинг деразалари билан спорт иншоотларининг орасидаги масофа 50 м дан кам бўлмаслиги керак. Тегишли масофани таъминлаб бўлмаган ҳолатда шовқиндан ҳимоя қилиш учун турли қурулмаларни ишлатишни, талабга жавоб берувчи чораларни ҳаракатдаги санитария ва қурилиш меъёрларини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш зарур.

Ўқитувчилар учун ётоқхона, меҳмонхона ва турар жойлар умум «турар жой» зонасида, яшаш зоналарида лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ, жойлаштирилиши лозим. Ётоқхона алоҳида жойлаштирилганда унинг ўқув зонасидан узоқлиги 30 минутлик йўлни ташкил этиб, транспорт ёки пиёда юриш имконияти бўлиши керак.

Ўқув илмий-текшириш, олий таълим муассаса участкаларининг маъмурий жамоа корпусларининг охирида автотурар жойлар кўзда тутилиши зарур (минг одамга 15 машина ўрин ҳисобидан талабалар, ўқитувчилар, курс тингловчилари ва бошқалар учун).

Олий таълим муассасасини ўраб олган участкада энг камида иккита кириш жойи кўзда тутилиши зарур. Бинолар атрофида ўт ўчириш машиналари учун айланиб ўтадиган йўллар кўзда тутилиши лозим (бино деворидан 5 м нарида).



Олий таълим муассасасини шаҳар атрофи зонасида жойлаштирилишида 3 км узоқликдаги ўт ўчириш депосидан фойдаланишга имкон бўлиши зарур.

Бир нечта олий таълим муассасаларини ёнма-ён жойлаштиришда, одатда, умумий турар жой ва спорт зонаси, умумий клуб, кўргазма мажмуалари, умумий поликлиника, соғломлаштириш мажмуасини кўзда тузиш зарур.

Асосий хона ва биноларни меъморий-режавий ечимларига қўйилган талаблар. Олий ўқув юртлари биноларининг меъморий-режавий ечимлари амалдаги меъёрлар (ШНҚ 2.08.02 ва бошқалар) талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ўқув ва лаборатория корпусларини 4 қаватдан кўп бўлмаган ҳолда лойиҳалаштириш зарур. Маъмурият учун белгиланган ректорат корпусини 9 қаватгача лойиҳалаштириш мумкин.

Факултетларни, ректоратларни, кутубхона, тантаналар ва спорт залларни алоҳида биноларда жойлаштириш рухсат этилади. Айрим ўқув корпусларининг ўртасида ошхона, кутубхоналар, иситилмайдиган ўтиш йўллари кўзда тутилиши мумкин.

Бино қаватларининг баландлиги ШНҚ 2.08.02 талабларига жавоб бериши керак. Сигими 40 дан 72 ўрингача бўлган аудиторияларнинг баландлигини полдан шипгача энг камида 3,6 м; сигими 75-100 ўринлик - энг камида 4,2 м, сигими 100 ўринлик намоёйиш қилиш учун катта экранли маъруза залларининг баландлиги технологик талабларга мувофиқ 4,5—6 м бўлиши керак.

Олий ўқув муассасаларининг таркибига ўқув кабинетлари, аудиториялар, лабораториялар, маъмурий-хўжалик ва техник хоналар билан бир қаторда кутубхона маълумотлар маркази, спорт заллари ва спорт машғулотлари учун хоналар, буфет ва ошхоналар, тантаналар заллари, клуб заллари ва ижодий, бўш вақтларда фаолият кўрсатиш, тиббиёт ҳамширалик пунктлари киритилиши керак. Олий таълим муассасаларининг сигими ва хоналар юзаларининг технологик ҳисоб-китобини олиб боришда, турли даражали ўқувчилар, талабалар, магистрантлар ва стажер-тадқиқотчилар, деканатлар, кафедралар, ўқитувчи-профессорларнинг илмий фаолиятлари, ректоратлар, маъмурий хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар учун ўқув дастурлари инобатга олинади.

Олий таълим муассасаларининг асосий хоналари — ўқув аудиториялари ва кабинетларини, лабораторияларни, кутубхона хоналарини, кафедра хоналарини ва илмий текшириш бўлимларини, маъмурият бўлимларини ерусти қаватларда жойлаштириш керак.

Цокол қаватларида махсус белгиланган лабораторияларни (технологик асосларга ёндошиб), гардеробларни, спорт залларини ва тренажёр залларини, санузел, душхона, хўжалик хоналарини, ошхона хоналарини, савдо-маъмурий хизмат кўрсатиш ва бошқалар (ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ) жойлаштиришга рухсат этилади.

Подвал каватларида сув қувири ва канализация, насосхоналар, бойлер хоналари, вентилицион камералар, лифт машина бўлимларини жойлаштириш рухсат этилади.

Олий таълим муассасаларининг асосий хоналари тўғридан-тўғри табиий ёритиш ва ташқари томонга очиладиган фрамугали ойна (ричаг ёрдамида автоматик ёки дастак) орқали шамоллатиладиган бўлиши керак. Доимо одамлар тўрежавийадиган хоналарни тўғри ёки бурчак остида шамоллатиш, шунингдек. коридор орқали ёки ёндош хоналар орқали шамоллатилиши керак. Ўқув лаборатория хоналарининг полидан ойна ости қисмигача энг камида 80 см бўлиши керак. Ўқув хоналари, аудиториялар ўлчамини, хавони кондициялаш имконияти бўлмаганда, 1 одамга 5 м³ ҳажм ҳисобида олиш керак.

Спорт заллари ва хоналари, тантаналар зали ва бўш вақтлар учун клуб, студия хоналари, кутубхоналар ва ошхоналар, ўқув хоналари, кафедра ва деканатлар улардан самарали фойдаланишни кўзлаб жойлаштирилиши зарур.

Ўқув маъмурий ва илмий-текшириш ишлари ва маъмурий ишлар хоналари чап томонли табиий ёритишга эга бўлиши керак. Чап томонли табиий ёритиш камлик қилса, табиий қўшимча: ёнбош ёки юқори ҳамда қўшимча сунъий ёритиш кўзда тутилади.

75 ва ундан кўпроқ ўринли аудиторияларда, курс лойиҳаси ва диплом лойиҳалаштириш махсус кабинетларини юқори ёритиш зенитлари билан ёритишни кўзда тутиш зарур. Катта ўлчамли залли хоналарда икки томонлама табиий ёритиш, табиий шамоллатиш имкониятлари кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Сунъий ёруғлик билан ёритиш (табиий ёритишсиз) кўзда тутилган китоб омбори ва кутубхоналарнинг каталог залларида, теле-студиялар, фотолабораториялар, гардероб, санузел ва душхоналарда (ҳожатхона ва ўқув лаборатория блоклари ва корпусларида) фавқулодда ёритиш, алоҳида манбадан ва автоном электр таъминлаш шароити кўзда тутилади.

Чизмачилик заллари, расм заллари, рассомлик, ҳайкалтарошлик хоналарининг деразаларини шимолий, шимол, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий томонларга йўналтириш зарур.

Ўқув кабинетлари ва 75 ўриндан кичик аудиторияларни жанубий, жануби-шарқий томонларга йўналтирилиш тавсия этилади.

Лабораторияларнинг йўналишини технологик талабларга мувофиқ танлаш зарур. Қуёшдан муҳофазалаш қурулмаларини жойлаштиришни амалдаги технологик ва қурилишни лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ кўзда тутиш лозим. Қуёшдан муҳофазалаш қурилмалари ёнмайдиган материаллардан ҳамда уларни ёнғиндан муҳофазалашда ҳалақит бермаслиги керак. Қуёшдан муҳофазалаш қурилмалари маҳаллий шароитларга мувофиқ аниқланади.

Бинолардан эвакуацион чиқиш коридорларининг кенглиги ШНҚ 2.01.02 талабларига мувофиқ бўлиши керак. Зинапояларнинг кенглиги ўқув лаборатория корпусларида 1,5 м қилиб олиш тавсия этилади.

Ўқув корпусларида коридорларнинг эни камида 2,2 м, рекреация учун фойдаланиладиган жойлар эни камида 2,6 м, кўпи билан 3,2-3,6 м бўлиши тавсия этилади.

Аудитория ва 50 ўриндан кўпроқ ўринли ўқув заллари, тантаналар ва спорт заллари, 50 ўринлик ва ундан кўпроқ ўринли томоша балконлари, ўқув залларининг антресоллари энг камида 2 та эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши керак. Аудиториялар ва зал хоналаридан эвакуация чиқиш жойлари бир вақтнинг ўзида 50 одамдан кўпроқ одамлар тўрежавийиш жойлари, ўқув ва хизмат кўрсатиш хоналари устидан ўтиши мумкин эмас.

100 ўринли ва ундан катта аудиторияларда аудитория столлари қаторлари оралиғида ўтиш жойлари 0,6 м ҳисобидан ҳар 100 кишига, ҳар бир ўтиш жойларининг кенглиги энг камида 1,2 м ва 1,8 м дан катта бўлмаслиги керак.

Олий математика, чизма геометрия, материаллар қаршилиги маъруза машғулотлари учун 100-150 ўринли аудиторияларда, одатда, 36 м² препарататор хоналари кўзда тутилади.


Жисмоний тарбия аудиториялари қошидаги анжомлар хонасининг майдони лойиҳалаштириш топшириғи асосида кўзда тутилади.

Узлуксиз ҳолда ўрнатилган қатордаги ўриндиқларни жойлаштириш амалдаги (ШНҚ 2.08.02 бўйича) меъёрларга мувофиқ эвакуация талабларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш зарур. Қия курсили ўриндиқлар, битта ўрин ҳисобида, ўлчамлари қуйдагича: кенглиги 0,55 м, ўтирғич баландлиги 0,45 м бўлиши керак.

Аудитория ва ўқув кабинетларида столларнинг ўлчамлари: узунлиги 60 см, кенглиги 50 см, баландлиги 75 см бўлиши керак. Столлар одатда икки ўринлик бўлиши кўзда тутитади.

Ўқув кабинетлари, чизмачилик залларининг юзалари (шу ҳисобда курс ва диплом лойиҳасини лойиҳалаштириш) қуйдагича жадвал кўрсаткичларига мувофиқ қабул қилинади:

№	Хоналар	Юзаси, м ²
1	Ўқув кабинетлари (жиҳозлар билан жиҳозланишига кўра)	2,2-2,5
2	Махсус компьютерлар билан жиҳозланган (жиҳозлар билан жиҳозланишига кўра)	3,5-6,0
3	Хорижий тилларни ўрганиш учун лингафон кабинетлари	3,0
4	Курс ва диплом лойиҳаларни лойиҳалашириш учун чизмачитик хоналари	3,6-4,0
5	Архитектура ва бадиий олий таълим муассасалар учун хоналар	5,0-6,0



65-расм.

Кутубхоналарни, одатда, 100% кундузги ўқув шаклини, талабаларнинг барчасини, магистрант ва кундузги ўқув стажерлар, профессор-ўқитувчилар таркибининг 100% и ва илмий ходимларни қамраган ҳолда лойиҳалаш зарур. Китоб фондининг бирлик сони техник, иқтисодий ва қишлоқ хўжалик олий таълим муассасаларида - 100 та га, университетларда, педагогик, тиббий, маданий, санъат йўналишлари бўйича 125-150 та га яқин (кўрсаткичлар лойиҳалаштириш топшириғи билан аниқланади).

Кутубхоналар ўқув залларининг бир вақтнинг ўзида 10—12% ўқувчилар сифими ҳисобидан қабул қилиниши тавсия этилади.

Кутубхоналар таркибига, янги олинган китоб ва журналлар кўргазмаси учун хоналар, персонал компьютерлар, видероликларни, аудио материалларни эшитиб кўриш учун хоналар киритилиши керак. Кутубхоналар маъруза заллари билан таъминланган бўлиши керак.

Маданият ва санъат олий ўқув муассасаларида ўқув-намоиш мажмуаларини, кейинчалик тижорат мақсадида фойдаланиш учун катта

кўргазма залларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Тантана заллари, талабалар клуб заллари, ўқув, театр-концерт залларини трансформациялаш имкониятини яратиш, эстрада ва сахналарни трансформациялашни амалдаги меъёрларига риоя қилган ҳолда лойиҳалаштириш тавсия этилади.

Олий ўқув юртларининг кафедраларини, кафедра мудирлари кабинетларини 15—18 м² ҳисобида, ходимлар (ўқитувчилар) учун хоналарни битта штат бирлигига 5—8 м² ҳисобидан, услубиёт кабинетларини 50—60 м² ҳисобида, кафедра хоналари юзалари ва таркибларини лойиҳалаштириш топшириғига асосан белгиланади.

Деканат, ректорат хоналари, бошқа маъмурий-хўжалик хоналарининг таркиби ва юзалари, штат жадвалига, лойиҳалаштириш топшириғи асосида амалдаги меъёрларни инобатга олган ҳолда кўзда тутилади. Бунда кўрсатилган хоналарнинг тахминий кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда майдонлари олий таълим муассасалардаги талабаларнинг ҳисоб сонидан (1 та талабаларга м² да, олий таълим муассаса талабаларининг умумий ҳисобидан) қуйидагича олинади:

- 0,8 м2; таълим муассасасидаги талабалар сони 1000 дан 2000 гача;
- 0,7 м2; таълим муассасасидаги талабалар сони 2000 дан 4000 гача;
- 0,6 м2; таълим муассасасидаги талабалар сони 4000 дан 6000 гача;
- 0,5 м2; таълим муассасасидаги талабалар сони 6000 дан 10000 гача;
- 0,4 м2; таълим муассасасидаги талабалар сони 10000 дан 13000 гача.

Илмий-текшириш бўлимлари хоналарининг таркиби, кабинет ва лабораториялар секторлари, ёрдамчи хоналарнинг таркиблари штат жадвалига, амалдаги лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ аниқланади. Ходимлар учун асосий хоналар 1 ишчи ўринга 6 м²; катта габаритлик жиҳозли лабораторияларда - 8 м².

Спорт заллари

Заллар	Ўлчамлари, м			Талабалар сонига заллар сони				
	Узунлиги	Кенглиги	Баландлиги	2 гача	4 гача	6 гача	8 гача	10 гача
Томошабинлар учун ўриндиқлари бор универсал катта зал	42	24	8	-	1	1	1	1
Универсал ўртача зал	36	18	8	2	2	1	3	4
Махсуслаштирилган (гимнастика, кураш, бокс ва бошқалар учун) зал	24	15	7	-	-	1	2	2
Махсус гуруҳлар шуғулланиши учун зал	18	12	4	-	-	1	2	2

Изоҳ: Спорт залларининг трансформацияланадиган манежларини, турли спорт турлари билан шуғулланишни ва бошқаларни сақлаб қолган ҳолда умумий таркибга бирлаштириш мумкин.

Спорт залларининг кўринишлари, ўлчамларини қуйидаги жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади.

Спорт заллари ва ёрдамчи хоналарини, бассейнларни амалдаги қурилиш меъёрлари асосида лойиҳалаштириш лозим.

Олий таълим муассасаларининг таркибига у ёки бу ёпиқ ёки очик спорт иншоотларини киритиш маълум шаҳар қурилиш шартлари бўйича лойиҳалаштириш топшириғи асосида аниқланади. Спорт залларини ўқув хоналари, кафедра хоналари, илмий секторлар, деканат ва ректоратлар устида жойлаштириш рухсат этилмайди.

Ошхона ва буфетларни жойлаштириш уларнинг сифими, турлари, маҳаллий шароитлар билан аниқланади. Овқатланиш жойларининг сифими ўқув юртларининг тахминан 20% ҳисобий сифими ҳисобидан (ҳамма ҳисобий контингентлар талабини, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш персоналларни инобатга олган ҳолда) белгиланади. Ошхона ва буфетларни амалдаги меъёрларга (ШНҚ 02.08.02 ва бошқалар) биноан технологик асосларда лойиҳалаштириш керак бўлади.

Ошхоналар асосий ўқув корпуслари билан очик боғлиқликда бўлишлари мумкин. Ошхонадан ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш корпусларигача бўлган масофа 300 м дан кўп бўлмаслиги керак.

15-50 ўринли буфетлар асосий биноларнинг турли қаватларида жойлаштирилиши мумкин.

Вестибюл ва гардероблар талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва хизмат кўрсатиш персоналлар ҳисобий сонининг 1,2 коэффициент, вестибюллар гардероблари билан ҳисоб бирлигининг 0,25 кўрсаткичини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

Санитария узелларида 50 та эркакка 1 та унитаз ва 1 та писсуар ҳисобидан; 30 та аёлга 1 та унитаз ва 100 та аёл учун 1 та шахсий гигиена кабинаси кўзда тутилиши керак. Ҳар битта санитар узелининг таркибида, ўқитувчилар учун 1 кишига (эркак ва аёл) ҳожатхона ажратилиши зарур.

Чекиш хоналари (жойлари) табиий ёритиш ва табиий шамоллатишга эга бўлиши ҳамда майдони бир одамга 0,02 м² ҳисобидан (тахминий контингент) режалаштирилиши лозим.

Ўқув корпусларининг вестибюлларида ва ректоратда канцтоварларни, китоб рўзномаларини ва аптека молларини сотиш учун киоскалар кўзда тутиш рухсат этилади. Ўқув корпусларининг қаватларидаги рекреацияларини 1 та талабага 0,5 м² ҳисобидан қабул қилиш керак. Олий ўқув муассасаларининг турли йўналишлари бўйича ҳисобий сифими қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Олий ўқув муассасаларининг турли ўқув йўналиши бўйича
ҳисобий сиғими**

Олий ўқув муассасасининг тури ва ҳисобий сиғими (талабалар сони)	Қурилиш ҳажми, минг м ³	Умумий майдони, минг м ²	Ҳисобий майдон, минг м ²
Университет:			
4000-6000	71	17,5 17,1	10,6 10,3
6000-8000	69	16,6 16,1	10
8000-10000	67		9,7
10000-12000	65		
Политехника:			
4000-6000	75	18,8 18,3	10,9 10,6
6000-8000	73	17,8 17,2	10,3
8000-10000	71		10
10000-15000	69		
Техникавий муҳандислик, иқтисодий:			
2000-4000	77	19,4 18,8	11,2 10,9
4000-8000	75	18,3	10,6
6000-8000	73		
Педагогик:			
2000-4000	58-68	14,5-15	8.7-9
Фармацевтик:			
2000-4000	77	19,4	11,2
Иқтисодий:			
2000-4000	52	13,1 12,5	7,9
4000-6000	50		7,5
Тиббиёт:			
2000-4000	88	22	12,3 12,1
4000-6000	87	21.7	
Қишлоқ хўжалик:			
2000-4000	77	19,4 18,8	11,2 10,9
4000-6000	75		
Зооветеринария:			
2000гача	82	20,5 20,1	11,4
2000-3000	80		11,2
Маданият:			
1000-2000	104	26,0	19,0

Ўқув-лаборатория хоналари юзаларининг тавсия этиладиган тахминий кўрсаткичлари қуйидаги жадвал бўйича олинади.

Хоналарнинг номлари	Ўлчам бирлиги	Юзаси, м ³
Аудиториялар	25 ўрин 50 ўрин 100 ўрин 200 ўрин 300 ўрин 400 ўрин	50 75 130 220 330 400
Ўқув кабинетлари	12 ўрин 25 ўрин	30-36 50-70 (жиҳозларнинг турларига мувофиқ)
Курс ва диплом лойиҳалаштириш чизмачилик зали	25 ўрин	90
Чизмачилик заллари қошидаги архивлар	3 та чизма столи	18
Чизмачилик заллари қошидаги модел хоналари	2 та зал	36


3.3. Маданий оқартув ва томоша кўрсатиш бинолари

Кинотеатрлар


Кинотеатрлар томоша кўрсатувчи биноларнинг энг оммавийлашган туридир.

Меъёрий (норматив) ҳужжатларда кинотеатрларнинг қуйидаги асосий типлари қайд этилган:

- бир залли - 150, 200, 300, 500, 800 ўринли;
- икки залли - 200х300, 300х500, 500х800 ўринли;
- уч ва тўрт залли - 100х200х300(500), 100х200х200х300(500) ўринли;
- болалар учун кинотеатрлар - 300 ва 500 ўринли, клуб хоналари билан бирга 150 ва 200 ўринли (қишлоқ жойлари учун);
- кафе (50 ўринли) ва клуб хоналари билан бирлашган 200-300 ўринли, 100 ўринли кафеси билан 300-500 ўринли;
- ёзги ёпиқ кинотеатр - 500 ва 800 ўринли;
- ёзги очик кинотеатр - 500, 800, 1200 ўринли;
- комбинацияли: 300 ўринли ва 500 ўринли кино майдончаси билан;
- 500 ўринли ва 800 ўринли кино майдончаси билан.




66-расм. Бир залли кинотеатрларнинг композициявий схемалари:
1-вестибюль; 2-фойе; 3-томоша зали; 4-кинопроекция хонаси




67 -расм. Икки залли кинотеатрларнинг композициявий схемалари:
1-вестибюль; 2-фойе; 3-томоша зали; 4-кинопроекция хонаси


Учта ёнма-ён жойлашган заллар




Учинчи зал фойе устида жойлашган. 2-қават



Учта зал фойе атрофида жойлашган



1-қават



68-расм. Уч залли кинотеатрларнинг композициявий схемалари:
1-вестибюль; 2-фойе; 3-томоша зали; 4-кинопроекция хонаси


Нормаларда универсал ҳолда ишлатиладиган (кино, концерт ва анжуманлар ўтказиладиган) ва индивидуал ҳолда лойиҳаланадиган, катта сиғимга эга бўлган киноконцерт заллари ҳам кўзда тутилган.

Кинотеатрларни жойлаштириш. Кинотеатрлар мавсумий фойдаланадиган муассасалар қаторига киради ва турар жой туманлари ҳамда умумшаҳар марказлари бўйлаб тақсимланади.

Ёзги кинотеатрлар дам олиш масканларида, шаҳар хиёбонларида жойлаштирилади.

Кинотеатрлар сиғими шаҳарсозлик меъёрлари билан белгиланади: ҳозирги даврда йирик шаҳарлар учун ҳар 1000 кишига - 20-30 ўрин, келгуси давр учун - 30—35 ўрин ажратилади.

Кинотеатрга унинг кичик ёки катталигига қараб 0,3 дан 0,7 гектаргача ер майдони ажратилади. Унда энгил машиналар сақланадиган жойлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, уларнинг умумий сони томошабин залидаги 10 ўрин учун 7 машина тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.



Шартли белги	Экран		Шартли белги	Экран	
	Оддий	Кенг		Оддий	Кенг
D	30 м гача	40 м гача	g	0,5 дан кам эмас	
Sh	0,5-0,8 D		t	1,5 дан кам эмас	
SH ₁	0,2 D дан 0,4-0,5 D		r	0,06 SH ₁ дан кам эмас	
B	3,5 дан кам эмас		s	0,2 м дан кам эмас	
B ₁	3,0 дан кам эмас		a	0,8-1,0 м	
B ₂	3,0 дан кам эмас		s ₁	3,0 м дан кам эмас	
b	0,73 SH ₁	0,039 SH ₁	α	45 ⁰ дан кам эмас	
b ₁	1,9 м	2,5 м	β	15 ⁰ дан кам эмас	
b ₂	0,5 м дан кам эмас		γ	-45 ⁰	-32 ⁰
t	2 B ₁ дан кам эмас				

69-расм. Кинотеатр залының ҳисоблаш

Кинотеатр биноларининг асосий типлари ва уларни комбинациялаш. Ҳозирги даврда шаҳарларда турли сиғимга эга бўлган асосан кўп залли кинотеатрлардан фойдаланилади.

Йирик шаҳарларнинг марказларида жойлаштириладиган кинотеатрлар бир қанча типларга бўлинади. Шаҳарнинг энг йирик кинотеатрлари универсал вазифани бажарувчи (кино, концерт, анжуман) катта зал ва маълум мақсад учун кўзланган (стереокино, мультфильмлар) кичик заллар билан бирга лойиҳаланади. Бу типдаги кинотеатрларда, одатда, ҳамма турдаги маданий тадбирларни ўтказишга имкон берадиган гардеробли вестибюл жойлаштирилади.

Кўп дастурли кинотеатр кичик сиғимли бир қанча заллардан иборат бўлиб, томошабинга сеанслар орасидаги кутиш вақтини минимал камайтирган ҳолда турли фильмларни ҳавола қилади (- -расмлар).

Экспресс типдаги хроникал-хужжатли фильмлар кинотеатри киноларни тўхтовсиз намоиш этиш тарзида ишлаши мумкин. Кенг тадбирли кинотеатр бўш вақти кўпроқ бўлган томошабинга мўлжалланган. Кўп ҳолларда бундай томошабинларни ёшлар ташкил этади. Улар фақат фильм томоша қилиш учунгина эмас, балки сеанс бошлангунча қадар ёки ундан сўнг дам олиш, мулоқот қилиш ва рақсга тушиш учун ҳам келишади. Бу типдаги кинотеатр учун икки зал кўзда тутилган бўлиб, улардан каттаси-кино-концерт залидир. Хоналар таркибига меҳмонхона ва ўйинлар (автомат ўйинлари) хоналари, тамаддихона, гардероб, артистлар хоналари киради. Бундай кинотеатр баъзида кафе ва рақс зали билан бирлашган бўлиб, улар билан бирга ёки алоҳида ишлаши мумкин.

Болалар кинотеатрлари таркибига кўра кўп тадбирли кинотеатрга яқин ва қўшимча тарзда педагоглар хоналарига ҳам эга бўлади.

Кинотеатрдаги асосий хоналарнинг ҳажм-режавий ечимлари. Функция ва композиция жиҳатидан бино ўзагини ташкил этувчи томошабин зали кинотеатр композициясини яратишда муҳим роль ўйнайди.

Кинозал томошабинларнинг идрок қилиш қонун-қоидаларга боғлиқ бўлиб, бинонинг қирқими ва тархи ҳам шунга биноан тузилади. Экранни тўсиқсиз кўриш учун орқада ўтирган томошабиннинг экран пастки қиррасига қаратилган кўз нури олдинда ўтирган томошабинникига нисбатан 12 см баланд бўлмоғи керак.

Кинотеатрлар бўйлама профилига қараб амфитеатрли ва балконли бўлиши мумкин.

Кинозалнинг овал ва олтибурчакли шакли — томошабин залининг тархий ечимида энг мақсадга мувофиқ шакллар ҳисобланади.

Кинотеатрларда томошабин зали билан бевосита боғлиқ элемент бу — киноаппарат хонасидир (кинопроекцияси ва ёрдамчи хоналар билан бирга). Экранда фильмларнинг проекциясига энг қулай шароитлар яратиб бериш учун кинопроекция хонасини шундай жойлаштириш керакки, унинг ўртасида жойлашган прожекторнинг проекция ўқи экранга нисбатан перпендикуляр ҳолатда бўлсин.

Киноаппарат комплекси, одатда, томошабиннинг орқа томонига, балконли залларда балкон остига жойлашади. Кинопроекция хонаси учта кинопроекторга мўлжалланган бўлади. Кенг форматли кинотеатрларда киножурнал кўрсатиш учун қўшимча равишда тўртинчи кинопроектор ҳам ўрнатилади. Айланма панорама кинотеатрларда ҳар бир экран учун иккитадан кинопроектор ўрнатилади.

Замонавий кинотеатрлар ўзининг белгиларига қараб қуйидаги тоифа-турларга бўлинади: репертуари бўйича - бадий фильмлар кинотеатри, хроникал, илмий-оммабоп, болалар, қайтарма ва чет тилидаги фильмларни кўрсатувчи; фойдаланиш хусусиятлари бўйича — доимий ва мавсумий (ёзги ёпиқ ва очик ҳолдаги); қурилиш жойи бўйича - шаҳарда, қишлоқ жойларда; хоналар туркуми бўйича - бир заллик ва кўп заллик фойе ва кулуарлик; архитектуравий қурилиш хусусиятлари бўйича яқка ҳолда ёки бошқа бинолар билан бирга қўшиб қурилган бўлиши мумкин. Кинопроекциялар эса одатдаги кичик экранли, кенг экранли, кенг форматли, стереоскопик, панорамали бўлади.

Театр бинолари ва концерт заллари

Театрлар - энг қадимий жамоат бинолари бўлиб, антик очик театрлар уйғониш даврида пайдо бўлган чуқур саҳнали театрлар, халқ театрларининг турли шакллари замонавий спектаклларни кўрсатиш учун манба бўлиб хизмат қилган.

Театр биноси хоналари қуйидаги комплексларга тақсимланади:

А- томошабин комплекси;

Б - намоёиш комплекси (залхона);

Д-саҳна комплекси;


Е - ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар.

126-расмда ушбу комплекслар таркибига кирувчи хоналар ва уларни зоналарга тақсимлаш схемаси кўрсатилган.

Умумий кўрсатмалар. Театр ўйинлари ижро этиладиган саҳна намоёиш комплексининг, томошабин зали эса томошабин комплексининг ўзагини ташкил этади.


Томоша тури ва уни идрок қилиш усули театр биносининг турини, томошабин зали ва саҳна қандай ташкил этилганлигини ҳамда улар орасидаги боғлиқлик қандай бўлиши кераклигини белгилайди. Шунга қараб, театрлар драма, мусиқали-драма, опера-балет, фонтатимомо ва кўғирчоқлар театрларига бўлинади.

Театр уйини ташкил этишнинг амалда қўлланиб келинаётган икки тизими мавжуд бўлиб, улар бир-биридан шаклан фарқ қилади. Бири - антик даврдан бери давом этиб, унга биноан спектакль бевосита томошабинлар ўтирган зал ичидаги саҳнада ижро этилади. Иккинчиси — барокко уйғониш даврларидан бери қўлланиб, унга кўра театр ўйинлари томошабин залини тўсиб турувчи портал ортидаги саҳнада намоёиш этилади.




70-расм. Театрларнинг меъморий-режавий ечимларига доир намуналар:

А-2006 ўринга мўлжалланган Новосибирск опера ва балет театри; Б-Сочидаги 1063 ўринга мўлжалланган театр; Д-Ржев шаҳридаги 600 ўринга мўлжалланган театр; Е-900 ўринга мўлжалланган Петрозаводск театри; Ф-Туладаги 820-1320 ўринга мўлжалланган драма театри: 1-бош зал; 2-кичик зал; 3-залнинг трансформацияси



71-расм. Театрларнинг меъморий-режавий ечимларига доир намуналар:
А-1000 ўринга мўлжалланган Иркутскдаги муסיқали комедия театри; Б-1000 ўринга мўлжалланган драма театри: 1-бош зал; 2-кичик зал; 3-кўтариладиган партер-аванссадна; 4-бош залнинг трансформатсияси; Д-1000 ўринга мўлжалланган Курск шаҳридаги драма театри; Е-360 ва 240 ўринли заллари бўлган Самара шаҳридаги қўғирчоқлар театри: 1-бош зал; 2-кичик зал; 3-кичик залнинг трансформацияси; Ф-6000 томошабинга мўлжалланган Кошалин шаҳридаги (Полиша) амфитеатри



72-расм. Вильнюсдаги опера ва балет театри биносининг умумий кўриниши



73-расм. Бухоро шаҳрида янги қурилган муסיқали драма театрининг биноси


Бундай сахна залнинг тўрида жойлашганлиги сабабли, одатда, чуқур сахна деб юритилади.

Сахна. Томошабин зали ҳамда сахнанинг умумий кўриниши ва ички тузилишларини белгиловчи асосий кўрсаткич бу — сахна томоша майдончасининг ўлчамларидир. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина

спектаклларда сахна ҳаракатларининг фаол қисми эни 8 м дан 14 м гача бўлган майдончада кечади.

Сахна эни томоша майдонининг кенглиги ёки томошабин ўриндиқларни, декорацияларни, ёритиш воситаларини жойлаштириш ва спектаклни бемалол сахналаштириш учун етарли бўлган кенгликдан келиб чиқади. Портал эни ва унинг ён бўшлиқлари ҳам шу кенгликка асосан ташкил топади. Одатга кўра сахна эни камида портал оралиғи энидан икки баравар ортиқ бўлиши керак.

Сахна баландлиги фон безаклари ва ҳажмий декорацияларни бир неча қават баландликда жойлаштириш имкониятини яратиб бериши зарур. Залнинг тўрида жойлашган декорацияларнинг максимал баландлиги уларнинг устки қисмини зал ўртасидан кўриш мумкин бўлган даражада белгиланади ва, одатга кўра, у портал баландлигидан бир ярим баравар ортиқ бўлади. Чунки, сахна қоидасига биноан, декорацияларни алмаштирувчи қурилмалар -колосниклар ва кўтаргичлар билан жиҳозланган бўлади. Колосниклар панжара шаклидаги конструкция бўлиб, сахнанинг бел қисмида ёки ундан ҳам 2-2,5 м қуйироқда осиб қўйилади. Колосниклар устига қўшимча қурилмалар ўрнатилиб, уларга декорация пардаларини кўтариб туширувчи кўтаргич арқонлари осилади.



Саҳнанинг колосникларгача бўлган баландлиги декорация пардаларини кўринмайдиган даражага кўтаришни тақозо этади, шунинг учун у парда баландлигидан 2 марта ёки портал оралиғи баландлигидан 3 марта ортиқ бўлмоғи керак.

Асосий саҳнадан ташқари спектакл декорациясини тез алмаштиришга ёрдам берадиган ён ва қуйи саҳналар, кулуарлар ва трюм (саҳна ости) ҳам мавжуд.

Саҳна ости — трюм декорацияни тез-тез алмаштириб туриш учун, саҳнада турли эффект ҳосил қилиш учун ишлатилади, аммо унинг юзаси ўйин майдончаси юзасидан кам бўлмаслиги керак. Трюмда саҳна полини ҳаракатга келтирадиган механизм жойлаштирилади. Бундай механизмнинг энг оддий ва универсал тури бу — полга ўйиб киритилган ёки устига ўрнатилган айланиб ҳаракатланувчи доира бўлиб, унинг диаметри ўз ичига икки ва ундан ортиқ саҳна кўринишларини безайдиган ҳажмий декорацияларни сиғдира олиши керак.

Саҳна кўринишларини тез-тез ўзгартириб туриш учун асосий саҳнага кўшимча равишда саҳна орқали - арерсценадан ҳам фойдаланиш мумкин. Арерсцена декорацияларни ёритувчи воситаларни жойлаштириш учун ҳам хизмат қилади.

Асосий саҳнанинг тўрт томонида (уч ён томонида ва остида) жойлашган ёрдамчи саҳналар унинг ҳаракатчанлигини янада оширади ҳамда спектаклни саҳналаштириш учун барча имкониятларни яратиб бера олади.


Томошабин зали. Томошабин зали театр биносининг асосий композицион элементи ҳисобланиб, томошабинларнинг залга кириш, жойлашиш, спектаклни томоша қилиш, сўнгра хавф-хатарсиз чиқиб кетишига энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериши зарур.

Зал композициясини ташкил этишдаги асосий омилларидан яна бири томошабин охирги қаторининг саҳна қизил чизигидан қай даражада узоқлигидир (бу масофа драма театрида 25 м, опера театрида 32 м деб белгиланган).

Томошабин залининг икки тури мавжуд - кўп қаватли ва амфитеатрли. Кўп қаватли зал амфитеатрлигига нисбатан спектаклни анча яққол кузатиш имкониятини беради (2 ва 3-қаватлар саҳна ҳажмини кўз билан кенгроқ қамраб олишга имконият туғдиради).

Амфитеатрли залда ҳамма томошабирилар партер ва амфитеатрда, яъни саҳна юзасидан унча баланд бўлмаган текисликда жойлаштирилади. Томошабинларни жойлаштириш ва эвакуация қилиш бу ҳолда унча қийинчилик туғдирмайди.

Томошабин залининг мақбул (оптимал) юзаси: бир томошабинга 0,65 м², ҳаво ҳажми эса бир томошабинга драма театри учун— 4,5-5 м³, мусиқали театр учун— 5-6 м³ (бу ҳисобга оркестр эгаллаган чуқур ҳажми ҳам киради.)



75-расм.

Томошабин ва саҳна хоналари. Томошабин комплекси таркибидаги хоналар томоша бошлангунча одамларни руҳан спектаклга тайёрлаш учун хизмат қилади. Саҳна хоналари эса спектаклни тайёрлашга хизмат қилади.

Томошабин хоналарини кириш ва касса вестибюллар, асосий вестибюл, кийиниб-ечинадиган хона, тақсимловчи фойе, тамаддихона, театр маъмурияти хонаси ташкил этади. Вестибюл, фойе, кулуарларнинг ўзаро қандай жойлаштирилганлиги ва уларнинг тархи қандай тузилганлиги томошабин комплексининг фазовий структурасини яратишда муҳим роль ўйнайди. Фойелар томошабин залига боғлиқ бўлган, лекин унга нисбатан ёндаш жойлашган хоналардир.

Саҳна хизматидаги хоналарни шундай лойиҳалаш ва жиҳозлаш зарурки, спектаклни тайёрлаш ва саҳнага қўшиш учун етарли шарт-шароитлар бўлиши керак.

Бундай вазифани спектаклни саҳналаштирувчи ва театр ишлаб чиқариш хўжалигининг ижодий жамоалари амалга оширадилар. Шунинг ҳисобга олган ҳолда саҳна хизматидаги хоналарни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси — спектаклнинг саҳнага қўйилишини таъминловчи хоналар: иккинчиси -

ишлаб чиқариш устаконалари ва уларга тегишли бўлган омборлар ҳамда техник жиҳозланган хоналар.

Оркестр, одатда, просцениум остига, яъни қисман ўйиб киритилган портал олдидаги чуқурга жойлаштирилади. Ишлаб чиқариш устаконаларини театр биносида тўғри жойлаштириш учун декорациялар тайёрлаш ва саҳнага олиб чиқиш жараёнидаги технологик цикллари ҳисобга олиш керак.

Ҳажмий декорациялар тайёрлашнинг дастлабкиси дурадгорлик устаконасида бошланади. Бу ерда юзаси ўйин майдончасига ва баландлиги портал бўйига тенг бўлган катта ҳажмдаги қурилмалар, майдончалар ва декорацияларнинг синчлари тайёрланади ҳамда мустаҳкамлигини синаш мақсадида улар олдиндан монтаж қилиб қурилади.

Бош режа. Театр бинолари шаҳарнинг марказий қисмларида жойлашиши ва шу марказ ансамблини ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Ер участкасини танлашда унга кириб келишнинг ҳар томонлама қулайлиги, жамоат ва хусусий транспортлар учун ерусти ва ерости тўхташ жойларини лойиҳалаш мумкин, театр атрофига хиёбонлар ва декоратив ўсимликларни жойлаштириш имкониятлари ҳисобга олинади.

Бу вазифалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ)нинг шаҳарлар, поселкалар ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларини лойиҳалаш ва қуриш бўлими талабларига биноан амалга оширилади.

Театр атрофини кўкаламзорлаштиришда лойиҳалаш жараёнида қуйидагилар ҳисобга олинади:

- бинога кириш ва ундан чиқиш учун мўлжалланган майдонлар. Уларнинг умумий юзаси томошабин залидаги ҳар бир ўринга энг камида 0,3 м² ҳисобида олинади;

- томошабинларнинг дам олиш майдончалари, майсазорлар;

- марказий кўча ва шаҳар бинолари билан боғланган пиёда йўлакчалари ва ўтиш жойлари;

- ўтиш жойлари, йўллар ва майдончаларни сунъий ёритиш тизими билан таъминлаш;

- хўжалик участкаси (унда ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси ва шунга ўхшаш иншоотларни жойлаштириш имкониятларини кўзлаган ҳолда);

- энгил автомобиллар учун тўхташ майдончалари (ҚМҚ бўйича).

Қайд этилган майдончаларни вазиятга қараб театр участкасидан ташқари ерларга ҳам жойлаштириш мумкин, аммо уларнинг театр биносидан узоқлиги 300 метрдан ошмаслиги зарур.

Клублар

Одамларнинг дам олиш вақтларини файзли ўтказиш учун умумий қизиқиш асосида йиғиладиган муассасалар *клублар* дейилади.


Яқин атрофда томошабин спорт иншоотлари, кутубхоналар ва бошқа дам олишга мўлжалланган муассасаларнинг йўқлиги ёки узоқлиги туфайли кўпгина қишлоқ жойларида клубларнинг универсал функциялари сақланиб қолган.

Шаҳарда ижодий фаолияти (халқ ижодий уйлари, ҳаваскорлар клуби), кизиқишлар бўйича мулоқот (турли соҳадаги коллекционерлар, автомобил ҳаваскорлари, пенсионерларнинг клублари, ёшлар уйлари ва ҳ.к) ва шунга ўхшаш фаолиятларга ихтисослашган махсус клуб биноларини яратишга эҳтиёж сезилмоқда.




Ҳозирги даврда диққатга сазовор бўлган клуб типи бу - мужассамлаштирилган клублар бўлиб, улар икки қисмдан иборат, биринчи қисм — оммавий кўнгил очар, яъни томошабинлар қисми ва иккинчиси - тўғарақларга мўлжалланган (клуб) қисми.

Клубларларни беш типга бўлиш тавсия қилинади:

- 150-400 ўринли қишлоқ клуби (ишчи посёлкалари ҳудудларида қуришга мўлжалланган);
- 300-700 ўринли қишлоқ маданият уйи (қишлоқ марказлари, ишчилар посёлкаларининг марказий турар жой ҳудудларида қуриш мўлжалланган);
- 500-800 ўринли туман маданият уйи (туманларнинг маъмурий марказларида қуришга мўлжалланган);
- 300-700 ўринли шаҳар клуби (шаҳарларнинг турар жой ҳудудларида қуришга мўлжалланган);
- 500-1000 ўринли шаҳар маданият уйи (шаҳарларнинг жамоат марказларида қуришга мўлжалланган).



76-расм. 500 ўринлик залли шаҳар клуби: 1-эстрада; 2-томоша зали; 3-фойе; 4-вестибюл; 5-аудитория; 6-болалар билан шугулланиш хонаси; 7-артистлар хоналари; 8-омборхоналар; 9-клубоклар хоналари; 10-ўқув зали; 11-буфет; 12-кўрғазма зал; 13-меҳмонхона; 14-кинопроекцион хонаси; 15-товуш аппаратлари хонаси



77-рasm. 500 ўринли залга эга бўлган клуб:

*А-фасад; Б-1-қават тарҳи; Д-2-қават тарҳи; 1-вестибюл; 2-фойе; 3-томоша зали;
4-буфет; 5-байрамлар ўтказиладиган зал; 6-маъмурият хонаси; 7-тўғараклар; 8-
айдитория; 9-кулуарлар.*

Клуб хоналари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: А - томошабин қисми хоналари; Б - клуб қисмининг хоналари; Д - ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик хоналари.

Маҳаллий шарт-шароитлар талаб этса ва шунга яраша техник-иқтисодий асос мавжуд бўлса, клуб биноларида рақс-музыка мактаблари, музей ва клуб жиҳозларини, прокатга бериш базаларини жойлаштириш ҳам мумкин.

Томошабин қисми хоналарига томоша зали, фойе тамаддихонаси билан вестибюл, спорт анжомлари ва мебел сақланадиган омбор, сахна ва ўйин майдончасига хизмат қиладиган хоналар, киноаппарат хоналари киради.

Сахна - залдан пештоқ ёрдамида тўсилган ўйин майдончасидир.

У икки хил типда бўлади: 1-типдагиси - баландлиги безакларни икки букланган ҳолда кўтариб қўйишга имкон берадиган сахна, бундай сахналар безакларни ўзгартириб туришга имкон беради.

2 типдагиси - баландлиги безакларни тўсиқ бўйи билан кўтариб қўйишга имкон берадиган сахна. Бундай сахналар асосан театрға эға кичик шаҳарларда қуриладиган клублар учун тавсия қилинади.

Клуб қисмининг хоналари қуйидагилардан иборат: маъруза ва тўғараклар хоналари, дам олиш хоналари, кутубхона хизматидаги хоналар,

Маъруза ва тўғараклар гуруҳи хоналари зал-аудитория эстрадаси билан; аудитория олдидаги кино қўйиладиган кулуарлар, тўғараклар учун хоналар (хор, рақс, оркестр, тасвирий санъат, драма, техника, сиёсий, малакани ошириш ва бошқа тўғараклар); кинолаборатория, репетиция зали киради.

Дам олиш гуруҳи хоналарига эса рақс зали, стол тенниси ўйналадиган хоналар. биллиардхона, меҳмонхона, тамаддихоналар киради.

Кутубхона гуруҳи қуйидагилардан иборат: китоблар уйға бериладиган хона, китобларни сақлайдиган хона, мутолаа хонаси ва бошқалар.

Ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик хоналари. Ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик хоналари қуйидагилардан ташкил топади: вестибюл, гардероб, чекиш хоналари, маъмур хонаси, методик хона, хўжалик омборлари.


Клуб биносини бошқа муассасалар билан бирлаштириш. Клубларнинг типик вариантларидан бири, бу - кўп функцияли клуб маркази, яъни клуб биносининг бошқа турдаги бир ёки бир нечта муассасалар (қаҳвахона, спорт зали, рақс зали, музей ва бошқалар) билан бирлашган вариантидир.

Бу ҳолда муассасаларнинг иш дастурлари ҳар томонлама бой ва ранг-баранг бўлиши табиий. Аммо шуни ҳисобға олиш керакки, муассасалар бир-бирлари билан яхши боғланган бўлиши, ҳар бирининг ҳам биргаликда, ҳам алоҳида иш олиб боришига имконият яратилиши лозим.

Кўргазма заллари

Кўргазма бинолари, комплекслари ва кўргазма марказларининг асосий мақсади ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида, илм-фан, техника ва маданият соҳасидаги эришган ютуқларни намойиш этиш ва кенг оммага тарғиб қилишдир.

Buxoro shaxrida ko'rgazmalar pavilioni



78-расм. Бухоро шахри учун мўлжалланган қўرғазмалар павильони. СамДАҚИ талабаси Сидиков Ўтамнинг диплом лойиҳаси

Кўрғазмалар универсал ҳолда ва бирор мавзу асосида, саноат ва савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги бўйича маданиятнинг алоҳида жабҳалари: маориф, соғлиқни амалий санъат, миллат, мебелсозлик, дизайн ва бошқа соҳалар бўйича ташкил этилиши мумкин.

Кўрғазмалар қатнашчиларнинг таркибига кўра қуйидаги турларга бўлинади: халқаро, умумжаҳон, республика, ўлка, вилоят ва маҳаллий, шаҳар миқёсидаги кўрғазмалар. Жаҳон мамлакатларининг энг янги ютуқларини ташвиқот қилишда умумжаҳон кўрғазмалари муҳим рол ўйнайди.

Улар систематик равишда ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади, 20 йил мобайнида умумжаҳон кўрғазмаларининг қатнашчилари сони 6 млн.дан 60 млн гача ошди, майдони 10 та дан 3000 та гача, қатнашувчи мамлакатлар сони 32 та дан 80 та гача кўпайди.

Кўрғазма биносини лойиҳалаш тамойиллари. Кўрғазма павильонларининг структураси музей биноларидаги сингари хоналар гуруҳидан ташкил топади, яъни томошабинларга хизмат қилувчи хоналар, кўрғазма қўйиладиган хоналар, маъмурий хоналардан иборат.

Вестибюл гуруҳига қуйидагилар киради: гардероб (баъзи ҳолларда экскурсия бюроси), ахборот маркази, ҳожатхоналар. Унда вестибюль яқинидаги дам олиш жойлари ва буфетлар (ресторан) жойлаштирилади.

Маданий-оқартув ишлари учун хизмат қилувчи биноларга кино ва маъруза зали, кўп ҳолларда алоҳида блокда мустақил кириб-чиқиш имконияти яратилиб лойиҳаланади.

Маъмурий хоналар гуруҳига қабулхона (директор хонаси, ҳамма билан ишловчи сектор, экскурсия раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари хоналари киради). Улар ихчам ҳолда жойлашади. Ёрдамчи хоналарга ишлаб чиқариш устахоналари, суратхона, техник хизмат кўрсатиш пункти ва хизматчи ходимлар хоналари киради.

Кўрғазма павильонининг фазовий тузилиши. Кўрғазма бинолари композициявий жиҳатидан икки турга бўлинади: марказлашган (бирок қисмларга ажратилган) ва тарқоқ ҳолда. Марказлашган композиция бинони функционал жиҳатдан эркин ҳолда режалаштиришга, экспозицияларни яхлит ҳолда идрок қилишга имконият беради.

Тарқоқ ҳолдаги композиция алоҳида жойлашган функционал блоклардан ташкил топади. Бу композиция кўрғазмани бир қанча мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган ҳолда ташкил этишга ёрдам беради.

Хоналар гуруҳларининг функционал боғлиқлиги. Доимий кўрғазма павильонларини лойиҳалаш жараёнида универсал ички фазони ярата олиш, экспозиция сони ва тартибини ўзгартириб туришга қулайлик туғдирадиган режани туза олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракат графиги хоналарнинг бир-бирига боғлиқлигини белгилаб, экспонатларни мантикий тузилган тартиб бўйлаб ташкил этишнинг мақбул вариантларидан бири бу - айланма йўналишни тармоқланган ҳаракат маршрутлари билан бойитишдир.

Конструкциялар ва материаллар. Кўргазма бинолари архитектурасида замонавий қурилиш техникаси, эришилган илғор ютуқлар ўз ифодасини топади.

Замонавий кўргазма павильонларини қуришда энг илғор конструктив усуллар ва замонавий енгил қурилиш материаллари қўлланилади.

Цирк бинолари

Цирклар катта шаҳарлар учун лойиҳалаштирилади. Улар бетакрор ташқи кўриниш ва сулуэти билан ажралиб турувчи томоша, жамоат бинолари таркибига киради. Цирклар пиёдалар ва транспорт воситалари учун қулай бўлган кириш йўллари билан таъминланиши керак.

Циркларда томоша кўрсатиладиган майдон, яъни очиқ сахна томоша залининг марказида жойлаштирилади ва у манеж деб аталади. Манеж ва томоша зали бинонинг асосий қисмини ташкил этади.


Циркларда юқорига қия ҳолда кўтарилиб боровчи томошабинлар қаторларидан иборат бўлган амфитеатр манежнинг гир атрофини ўраб туради. Амфитеатрнинг қиялиги ҳар бир томошабиннинг манежни бемалол кузата олиш имконини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Цирк залининг томи, одатда, конус ёки сферик сегмент шаклида бўлади. Манеж устида 18—20 м дан кам бўлмаган баландликда манеж диаметрига тенг бўлган диаметрли ҳалқа жойлаштирилиб, унга гимнастика жиҳозларини боғлаб ва осиб қўйиш учун ишлатиладиган колосниклар ўрнатилади. Эстрада, одатда, артистларнинг асосий чиқиш жойининг устки қисмини эгаллайди. Залнинг юқори қисмига (шифтига) ёруғликни таъминловчи ускуналар ўрнатилади.


Цирк артистларининг хоналари қоидага кўра, бинонинг орқа қисмида умумий гуруҳга бирлашган ҳолда жойлаштирилиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда ҳар бирининг томошабин зали билан алоқа қилиш имконияти таъминланиши керак.

Ҳайвонлар сақланадиган хоналар артистларнинг манежга чиқиш йўлларига бевосита яқин бўлган жойларда, албатта биринчи қаватда (манеж юзаси баландлигида) лойиҳаланади. Йиртқич ҳайвонлар учун мўлжалланган хоналарнинг манежга чиқиш йўллари ва айниқса, манежга яқин ҳолда бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Цирк кассаси вестибюлга бирлашган ҳолда бўлади. Гардероб қоидага кўра амфитеатр остига жойлашган бўлиб, биринчи қават фойеси билан бевосита боғланган бўлади.


Циркнинг ҳажмий шаклини белгилаш ва унинг ички фазовий структурасини яратишда амфитеатрнинг юқори қаторларига ёки иккинчи қаватдаги фойега чиқувчи зинапояларни тўғри жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.




Тошкент




Волгоград








Қазан



Новосибирск



 <i>Сочи</i>	
 <i>Свердловск</i>	
 <i>Омск, Тюмен</i>	
 <i>Диплом ишдан намуна (Тошкент учун)</i>	

79-80-расмлар. Турли шаҳарлардаги цирк биоларининг олд кўринишлари ва тарҳлари

Зинапояларни иложи борица бинонинг бўйлама ўкига нисбатан симметрик ҳолда лойиҳалаш зарур, зеро, бу томошабинларни зал бўйлаб бир текисда жойлаштириш ва қулай эвакуация қилиш имкониятини беради.

Москвадаги Вернадский кўчасида қурилган янги цирк биноси технологик ечимининг ўзига хослиги билан диққатга сазовордир. Бу циркда биринчи марта бинонинг ертўла қисмигача тушириладиган манеж ишланган бўлиб, унинг устига заруриятга қараб тўрт хилдаги: эластик қопламали, қаттиқ қопламали, муз қопламали ёки сувли ҳовуз билан жиҳозланган платформалардан бирини фидиратиб юргизган ҳолда жойлаштириш мумкин. Шу билан бирга томоша жараёнида турли жанрлардан тузилган дастурларни кўрсатиш имконияти ҳосил бўлади.

Музей бинолари

Музейлар кенг халқ оммасини маданият ва санъат соҳасида мафкуравий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиладиган маданий-оқартув муассасаларидир. Замонавий музей, бу одатда моддий ва маънавий-оқартув муассасалари бўлиб, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини кўргазмага қўядиган ва сақлайдиган жой, доимий равишда ривожланиб боровчи илмий изланиш марказидир.

Функцияси жиҳатидан **музейлар қуйидаги турларга бўлинади:** ўлкашунослик, бадий, халқ ҳунармандчилиги, тарихий, ҳарбий-тарихий, ёдгорлик (мемориал) ва фаннинг турли бўлимлари бўйича: геология, палетология, зоология ва ҳ.к.

Музей биносини лойиҳалашда шундай структура яратиш керакки, бунда хоналарнинг ўртасида бўлган алоқалар ва уларни жойлаштириш, музей экспонатларини томошабинларга ўнғай ҳолатда таништириш, уларни ўргатиш коллекцияларини тўплаш, саралаш йўллари билишдан иборат.


Музейнинг асосий хоналари. Замонавий музей хоналарини шартли равишда тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ - музейга келувчиларга хизмат қилиш хоналари: вестибюл гардероби билан, ахборот маркази, экскурсоводлар хонаси, тиббий пункт, ҳожатхона, буфет (ресторан ёки кафе) ва бошқалар.


Иккинчи гуруҳ - маданий оқартув бўлими: маърузалар зали, кўргазмалар зали, кутубхонадан иборат.

Учинчи гуруҳ - доимий экспозиция бўлими бўлиб, булар коллекцияларнинг характериға боғлиқ бўлади.

Тўртинчи гуруҳ - дирекция хоналари, кичик конференция залининг маъмурияти, илмий ишлар учун хоналардан иборат.



81-расм. Нью-Йорк шаҳридаги Гугенхейм музейи:
 1-биннинг умумий кўриниши; 2-ер тўла тарҳи; 3- 1-қават тарҳи; 4- 2-қават тарҳи.



82-расм. Нагоя шаҳридаги (Япония) замонавий санъат музейи. Умумий кўриниши,
1- ва 2-қаватлар тарҳи, интерьер фрагменти



83-расм. Бухоро шахрида куришга мўлжалланган тарих музейи биносининг лойиҳаси.
СамДАҚИ талабаси Умаров Эркиннинг диплом иши

3.4. СПОРТ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ

Стадионлар

Қадимги Юнонистонда атлетик ўйинлар жамият ҳаётида катта ўрин тутган. Эрамиздан аввалги 776-йилда Олимпия шаҳрида умумиюнон спорт ўйинларининг ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилишига асос солинган.

Эрамиздан аввалги V аср ўрталарида атлетика ўйинларини ўтказиш мақсадида Олимпия шаҳрида биринчи ўйингоҳ (стадион) қурилади.

Юнон стадионининг аренаси тўғри тўртбурчакли шаклда бўлиб, томонмонлари узунлигининг нисбати 1:8,5 дан 1:6,1 гача, арена узунлиги эса 200 м бўлган.

Олимпиядаги қадимий стадионда томошабинлар табиий Кронос тоғининг жанубий қиялигидан жой олиб, стадион аренаси эса тоғ ён бағридаги кенгликда жойлашган (158—159-расмлар). Арена атрофларига тупроқдан сунъий тепаликлар барпо этилиб, уларда ҳам томошабинлар жойлашган. Бу трибуналар тахминан 40000 кишилик сиғимга эга бўлган.

Кейинчалик Делф (эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида), Афина (эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида), Эпидавр (эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида) ва бошқа шаҳарларда ҳам бундай стадионлар бунёд этилган.



84-расм. Қарши шаҳрида қурилган стадион

Замонавий тасаввурда стадион деганда ўқув-машғулотлар, турли қишги ва ёзги спорт турлари бўйича мусобақалар учун мўлжалланган иншоотлар комплекси тушунилади (- -расмлар).



85-расм. Бухоро шаҳрида қурилган замонавий стадион биноси

Комплекснинг асосий иншооти бу — стадиондир, яъни томошабинлар учун мўлжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Томошабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусобақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характериға кўра стадионларнинг турлари белгиланади.


Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма-босқич шаклланиши жараёнида антик тузилишиға нисбатан таркиби ва ўлчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашган. Бундай стадионлар стандарт ўлчамли, радиуси 36 м бўлган ва 400 м масофаға югуриш йўлкаси билан ўралган футбол майдонидан (104x69 м) ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган секторлардан ташкил топган.

Стадионда трибуналар тамошабинлар сиғимиға кўра спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипссимон ёки ёпиқ ҳалқасимон шаклда бўлиши мумкин.

Ўлчамларига кўра стадионлар қуйидаги тоифа (категория)ларға бўлиниши мумкин:

- трибунаси 1500—3000 ўриндиқли кичик стадионлар;
- трибунаси 2000-10000 ўриндиқли, майдони камида 5-6 га бўлган ўртача катталиқдаги стадионлар;
- трибунаси 10000-50000 ўриндиқли, майдони камида 10-15 га бўлган катта стадионлар;
- трибунаси 50000 дан кўп ўриндиқли, майдони камида 20-25 га бўлган йирик стадионлар;
- олимпик типидаги стадионлар.

Стадион бош режаси. Бош режада стадион уч асосий қисмға бўлинади: демонстрацион, ўқув-машғулот ва хизмат кўрсатиш қисмлари.



86- расм. Катовиста (Полша) спорт мажмуаси. Тарх ва қирқим

1. Бир ярусли аралаш конструкцияли (ер ва темир-бетон) трибуна, остидаги бўшлиқлардин фойдаланилган (Берлин стадиони)



2. Икки ярусли аралаш конструкцияли (ер ва темир-бетон) трибуна, остидаги бўшлиқлардан фойдаланилган (Неаполдаги стадион)



3. Икки ярусли аралаш конструкцияли (ер ва темир-бетон) трибуна, 30 м ли соябонг билан (Рио-де Жанейродаги стадион)



4. Уч ярусли аралаш конструкцияли (ер ва темир-бетон) трибуна (Неаполдаги стадион)



5. Икки ярусли темир-бетон трибуна, остидаги бўшлиқлардан фойдаланилган (Римдаги стадиони)




6. Икки ярусли темир-бетон трибуна, остидаги бўшлиқлардан фойдаланилган (Лайкдаги стадиони, АҚШ)



7. Икки ярусли соябонгги металл трибуна Кливлендаги стадион, АҚШ)



8. Икки ярусли соябонгги металл трибуна Роттердамдаги стадион)



87-расм. Спорт ареналаридаги трибуналар турлари (қирқимларнинг схемалари)

Демонстрацион қисмда асосий спорт аренаси ва трибуналар, томошабинларга хизмат кўрсатиш, спортчилар, ҳакамлар бошқаруви, матбуот, радио ва телевидение хоналари жойлашади. Унда, шунингдек, очиқ ва қишки сузиш ҳавзалари, велотрек, кўл ўйинлари ва теннис стадионлари жойлашиши мумкин.

Ўқув-машғулот қисмида спорт майдони ва майдончалар жойлашган бўлиб, уларнинг баъзилари демонстрацион характерга эга. Бу қисмдаги спорт иншоотлари спортнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашади. Хизмат кўрсатиш қисмида томошабинларнинг дам олиш масканлари, кафе, киосклар, ҳожатхоналар, стадионни эксплуатация қилиш билан боғлиқ иншоотлар - хўжалик ҳовлиси, устахоналар, оранжереялар, омборлар ва бошқалар жойлашади.

Қуйида текис ва умумий майдони 9 га тенг бўлган ва трибунаси 15000 ўриндиқли стадион таркибий қисмларининг стадион умумий майдонига нисбатан тахминий баланси келтирилган:

— очиқ спорт иншоотлари, майдончалар ва майдон	-34%
— катта ўлчамли спорт иншоотлари	-12%
— хизмат кўрсатиш иншоотлари	- 1%
— ички йўлакчалар ва тарқатувчи майдончалар	-14%
— кўкаламзорлар	- 39%

Амалдаги лойиҳалаш меъёрларида (ҚМҚ 207.01.94) стадионларни лойиҳалаш бўйича қуйидаги тавсиялар берилган:

- томошабинларни эвакуация қилишда (стадион ташқарисида) тарқатувчи майдоннинг зарурий ўлчамлари ҳар бир томошабинга 0,5—0,75 м² ҳисобидан аниқланади;

- стадионга энг камида икки кириш жойи белгиланиши зарур; эвакуация йўллари (йўлакча, йўл, ўтиш ва кириш жойи) эни бир метрга 500 киши ҳисобидан аниқланади;

- бевосита трибуналар оралиғида тарқатувчи майдонлар назарда тутилган бўлиб, бунда бир томошабин ўрни учун ўртача катталиқдаги стадионлар -0,5 м², катта стадионларда - 0,3 м²;

- кириш кассаларининг сони 1500 кишига 1 дарча ҳисобидан белгиланади.

Жойнинг ҳолатига қараб, стадионнинг бош режаси шаклан турли кўринишда бўлиши мумкин.

Стадион трибуналари. Трибуналар кўп ҳолларда спорт ареналарининг икки ён тарафидан ёки овал кўринишида қурилади. Футбол майдони 69x104 м, айланма югуриш йўлкасининг узунлиги 400 м, футбол майдони ва югуриш йўлкаси оралиғида икки тарафдан енгил атлетика сектори жойлашади. Катта стадионлардаги спорт ареналарида енгил атлетика машғулотлари учун югуриш йўлкасининг ташқи чегаралари бўйлаб қўшимча майдончалар ташкил этилади.

Трибуналарнинг сифими стадионнинг қайси турга (минтақавий ёки халқаро мусобақаларга) мўлжалланганлигига қараб, 2,5 дан 100 минггача ўриндиқ ва туриш ўринларига эга бўлади.

Спортчилар ва томошабинлар учун трибуна остида ёки алоҳида бинода қуйидаги хоналар ажратилади:

- спортчилар учун - вестибюл гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет хоналари, массаж, тиббий хона, ҳакамлар ва инструкторлар хоналари, дам олиш хонаси, буфетлар, спорт анжомларини сақлаш хоналари ва бошқалар;

- томошабинлар учун - кассалар, кулуарлар, ҳожахоналар, буфетлар (ресторан) киоск ва бошқалар;

- маъмурий-хўжалик хоналари - бошқарув ва муҳофаза, спорт анжомлари хоналари ва бошқалар.

Замонавий стадионларда бир ярусли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда.

Замонавий 100 минг ва ундан кўп ўринли стадионларда икки-уч ярусли ёпиқ кўринишли трибуналар қўлланилмоқда. Бундай турдаги трибуналарнинг режадаги шакллари турлича: тўғри, ён томонлари кавариқ, овал, доиравий ва бошқалар.

Стадион трибуналарининг такомиллашиши жараёнида уларнинг янги турлари — темир-бетон ва тупроқ қоришиқ трибуналари яратилмоқда. Биринчи марта Лос-Анжелес шаҳридаги Олимпия стадионида бу турдаги трибуналар қурилган (АҚШ, 1932-й.). Бунда трибунанинг пастки яруси заминдаги қияликда, юқори қавати эса — темир-бетон қурилмалардан томошабинлар учун 25 қаторли ўринлар билан ташкил этилган. Трибуналар остида хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган. Худди шундай икки ярусли трибуна Неапол шаҳридаги стадионда ҳам қўлланган бўлиб, трибунанинг иккинчи яруси биринчи қавати учун ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади.

Трибуналарнинг тўлиши ва томошабинларнинг эвакуацияси люклар орқали амалга оширилади.

Ватанимиздаги тажрибаларга кўра стадионларнинг трибуналарини лойиҳалашда 2006-йил “Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси”да нашр этилган меъёрлар – жамоат бинолари ва иншоотлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари-ҚМҚ 2.08.2006 асосида иш юритилади.

Бу меъёрлар талабларига кўра, томошабин ўринларини секцияларга бўлиш ҳамда ҳар бир секциядаги қатор 50 ўриндан ошмаслиги ва қатор чуқурлиги 75-80 см бўлиши керак. Томошабин ўрнининг ўлчамлари: ўриндик узунлиги бўйича 40—42 см, эни 30—35 см, ўриндикнинг ўтиш полидан баландлиги 45 см, қатор оралиғидаги ўтиш жойининг эни 45 см.

Люкларнинг эни 1,5 м дан 2,5 м гача бўлиши зарур. Люклар сони ўтказиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, яъни 15000 кишидан кўп бўлмаслик шarti билан белгиланади.

Спорт павильонлари

Спорт павильонлари очик спорт майдончалари ва турли хил спорт иншоотларини, очик сув ҳавзалари, яхтклублар, эшкак эшиш станциялари, мерганлик стендлари, шунингдек, турли спорт ўйинлари учун майдончаларни

(волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларни) ўз ичига олиб, йил давомида хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.



88-расм. Тошкентдаги ёпиқ теннис корти.



89-расм. Тошкентдаги “Жар” спорткомплекси.

Павильонларнинг турларига кўра хоналар таркиби ва спорт майдончалари ҳам турлича бўлади. Шу сабабдан уларни лойиҳалашдаги композицион усуллар ҳам хилма-хил характерга эга.

Оддий спорт павильони тарҳда тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, бинонинг фронтал ёки ён тарафидан аёл ва эркак спортчилар учун умумий кириш қисми ўрнатилади.

Кичик спорт павильонлари учун қуйидаги хоналар назарда тутилади: вестибюл (гардероби билан), сақлаш хонаси, конкиларни таъмирлаш ва тақдим этиш хонаси, буфет, санитария-гигиена хоналари, спорт анжомлари хонаси; спорт зали, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналар билан, хусусан, аёллар ва эркаклар кийим алмаштириш хонаси, душ ва ҳожатхоналари билан, массаж, тиббий хонаси, кўрсатмалар бериш, анжомлар, радиоузел; иситиш ва шамоллатиш хонаси ва бошқалар.

Ҳар хил турли катта спорт павильонлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг хоналар тизимига бир нечта спорт заллари, сузиш сув бассейнлари, сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради. Бундай павильонларда спорт турлари бўйича ўқув-машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион ҳудудидан янада унумлироқ фойдаланиш имконияти туғилади.


Спорт павильонларида томошабинлар учун махсус трибуналар ўрнатилмайди, чунки улар асосан спорт ўқув машғулотлари учун мўлжалланади.

Универсал спорт заллари

Универсал спорт заллари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спортнинг оммавий турлари (гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс, спорт ўйинлари, велопойгалар, ҳоккей, конкида фигурали учиш ва бошқалар) бўйича ўқув-машқлари ва демонстрация ишларининг олиб борилиши асосида шаклланган ва амалга кирган.

Универсал спорт заллари ўзгарувчан спорт аренасига, 10-15 минг томошабинга мўлжалланган трибунага, шунингдек, машғулот заллари ва қуйидагича тартибдаги томошабин ва спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналарига эга: томошабинлар учун кириш хоналари, кулуарлар, буфет, киоск ва ҳожатхона; спортчилар учун – вестибюл, кийим алмаштириш хонаси, душ ва ҳожатхона, массаж, тиббиёт бўлими, ҳакамлар дам олиш хоналари, буфетлар, услубиёт хоналари ва бошқалар; маъмурий-хўжалик хоналари-рахбарият, хўжалик бўлими, кассалар, муҳофаза хонаси, ўқув бўлими, почта-телеграф ва бошқалар; ёрдамчи қўшимча хоналар - совитиш мосламалари, иситиш, шамоллатиш хоналари, трансформатор подстанцияси, устахоналар ва бошқалардан иборат бўлади.


Универсал спорт зали биносининг меъморий-режавий ва фазовий композицияси асосида ҳажмий ўлчамлари содда ва ташқи кўринишидан аниқ ифодаланган тўғри тўртбурчакли иншоот ётади. Бирқ, унинг ташқи кўриниши бошқача шаклларда ҳам бўлиши мумкин.




1. Тўғри бурчакли ён тамонлама симметрик схема. Ён томондан ва периметр бўйича қўшимча кириш жойлари (Москва)

2. Симметрик фронтал схема. Кириш бош фасад тўғрисида (Мирор)

3. Овал схема. Асосий кириш жойлари қисқа ўқ бўйича, қолганлари периметр бўйича жойлашган (Дортмунд)




4. Айлана схема. Асосий кириш жойлари аренанинг қисқа ўқи бўйича, қолганлари периметр бўйича жойлашган (Венадаги спортзал лойиҳаси)




5. Қўп бурчакли схема




6. Параболлик схема. Асосий Кириш жойлари кириш жойлари аренанинг трибуна периметри қисқа ўқи бўйича, қолганлари (бўйича жойлашган периметр бўйича жойлашган (Венадаги спортзал (Шимилей Каролина, АКШ). лойиҳаси).




7. Москвадаги спорт саройи биносининг қирқими. ом ёнмаси металл фермалардан иборат. Трибуналар — бир ярусли



8. Токиодаги теннис клуби биносининг қирқими. Том ёнмаси металл фермалардан иборат.



9. Дортмундаги спортзал биносининг қирқими. Том ёнмаси металл фермалардан иборат. Трибуналар — икки ярусли



10. Мадриддаги спортзал биносининг қирқими. Том ёнмаси темир-бетон қобик. Трибуналар — уч ярусли

Бинода ўлчамлари 30x61 м бўлган спорт аренаси, 15000 ўринли трибуна, ўқув-машғулоти учун спорт зали ва спортчиларга ҳамда томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари жойлашади.

Универсал спорт залининг спорт аренасидан турли мақсадларда фойдаланилади. Унда ҳоккей ўйинлари, гимнастика ва бокс бўйича мусобақалар, ўқув-машғулоти ёки сунъий муз устида фигурали ўқиш демонстрациялари ўтказилади. Боксларга томошабинлар учун йиғма ўриндиқлар ўрнатилиши билан томошабинлар сифимини 17500 кишига етказиш мумкин.

Зал спортчилар ва томошабинлар учун барча турдаги замонавий жихозлар билан таъминланган. Трибуналарнинг тўлиши ва эвакуацияси биринчи қаватда залини ўраб турувчи вестибюл, иккинчи қаватда кулуарлар ёрдамида амалга оширилади. Трибуналарда суянчиқли, ёндошсиз ўриндиқлар ўрнатилади. Ўриндиқнинг бир томошабин учун эни 40 см, кўндаланг ўтиш йўлаклари орасидаги масофа 35-50 см гача. Йўлаклар орасидаги секцияларда 800 дан 1150 нафаргача томошабин жойлашади. Эни 1,5 м бўлган эвакуация люкларига (ҳар 650 кишига) эвакуацион ўтиш йўлагининг 1 бўйлама метри тўғри келади. Залнинг баландлиги 18 метр, қурилиш ҳажми 248000 м³. Бино конструкцияси одатда каркас, 6х6м конструктив панжарасимон, йиғма темир-бетондан ташкил топади. Залнинг ёппа оралиғи 78 м бўлиб, металл фермалар асосида бажарилади.


Ёпиқ спорт сув бассейнлари

Ёпиқ бинодан мақсад йил давомида сув спорти машқлари ва уларни намойиш қилиш ишларини олиб боришдир. Бунинг учун сув ҳавзаси биноларининг томларида дарчалар очиш, баъзи ҳолларда эса томни тўлиқ очиш назарда тутилади.

Ёпиқ спорт сув бассейнларида жойлашадиган **асосий хоналар гуруҳига** қуйидагилар киради:

- спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари (улар умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин), вестибюл, гардероблар, ҳожатхоналар;
- сузиш учун мўлжалланган ҳовузли зал;
- спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналари — «қуруқ сузиш» машғулотларини ўтказиш зали, кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона ва массаж хоналари, тиббий хона, анжомлар, иситкич-қуритгич, йўл-йўриқ бериш хонаси, услубий ва бошқалар;
- томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари — кулуарлар, буфетлар, киосклар, ҳожатхоналар;
- маъмурий-хўжалик хоналари - директор хонаси, хўжалик бўлими, ўқув бўлими, рўйхат бўлими, кассалар ва бошқалар;
- ёрдамчи қўшимча хоналар — филтрлар, хлоратор, дезинфекция хоналари, лаборатория, устахона, омборхоналар ва бошқалардан иборат.


Спорт сув бассейнларини лойиҳалашда сузишга чиққан, спорт кийимидаги спортчиларга алоҳида йўлаклар эътиборда тутилиши зарур.




1. Сувага сакрани бассейнининг тарки ва қирқими




2. Сувага сакрани бассейнининг тарки ва қирқими




3. Сувага 1 ва 3 м ли трамздан ва 5, 7, 5 м ли баландликдан сакрани мосламаси




4. Бассейндин чиқари зинаси



5. Сувага сакрани муру старт тумбаси




6. Бассейн ечи ниш хоналарни режалатирани усмлари
А. Қуриқланадиган гардероб билан
Б. Индивидуал ечиниш-қийиниш кабиналари билан
Д. Эркак ва аёллар учун ечиниш-қийиниш жойлари
Е. Индивидуал кабиналар (қуриқ-ланадиган гардероб-лар ижтисоди)



7. «Қўтиқ тоғора» микли маси-нинг детали

8. Бассейн тубининг ёритиш схемаси



93-расм. Спорт бассейнларининг тархлари.

Спортчиларнинг бассейнли залгача ҳаракатланиш кетма-кетлиги: вестибюл ва гардероб, рўйхат бўлими, кийим алмаштириш, ўқув-машғулоти зали (куруқ сузиш), залга кираверишдаги душ мосламалари, бассейнли зал. Залдан чиқиш кетма-кетлиги тескари тартибда амалга оширилади.

Мамлакатимиздаги спорт сув ҳовузларини лойиҳалаш ва қуриш амалиётида ўқув-машғулоти ишлари ва мусобақалар ўтказиладиган турдаги сув бассейнлари кенг тарқалган. Бу турдаги биноларнинг кириш қисми одатда қисқа, ён томонда жойлашади.

Кириш қисмининг бундай лойиҳаланиши залнинг бўйлама узунлиги бўйича хизмат кўрсатувчи хоналарни оқилона жойлаштириш имконини бериб, аёллар ва эркекларнинг икки алоҳида йўналишда ҳаракатланишига эришилади. Бу композициявий усул, албатта шаҳар қурилиши талабларига ва қўшимча хоналарни жойлаштириш шартларига боғлиқ ҳолда фронтал ёки бошқа режавий композицияларини инкор этмайди.

Қурилиш харажатларини камайтириш мақсадида спорт сув бассейнларини алоҳида биноларда ёки бошқа бинолар (масалан, ҳаммомлар, олий ўқув юртлари, мактаблар ва бошқалар) ичкарасида ҳам жойлаштириш мумкин.


Бассейн залида жойлашган сузиш ва бошқа сув ўйинлари учун мўлжалланган бассейн ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядросини ташкил қилади.

Бассейн турли **мосламалар** билан жиҳозланади: старт тумбалари, трамплинлар, турли баландликлардан сакраш қурилмалари, сувга тушиш-чиқиш зинапоялари, сузиш йўлкасини кўрсатувчи чўкмайдиган чегара мосламалари, турли белгилар ва бошқалар. Спорт бассейнлари бир неча турларга бўлинади.

Қуйидаги жадвалда қурилиш ва лойиҳалаш амалиётида қўлланилаётган сув **бассейнларининг турлари ва асосий ўлчамлари** кўрсатилган.

Сув ҳавзалари ўлчамлари

Бассейн ҳовузларининг ички ўлчамлари	Бассейн турлари		Сузиш йўлкаларининг сони	Чуқурлик, м	
	Ўқув-машғулоти бассейнлари	Спорт-машғулоти бассейнлари		Саёз жойда	Баландликдан сакраш мосламаси остидаги чуқурлик
20x10	Ўқув	—	4	1,1	1,8
25x10	Кичик	—	4	1,1	3,5-4,5
25x12,5		—	5	1,1	3,5-4,5
25x15		—	6	1,1	3,5-4,5
50x10	Катта	катта	4	1,1	3,5
50x12,5			5	1,1	4,5-3,5
50x15			6	1,1	4,5-3,5
50x20			8	1,8-2	5-4,5



94-расм. Спорт заллари хоналарининг функционал боғланиши:

1-томошабинлар учун вестибюль; 2-фойе; 3-буфет; 4-ҳожатхоналар; 5-спорт арена; 6-томошабинлар учун трибуна; 7-спортчилар учун вестибюль; 8-фойе; 9-ечиниш хоналари, душ; 10-массажхоналар; 11-шифокор хонаси; 12-инструктор хонаси; 13-спорт анжомлари сақлаш хонаси

Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади: томошабинлар учун хоналар; спортчилар учун хоналар; ҳакамлар ва тренер-мураббийлар учун хоналар; радио-телешарҳловчилар ва матбуот хоналари; маъмурий-хўжалик хоналари.

Спорт иншоотларини томошабинлар трибуналари билан лойиҳалашда томошабинлар ва спортчиларнинг ҳаракатланиш йўлаклари ҳамда зоналарнинг алоҳида бўлиши қатъий талаб этилади.

Томошабинлар учун мўлжалланган хоналарга вестибюллар, гардероб, коридорлар, фойе, буфетлар, чиқиш жойлари, чипта сотиш кассалари ва фахрий ташриф буюрувчилар учун махсус хоналар киради.

Спортчилар учун хоналар гуруҳи қуйидагича: вестибюль гардероби билан, кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона, массаж хонаси, қуруқ-иссиқ ҳаммом, тиббий хона, услубиёт хонаси, буфетлар, дам олиш хонаси ва спортчиларни аренага чиқиш олдидан йиғиш хоналари. Санаб ўтилган барча хоналарни бир ерга гуруҳлаштириш ва бошқа хоналардан ажратиш ҳамда арена билан алоқани қулайлаштириш мақсадга мувофиқ. Душ хоналари умумий ёки алоҳида бўлимлардан иборат бўлади. Кўп ҳолларда душ хоналарида чегараловчи деворларни қўллаш яхши натижалар беради.

Тиббийхона энг камида қабулхона, ечиниш ва шифокор хонасидан иборат бўлиб, замонавий иншоотларда махсус жиҳозланган муолажа хоналари ҳам лойиҳаланади. Бундай хоналар спортчиларнинг кириш жойларига яқин жойлашиши ва спорт аренасидан ёки бассейндан қулайлик билан келиш имкони бўлиши зарур.

Ҳакамлар учун хоналар - зал таркибида ҳакамлар ҳайъати учун, бош ҳакам хонаси, котибият, фотолаборатория хоналари, кийим алмаштириш, душ ва ҳожатхоналар. Бу хоналар мусобақа ўтказилаётган жой ва финиш зонаси ҳамда ҳакамлар ўринлари билан қулай боғланган бўлиши зарур.

Радио-теледидарчиларнинг хоналар гуруҳи асосан трибуналарнинг охириги қаторларидан сўнг ёки қаторлар узилган оралиқларда, икки қаватли трибуналарнинг қават оралиқларида жойлашади. Бутун спорт аренаси ва бассейн ҳовузи яққол кўринадиган жойдаги махсус кабиналардан ташқари, бу гуруҳга матбуот маркази хоналари ҳам киради. Матбуот марказида амалиёт зали, шаҳарлараро телефонда гаплашиш тармоғи ва телеграф, овоз ёзиш ускуналари, хизматчилар хонаси, матбуотлар ва конференс-зал жойлашади.

3.5. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ БИНОЛАРИ

Ёпиқ бозорлар

Ёпиқ бозорлар шаҳар аҳамиятига ва шаҳардаги туман аҳамиятига эга бўлади-сиғими жиҳатидан улар катта сиғимли (500 савдо ўрни ва ундан ортиқ), ўрта ва кичик сиғимли (савдо ўринлари 500 та гача) бозорларга бўлинади.

Ёпиқ бозорлар ҳажмий-режавий тузилишига кўра бир залли (кичик сиғимли), павильон туридаги, икки-уч залли (ўртача ва катта сиғимли) павильон кўринишидаги (турли сиғимли) бозор турларига бўлинади.

Ёпиқ бозорлар ўзининг ҳажмий-фазовий композициялари, умумий ўлчамлари, шунингдек, алоҳида қисмларининг ўлчам ва пропорциялари билан бошқа маъмурий-маиший мақсадлардаги бинолардан сезиларли даражада ажралиб туради.

Ёпиқ бозорлар ўз хусусиятига эга бўлиб, шаҳарсозлик масалаларини ечишда уларга ташриф буюрувчи кўп сонли харидорларни ва катта миқдордаги юк оқимини эътиборда тутишни талаб этади. Биринчи омил - бозорга кириш ва чиқишни ташкил этишни талаб этса, иккинчи омил — товар-маҳсулотларни етказиб келиш мақсадида автотранспорт йўллари яратишдир. Шу сабабли бу биноларнинг ўзига хос талабларини инобатга олган ҳолда, яъни, ёпиқ бозорларнинг аҳолини озиқ-овқатлар, биринчи навбатда тез бузиладиган маҳсулотлар билан таъминлашда истеъмолчига яқин бўлиши заруратидан келиб чиқиб, уларни аҳолига хизмат кўрсатиши яқин бўлган шаҳар туманларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Ката шаҳарларда ёпиқ



95-расм. Навоий вилояти Қизилтепа туманида қуришга мўлжалланган Тошробод бозорининг лойиҳаси. СамДАҚИ талабаси Фарҳод Қурбоновнинг диплом иши



96-расм. Тошкент шаҳридаги Бектемир бозорининг умумий кўриниши

бозорларнинг хизмат кўрсатиш радиуси ўртача 1-1,5 км, кичик шаҳарларда эса 1,5—2 км дан ошмаслиги керак.

Санитария талабларига кўра ёпиқ бозорлар ифлосланиш, чангланиш манбаларидан ва чиқиндиларни зарарлантириш жойларидан камида 1,5 км ўзидан чанг ҳамда кучли ҳид ажратувчи омборхона ва саноат корхоналаридан камида 500 м узоқликда бўлиши зарур.

Ёпиқ бозорлар катта ҳажмли бинолар бўлганлиги сабабли, уларнинг лойиҳаланиши ва жойлаштирилиши, шаҳардаги бошқа бинолар билан уйғунлашган архитектуравий ансамбл тарзида яратилиши керак.



97-расм. Тошкент шаҳридаги Бектемир бозорининг бош дарвозаси

Ёпиқ бозор учун ажратилган ер майдонини лойиҳалашда харидорлар учун қулайлик яратиш ва уларнинг автомобиллари туриш жойларини белгилаш мақсадида бозор олди майдонларининг ташкил этилиши, шунингдек, бозор биноси, ёзги-кузги савдо майдонлари ва хўжалик, автотранспорт туриш жойларидан кириш қулай бўлган очик омбор майдонлари назарда тутилади.

Бир объект учун ер майдонининг ҳажми 1,5 га, шаҳар туманларида эса бозор қурилиши учун 0,5 га ер майдони ажратилади.

Бозор хоналари ва бўлимлари, асосий элементларининг технологияси ва тавсифи. Ёпиқ бозорлардаги савдо залини режалаштириш, одатда, савдо ўринларининг ўлчамларидан келиб чиқади. Савдо ўринлари очик расталар кўринишида бўлиб, савдо залининг марказида, алоҳида-алоҳида “оролчалар” ёки қаторлар кўринишида жойлашади. Очик расталарни залда бўйлама ва кўндаланг жойлаштириш усуллари ишлаб чиқилган. Таҳлил натижаларига кўра биринчи усул ўзининг ижобий иқтисодий жиҳатлари билан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бир марталик сотиш ўринларини «оролчалар» кўринишида жойташтириш максимал сиғим нуқтайи назаридан фойдали бўлиб, иккинчи томондан савдо-сотиқ ишларини бажариш имконини беради.



98-расм. Голландиянинг Роттердам шаҳридаги деҳқон бозори.

Стационар, яъни муқим жойлашган сотиш ўринлари давлат, кооперативлар ва жамоа хўжаликлари учун мўлжалланган бўлиб, бир марталик савдо ўринларига нисбатан яхшироқ жиҳозланган савдо чодирлари кўринишига эга. Улар маҳсулотлар билан қулай таъминланиши, шунингдек, омборхона, санитария-назорат шахобчаларига яқин боғланишда бўлиши ва сотувчининг ишлаши учун қулай ҳамда сотувга қўйилган маҳсулотларнинг тўлиқ кўриниши шартларига жавоб бериши керак.

Стационар савдо ўринларини жойлаштириш усуллари таққослаш натижасида узунасига деворлар билан ўраш усули, кўп залли бозорларда эса деворлар ёрдамида бир-биридан ажратилган савдо заллари ижобий жиҳатларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Савдо-сотиқ ўринларини гуруҳлаш талаблари асосида, турли хил маҳсулотлар учун мумкин бўлган «маҳсулот қўшничилиги» таъминланади. Санитария талабларига асосан турли хилдаги озиқ-овқат (масалан: гўшт, сут, балиқ, сабзавот ва мевалар) маҳсулотларини фақатгина махсус расталарда ёки

алоҳида жиҳозланган хоналарда сотишга рухсат этилади. Савдо ўринларини гуруҳлаш, сифатига қараб таққослаш кўп жиҳатдан ёпиқ бозорнинг ҳудудий жойлашган ўрнига боғлиқ. Масалан: бозорларда сабзавот ва мевалар билан савдо қилиш учун умумий савдо залининг 53%; гўшт маҳсулотлари учун 31% сут ва сут маҳсулотлари учун 16% ажратилди. Италиядаги меъёрлар эса қуйидагича: сабзавот ва мевалар билан савдо қилиш учун умумий савдо-сотик хоналарининг 65%; гўшт ва балиқ маҳсулотлари учун 20%; сут ва сут маҳсулотлари учун 15% ажратилади.

Омборхоналар ва совуқхоналарни жойлаштириш бўйича бир неча усуллар мавжуд: уларни алоҳида кўрилган биноларнинг биринчи қаватларида ва ертўлаларда жойлаштириш тавсия этилади. Омборлар ва совиткичларни ертўлаларда жойташтириш усули нисбатан ижобий ҳисобланиб, майдонлар ва конструкциялардан унумли фойдаланишдан ташқари, пандус мосламаларининг қулай юкланиши, автомашиналар ва электрокараларнинг ҳаракатланиши ҳамда омборлардаги маҳсулотларни савдо-сотик жойларига етказиш ишларини енгиллаштиради.

Ёпиқ бозорлар бир, икки ёки уч қаватли бўлиши мумкин. Бундай бозорларда вертикал транспортлар, лифтлар ва зинапояларни тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Тахминан, 2000 м² юзага эга бўлган зал майдонлари учун икки лифт, 4000 м² зал майдонлари учун тўрт лифт талаб этилади. Савдо расталарининг икки қаватда жойлашиши, вертикал транспортларнинг ишлаш унумдорлигини оширади.

Ёпиқ бозорларнинг ҳажмий-режавий тузилишини икки гуруҳга бўлиш мумкин: катта (яхлит) оралиқли кенг муҳитли бир залли бозорлар ва кўп оралиқли катта ва икки ва уч залли бозорлар.

Бозор биноларининг ҳажмий-режавий тузилиши, конструкцияси, бино қаватлари, ҳарорат-намлик режими табиий-иқлим шароитларга, шамоллатиш тизимига, табиий ёритилганлик ва савдо заллари интерьерининг характерларига боғлиқ.

Ёпиқ бозорларни барпо этишда уларнинг қаватлари сонини аниқлаб олиш долзарб масаладир. Катта ва ўртача катталиқдаги шаҳарларнинг бозорлар икки қаватли бўлгани маъқул (антросолли қавати билан).

Ёпиқ бозорларга қуйиладиган асосий санитар-техник талаблар, уларда махсус ҳарорат-намлик режимини (мўтадилликни) сақлаш мажбуриятидан келиб чиқади (қишдаги ҳарорат 5°C, ёзда 15-20°C, намлик 30-60 %). Шу сабабли ёпиқ бозорларда қулай бошқариладиган иситиш тизимлари ва аэрацияни яратишда ишончли ҳамда тежамкор шамоллатиш мосламаларини қўллаш зарур.

Савдо залининг архитектуравий интерьерини яратишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- бозор биноларидаги савдо залларида маҳсулотларнинг кенг ва тўсиқсиз кўринишини таъминлаш мақсадида тиргаксиз ва устунсиз ёпмаларни қўллаш мақсадга мувофиқ;

- девор юзалари, ораёпмалар, витражлар ва пол юзалари силлиқ ва узок вақтга чидамли ҳамда тозалаш қулай бўлиши (сув босими остида ювишга

мўлжалланган), шунингдек, савдо жиҳозлари (расталар, стендлар ва бошқалар) сув ва ҳаво ўтказмайдиган ва қулай тозаланадиган силлиқ қопламаларга эга бўлиши керак;

- савдо залининг интеръеридаги ранглар маҳсулотлар рангини нейтраллаштирмай, балки табиий рангларни яққол кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши - харидорнинг сотилаётган маҳсулотларни ажрата ва танлай билиши лозим.

Савдо марказлари

Ҳозирги вақтда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш савдо корхоналари билан бир қаторда барча хизматларни бир жойда мужассамлаштирган бинолар комплекслари - савдо марказлари катта рол ўйнамоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолига қатор қулайликларни туғдирибгина қолмай, савдо ва маданий-маиший корхоналар ишларини ташкилий жиҳатдан яхшилашга имкон беради.

Сўнгги вақтларда савдо марказлари тармоғининг «поғонали» тизими кенг тарқалмоқда:

- 1-поғона –кооперацияланган алоҳида бинода ёки меҳмонхона туридаги биноларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида жойлашган савдо марказлари. Улар аҳолиси 1,5-2 минг яшовчиси бўлган турар жой бинолари гуруҳларига биринчи навбатда зарурий бўлган маҳсулотларни этказиб беради. Бундай кичик савдо марказлари 150 м хизмат кўрсатиш радиусига эга бўлиб, бирламчи хизмат кўрсатиш пункти деб аталади.

- 2-поғона - кооперацияланган савдо маркази. Аҳолиси 5-8 минг кишилик микрорайонга 400 м хизмат кўрсатиш радиусида жойлашади;

- 3-поғона - туман савдо маркази. Аҳолиси 30-50 минг бўлган турар жой ҳудудига хизмат кўрсатади. Хизмат кўрсатиш радиуси 750-1000 м атрофида;

- 4-поғона - шаҳар аҳамиятидаги савдо маркази. Шаҳарнинг катта туманига ёки шаҳарга хизмат кўрса тувчи савдо маркази.

Шундай қилиб, савдо марказлари сиғими ва белгиланиш мақсадига кўра асосий - шаҳарнинг катта турар жой массивига ёки шаҳарга хизмат кўрсатувчи ва иккинчи даражали — турар жой ёки микрорайонларининг савдо марказлари турларига бўлинади.

Янгидан қурилаётган шаҳар туманида кооперацияланган савдо марказини, ҳажмий-режавий таркибини ва бир-бири билан технологик боғланган умумий корхоналар мажмуасини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи навбатда зарурий бўлган маҳсулотларга , масалан, нон, гўшт, балиқ, сут ва сут маҳсулотлари, кандолат, шахсий гигиена предметлари, кондитер ҳамда тамаки маҳсулотлари киради. Асосан, улар тез бузиладиган маҳсулотлар бўлиб, барча савдо марказлари учун характерли ҳисобланади.

Микрорайон савдо марказлари тартибига нон, сут, гўшт, балиқ, сабзавот, мевалар, қаридолат, гастрономия; спорт буюмлари, майда хўжалик, девонхона канцелярия), атторлик (галантерия), шунингдек, ошхона, кафе ёки умумий турдаги тамаддихоналар, маиший устахоналарнинг қабул шахобчалари, сартарошхоналар ва алоқа бўлимлари киради.

Турар-жой ҳудудининг савдо марказлари тизимига: махсулаштирилган кийим-кечак, пояфзал, галантерия, доимий ва даврий талабдаги хўжалик моллари; ошхоналар, кафе, тамаддихоналар; маиший хизмат корхоналари ва ательелар, почта, жамғарма банклар, сартарошхоналар киради.

Шаҳар савдо марказларига қуйидагилар хизмат кўрсатади. Корхоналар (даврий талабга эга бўлган саноат ва озиқ овқат маҳсулотлари тўлиқ ассортиментлари билан) махсулаштирилган тамаддихоналар ва кафелар, маиший хизмат корхоналари, ательелар, йирик алоқа бўлимлари. жамғарма банклар, сартарошхоналар, гўзаллик салонлари ва бошқалар.

Баъзан савдо марказлари тизимига конкрет шароитларга кўра ёпиқ бозорлар, гаражлар ва меҳмонхоналар ҳам киради.

Корхоналарни жойлаштиришда уларнинг мақсадли белгиланиши ва технологик хусусиятлари инобатга олинади. Масалан, тез-тез ташриф буюриладиган озиқ-овқат дўкони, почта, дорихона ва бошқаларни бинонинг биринчи қаватида, майдон ёки кўчаларга яқин ерда жойлаштирилади.

Кафе ёки ресторанлар маданий-томошабоп бинолар яқинида, яшил майдонлар мавжуд бўлган жойларда лойиҳаланади. Бунда уларда терассага ёки ички ҳовлига чиқиш имкони бўлиб, ёз ойларида улардан очик заллар кўринишида фойдаланиш мумкин. Маиший хизмат кўрсатиш корхонасини иккинчи қаватга жойлаштириш мумкин. Буюртмаларни қабул қилиш, уйга елтиб бериш, болалар хоналарини биринчи қаватнинг марказий қисмига жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ернинг устки қисмидаги қаватларда савдо ва операцион заллар, ер остидаги қаватларда эса омборлар ва хизмат кўрсатувчи хоналарнинг катта қисми жойлашади. Барча турдаги корхоналар, савдо марказлари учун режавий ва конструктив ечимлар унификациялаштирилади.


Умумий овқатланиш муассасалари


Умумий овқатланиш муассасалари халқ хўжалигининг энг йирик соҳаларидан бин бўлиб, савдо-сотик ва хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамиятга эга Маълумки, умумий овқатланиш муассасаларида юқори савиясга ташкил этилган иш инсон меҳнатини юқори даражада тежашга олиб келади ва аҳолига қулайликлар яратади, кўплаб кишиларни эса уй меҳнатидан халос қилишга олиб келади.

Умумий овқатланиш муассасалари дам олишни ташкил қилишга шароит яратиб беради. Бу эса - ягона дам олиш, олиавий тадбирлар, дўстлар билан учрашувлар ва бошқалар. Бу ерда турли-туман ҳордиқ чиқарувчи (мусика, ракс, эстрада) томошалар, юқори савияда (комфорт) хизмаи кўрсатиш, янада турли-туман ва сифатли таомлар ассортименти, санитария-гигиена шароитини ҳамда ошпазлик маҳоратини ҳисобга олиши керак.

Йилдан-йилга шаҳар марказларида бўш жойларнинг танқислиги туфайли хизмат кўрсатиш объектларини, булар қаторида умумий овқатланиш муассасаларини жойлаштириш муаммо бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд

Умумий овқатланиш тармоқлари фақат умумшаҳар тизимига хизмат кўрсатиш билан чегараланиб қолмайди. Унинг ривожланиш чегараси ҳудудлараро ва шаҳар чекка ҳудудларини ҳам қамраб олади.





100-расм.

Умумий овқатланиш муассасаларининг архитектураси жуда ҳам хилма-хилдир. Булар баланд меҳмонхоналар таркибига киритилган блоклар, алоҳида қурилган, замонавий архитектуравий кўринишга эга бўлган, миллий руҳдаги жозибали объектлар бўлиб, улар ҳатто кўприклар остига ва телеминоралар каби турли жойларга қурилган. Бундай биноларнинг бир неча ўнлаб йилларга хизмат кўрсатишини ҳисобга олсак, уларнинг архитектуравий, ҳажмий-фазовий ечимларининг мукаммал бўлишига эришиш лозим.

Умумий овқатланиш тармоғининг ривожланиш режаси ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд бўлган ошхона, кафе, ресторан, чойхона ва бошқаларни аҳолининг талаби ва уларни таъминлай олишдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Умумий овқатланиш муассасалари тармоқлари ҳажмининг кенгайиши шаҳарсозликдаги замонавий анъаналар асосида ривожланиб бориши лозим. Бу нарс аҳолининг ишлаб чиқариш ва иш фаолиятининг ҳаракати билан, унинг турмуш даражасининг ўсиши ҳамда аҳоли бўш вақтининг кўпайиши, шунингдек транспорт воситаларининг ривожланиши умумий овқатланиш муассасалари тармоғини энг гавжум жойларда, ўтиш йўллари, транспорт тизими чорраҳаларига яқин жойлаштиришни тақозо этади.

Умумий овқатланиш муассасалари тармоғини ташкил қилиш ва ҳисоблаш учун зарур бўлган омиллардан бири ўша туман, шаҳар аҳолисининг сони, уларнинг турмуш тарзи, оилалар таркиби, касби, шунингдек аҳоли талабини ҳисобга олишдир. Бу омилларни ҳисобга олиш умумий овқатланиш

муассасаларининг тармоқларини ҳисоблашда, унинг таркибини, жойлаштиришни ва сонини аниқлашда ёрдам беради.

Шаҳардаги **умумий овқатланиш муассасаси турларига** ресторанлар (умумий турдаги), яримтайёр маҳсулотлар, кулинария ва кондитер маҳсулотларига эга бўлган ихтисослашган, ресторанлар, кафе-барлар, умумий тарздаги тамаддихоналар, махсуслаштирилган мажмуалар киради. Бу муассасалар шаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кўчаларда, транспорт тўхташ бекатларида, шаҳар савдо-сотиқ мажмуа марказларида ҳамда шаҳар ва унинг атрофидаги маданий дам олиш масканларида ҳамда бошқа жойларда бўлиши мумкин.


Ҳозирги вақтда **умумий овқатланиш муассасаларининг асосий турлари ўртасидаги нисбат** тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: ресторанлар - 35—40%; кафе-барлар - 35%; ошхоналар - 25-30%; пархез ошхоналар -2-3%.

Аҳолининг умумий овқатланиш муассасаларига бўлган талабини қондиришдаги асосий омиллардан бири-бу муассасаларнинг рентабеллигини таъминлаш ва керакли жойга жойлаштиришдан иборат.

Муассасаларни жойлаштиришда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур: муассасанинг жойи истеъмолчига яқин бўлиб, аҳолининг серкатнов ерига қурилиши ижобий натижа беради; хўранда овқат олишга қисқа вақт сарфлаши зарур; таомларнинг сифати ва ассортименти талаб даражасида бўлиши керак.

Кейинги йилларда умумшаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи овқатланиш муассасалари мажмуасини яратиш одат тусига кириб бормоқда. Масалан, Тошкент марказидаги «Зарафшон» умумий овқатланиш мажмуасини олиб қарасак, унинг таркибида биринчи хилдаги хизмат кўрсатувчи кафелар, ресторан, барлар, кафетерий, қандолатчилик дўконлари, тантаналар учун бир нечта заллар ва бошқалар мавжуд. Булар учун албатта йирик шаҳарларда алоҳида ажратилган жой бўлишини тақозо қилади, қолаверса шаҳар тизими ва унинг архитектуравий режалаштириш ишига ўзгартиришлар киритади. Бу каби объектларни қуришда атроф-муҳит ва транспортлар туриш турар жойини яратиш билан биргаликда аҳолининг ушбу масканга келиб-кетиш масаласини ҳам ҳал қилиш лозим бўлади. Йирик шаҳарларда ресторанлар меҳмонхоналар таркибида бўлганида 150, 200, 300, 500, 700, 800 ва 1000 ўринлик, кафеларни эса, 50, 100, ва 300 ўринлик, буфетларни - 20, 30, 40, 50, 80 ва 100 ўрингача бўлгани маъқул (ҚМҚ-96, ШНҚ-2001).

Умумий овқатланиш муассасаларини махсус ихтисослашганлигига қараб, умумий турга, ихтисослашган турга ва мажмуаларга ажратиш мумкин. **Умумий турдаги муассасалар** - ошхоналар, чойхоналар, ресторанлар, кўплаб ассортиментга эга бўлган кафелар катта доирадаги кўплаб хўрандаларга хизмат қилади.



101-расм. Умумий овқатланиш муассасаларининг композициявий жойлаштириш схемаси.

Ихтисослашган турларга ресторанлар, кафе ва барлар киритилган бўлиб, булар асосан бир турдаги маҳсулот чиқарувчилардир. Булар миллий таомлар тайёрловчи ошхонага эга бўлган ресторанлар, музкаймоқ-кафе, сутли кафелар, газакхона-кабоб билан савдо қилувчилардир.

Мажмуалар - универсал турдаги бир неча муассасаларни бирлаштирувчи турли турдаги муассасаларни бир бинога жойлашуви, маҳсулотларни марказлашган ҳолда бошқариш ва сақлашга ихтисослашган.

Ошхоналар — энг кўп тарқалган умумий овқатланиш муассасаси ҳисобланади. Бу ерда омманинг талабини ҳисобга олган ҳолда нонушта, тушлик ва кечки таомлар тайёрланади ҳамда тарқатилади. Ошхонанинг ассортиментида иссиқ ва совуқ таомлар, иссиқ ва совуқ шарбат, ичимликлар, нон-булка маҳсулотлари, кондитерлик ва сут маҳсулотлари мавжуддир. Ошхоналар асосан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлайди.

Ошхоналарнинг сифими қуйидагича бўлиши мумкин: 50 ўринлик, 100, 150, 200, 250, 300, 400 ва 500 ўринлик. Дам олиш масканларида, санаторияларда эса 500, 700 ва 1000 ўринлик (ёзги мавсумни қўшган ҳолда) бўлиши мумкин.

Ресторан — умумий овқатланиш муассасалари ичида энг юқори талаблар қўйилган тури бўлиб, аҳолини кундузи ва кечкурун турли-туман ассортиментга эга бўлган иссиқ ва совуқ таомлар, ичимликлар билан хизмат кўрсатади, айрим ҳолларда эса хўранданинг талаби бўйича таом тайёрлаб беради. Ресторан залларида жуда юқори қулайликка эга бўлган шароит мавжуд бўлиб, хўрандаларни маданий ҳордиқ чиқариш, маиший дам олиши учун таомлар юқори талаб даражасида тайёрланиб, мусиқа ва эстрада чиқишлари, ўйинлар ва бошқалар ташкил этилади. Булардан ташқари ресторан ишининг хизматида алоҳида учрашувлар, оилавий тантаналар, банкетлар, тўйлар ва бошқача тадбирлар ўтказиш ҳам кўзда тутилади.

Кундуз кунлари аҳолига тезкор хизмат кўрсатишига кўра биринчи ва иккинчи даражалик ресторанлар худди ошхонага ўхшаб ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлаши мумкин. Ресторанларнинг сифими одатда 100, 150, 200, 250, 300, ва 500 ўринга мўлжалланган бўлади. Ресторанларда юқори даражадаги комфорт яратиш учун интерьерларнинг замонавий архитектуравий-бадий ечимини, замонавий техник таъминланганлиги ҳамда энг илғор усулда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобига эришилади.

Кафелар – хўрандаларага тайёрланиши оддийроқ бўлган иссиқ ва совуқ таомларни таклиф қилиш билан хизмат кўрсатади. Ўзининг маҳсулот турига, ассортиментида қараб ва хўрандаларнинг сонига кўра кафелар ихтисослашган бўлади: кондитерлик маҳсулотлари кафеси, музқаймоқ кафеси, сутли-кафе, болалар кафеси ва бошқалар.

Булардан ташқари энг кўп тарқалган кафетерий турларидан бири — газакхона (бар) лар бўлиб, аҳолига қисқартирилган ассортиментга эга бўлган, совуқ салқин ва иссиқ газаклар, бутербродлар, ичимликлар, шунингдек, омманинг талабига кўра иссиқ сосискалар, чучваралар, қайнатма маҳсулотлар билан хизмат кўрсатади.

Чойхоналар - асосан икки хилга бўлинади. Биринчиси аҳоли яшаш жойларида, кўча бўйларида маҳалла, мавзе ва қишлоқ жойларида бўлиб, туб аҳолининг ҳордиқ чиқариш маскани тарзида қаралади. Иккинчиси эса, туманларда, савдо марказларида ва бозорларда, стадион ва аҳоли жуда гавжум жойларда бўлиб кундалик ошхона вазифасини бажаради. Биринчиси, асосан,

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва тайёр маҳсулотдан таом тайёрласа, иккинчиси официант орқали хўрандага хизмат кўрсатади.

Умумий овқатланиш муассасаларининг яна бир тури — бу пиво бари бўлиб, жуда ҳам чегараланган газакларни аҳолига таклиф қилувчи, асосан фақат пиво билан савдо қилувчи шаҳобча ҳисобланади. Вино сотувчи барлар ҳам шу каби чегараланган маҳсулот билан аҳолига хизмат кўрсатади ва ҳ.к.

Архитектуравий-режавий ечими. Умумий овқатланиш муассасалари архитектурасининг алоҳида хусусиятга эгалиги шундаки, худди бошқа жамоат бинолари каби ниҳоятда ихтисослашганлиги, эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Шунинг учун булар алоҳида бинолар туркумлари ва шаҳар ансамбллари ташкил қилишда ва савдо марказларини шаклланишида фаол иштирок этади.

Уларнинг композициясини яратишда савдо ва ёрдамчи хоналарнинг ўзаро уйғунлашганлиги ва бинонинг қаватма-қават жойлашиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга асосий хоналарнинг ва барча унинг таркибидаги хоналарнинг ўз ўрнига қараб жойлашиши, неча қаватлиги режанинг қайси кўринишдалиги албатта муҳимдир.

Муассасанинг архитектураси, унинг қаерда ва қандай муҳитда жойлашганлигидан, меҳмонхонадами, савдо марказидами, паркдами ёки курорт мажмуасида жойлашганлигидан келиб чиқади.

Алоҳида жойлашган умумий овқатланиш муассасаларини лойиҳалаш ва қурилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, барча ушбу турдаги **биноларнинг ҳажмий-режавий ечими**, одатда, қуйидагича бўлади: марказлашган, бўйламасига жойлашган, зал бино олдида, заллар тарқоқ ҳолда ёки Т-шаклида.

Марказлашган тарзда режалаштирилган схемада, одатда, бино режаси квадрат ёки унга яқин ёки доира шаклида бўлиб, хизмат хоналари бинонинг ўртасида жойлашган, овқатланиш хоналари эса ишлаб чиқариш хоналари атрофига жойлашган бўлади.

Марказий тарзда жойлашган шаклдаги бинолар муассасага катта иқтисодий самара келтиради, булар, одатда, 200 ва ундан кўпроқ ўринли бўлади.

Бўйламасига жойлашган турдаги бинони шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин, биринчисида савдо қилувчи хоналар, иккинчи қисмида эса ишлаб чиқариш, идора хоналари ва омборхоналар ҳамда техник ёрдармчи хоналар бўлади.

Бундай тарздаги биноларнинг хусусиятларидан бири шундаки, бинонинг бутун бўйламасига тўғри тўртбурчак шаклидаги савдо заллари жойлашган бўлиб, ўшанга хос бўлган технологик жараённи ташкил этади. Бунинг яхши томонларидан яна бири шундаки, барча хоналар, заллар табиий равишда яхши ёритилади.

Зал бино олида жойлашган турдагиларида, одатда, савдо қилмайдиган хоналар залнинг орқа қисмига жойлашади, бунда заллар фақат бир (қисқа) томони билан ошхонага бириккан бўлади. Бундай тур, одатда, кичик, яъни 100 ўрингача бўлган муассасаларга хос бўлиб, қурилиш майдони тор бўлган жойларга тўғри келади.

Бурчакда жойлашган турдаги муассасаларда ошхона ва унинг икки томонига савдо зали қулай жойлашади. Бундай жойлашув бинода 200 хўрандага бемалол хизмат кўрсатиши мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган усулдаги жойлашув композициялари бир қаватлик ёки кўп қаватлик умумий овқатланиш муассасаларига хосдир. Умумий овқатланиш муассасаларини лойиҳалашда қўйиладиган талаблардан энг муҳими, барча хоналар овқатланиш заллари, хизмат кўрсатиш хоналари, иссиқ ёки совуқ цехлар, идиш-товоқ ювиш хоналари ҳам бир хил текисликда жойлашган бўлиши лозим.

Савдо овқатланиш хоналарининг энг яхши режалаштирилгани - бу квадрат типидегисидир. Бундай залда хўрандаларга хизмат кўрсатиш масофаси 30 м, ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи ошхоналарда эса 50 м бўлади.

Меҳмонхоналар

Меҳмонхона бинолари одамларнинг қисқа вақт давомида яшашлари ва уларга маданий-маиший талаб асосида хизмат кўрсатиш мақсадларида қурилади. Шундай иншоотлар барча турдаги зарурий коммунал қулайликлар (сув, канализация, иситиш қурилмалари ва ҳ.к.) билан жиҳозланган ва замонавий талабларга асосланган хизмат кўрсатиш комплекси билан таъминланган бўлиши зарур.

Меҳмонхоналар белгиланган вазифасига ва фойдаланиш характериға кўра қуйидаги типларга бўлинади: умумий типдаги, оромгоҳ, сайёҳлик, спортчилар учун, вақтинча тўхтаб ўтадиган йўловчилар учун, автотуристлар учун мотеллар ва бошқалар.

Умумий типдаги меҳмонхоналар барча фуқароларни, жумладан, делегацияларни, меҳмонларни, хизмат сафаридагиларни, спортчи-туристларни ва бошқаларнинг эҳтиёжини қондириши лозим. Шунинг учун меҳмонхоналар турли категорияларга ва турли хоналар тизимиға эга бўлиши мумкин.

Оромгоҳлар меҳмонхоналари табиатнинг табиий, чиройли гўшаларида, денгиз, дарё, тоғлар, қўллар ёки ўрмонзорлар яқинида қурилади.

Туристтик меҳмонхоналар турист гуруҳларини жойлаштириш ва сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади. Шу сабабли бундай меҳмонхоналар шаҳарларда ёки туристлар севиб саёҳат қиладиган жойларда қурилади.


Вақтинча тўхтаб ўтувчи (транзит) йўловчилар учун меҳмонхоналар у ёки бу транспорт воситасини кутаётган йўловчиларга ҳамда транспорт воситаларига хизмат кўрсатувчи кишилар гуруҳларига мўлжалланади.

Автомобил транспортининг ўсиши натижасида автотуристлар учун меҳмонхоналар (**мотелларнинг**) қурилиши ривожланиб бормоқда. Шаҳар марказида жойлашган меҳмонхоналарга нисбатан транспорт магистраллари ёнида жойлашган мотеллар автомобилчилар учун қулайроқдир.

Мотеллар аксарият ҳолларда кам қаватли бинолар бўлиб, улардаги хоналар бир-биридан ажратилган ва тўғридан-тўғри автомобиллар туриш жойи яқинида қурилади.

Меҳмонхоналар ўзларининг комфортлилиги, сиғими ва техник жиҳозланганлиги, шунингдек, таклиф этиладиган хизмат кўрсатиш турларига қараб Ўзбекистонда ва халқаро майдонда 5 та разрядга бўлинади.

Разрядни аниқлашдаги асосий мезон меҳмонхона хонаси бўлиб, унинг сифати, ўз навбатида, хонанинг комфортлилик даражасига боғлиқ. Комфорт эса хонанинг жиҳозланганлик даражасига, юзасига, ўринлар сонига, мебелга, таъмирланиш даражаси ва бошқаларга кўра аниқланади. Меҳмонхона хоналари бир хонали ва кўп хонали (аппартаментлар, люкс) турларга бўлинади.



103-расм. Меҳмонхона бинолари: Самарқанддаги “Президент Отель” (чапда) ва Тошкентдаги “Шератон” меҳмонхонаси (ўнгда).


Хоналарда биттадан тўрттагача ўрин бўлиши мумкин, беш ва ундан кўп ўринга эга бўлган хоналар умумий яшаш бинолари (ётоқхона) разрядига киради.

Хоналарнинг сантехник жиҳозланиши турлича бўлиши мумкин: тўлиқ (ювиниш жойи, унитаз, ванна, биде) ёки қисқартирилган (ювиниш жойи, унитаз, ванна ёки душ). Янада қисқартирилган тизим ҳам мавжуд: ювиниш жойи ва унитаз ёки битта ювиниш жойи.


Меҳмонхона бинолари, мотеллар ва кемпинглардаги хоналар сони, тури, яшаш майдони ва сантехник жиҳозланиши уларнинг қуйдаги қурилиш разряди жадвалига асосан қабул қилинади.

Меҳмонхона хоналарининг қурилиш разрядига кўра таснифланиши

Хонанинг қурилиш разряди	Хонадаги ўринлар сони	Хоналар ичкарасидаги қўшимча хоналар сони	Хонанинг яшаш майдони, м ²	Хонадаги сантехник жиҳозлар
Олий (люкс)	1 2 2 2	1 1 2 3	12-14 14-20 22-40 50-60	Ванна, ювиниш мосл., унитаз, биде, сочик, қуритиш мосламаси
1-разряд	1 2 2	1 1 2	9-12 12-14 22-25	Ванна, ювиниш мосл., унитаз, биде, сочик, қуритиш мосламаси
2-разряд	1 2 3 2	1 1 1 2	9 12-14 22 25	Душ, ювиниш мосл., унитаз
3-разряд	1 2 3	1 1 1	9 12-14 15-18	Душ, ювиниш мосл., унитаз
4-разряд	1 2 3 3 4	1 1 1 1 1	9 12-14 15-18 18-20 23-24	Душ, ювиниш мосл., унитаз



104-расм. Кам сифимли меҳмонхонани функциясига кўра ташкил этиш схемаси: 1-маъмурият; 2-маъмурият навбатчиси; 3-порте (меҳмохона швейсари); 4-алоқа бўлими; 5-вестибюл; 6-бар; 7-нонушта қилиш учун зал; 8-буфет; 9-тарқатиш жойи; 10-тайёрлаш жойи; 11-хужралар; 12-ёрдамчи хоналар; 13-идора ходимлари хонаси; 14-номерлар.



105-расм. Меҳмонхоналарнинг асосий функционал боғлиқлиги схемаси:

1-турар жой қисми; 2-ресторан; 3-жамоат хоналари; 4-зина; 5-лифт; 6-маъмурият; 7-идора хоналари; 8-савдо хонаси; 9-ёрдамчи хоналар; 10-вестибюл; 11-маъмурият навбатчиси; 12-порте; 13,14-алоқа бўлими; 15-гардероб; 16-ҳожатхона.

Олий (люкс) разряддаги меҳмонхонанинг яшаш қисми олий разрядли хоналардан, бир ва икки ўринли биринчи ва иккинчи разрядли хоналардан ташкил топади. Бу меҳмонхонада олий тоифадаги ресторан, кафе, бар, хоналарда овқатланиш имкониятининг таъминланиши, тўлиқ хизмат кўрсатувчи хоналар мажмуаси бўлиши керак. Меҳмонлар учун барча хоналарда ҳавони кондициялаш ва совитиш ускуналари билан таъминлаш тақлиф этилади. Меҳмонхонада сузиш ҳавзаси, киномосламали конференц-зал ва шахсий автомобиллар учун гаражларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Биринчи разрядли меҳмонхонанинг яшаш қисми олий, биринчи, иккинчи ва учинчи разрядли хоналардан иборат бўлиб, уларнинг камида 80% бир ва икки ўринли бўлиши керак. Меҳмонхонада биринчи тоифали ресторан, кафе, бар ва тўлиқ хизмат кўрсатувчи хоналар мажмуаси фаолият кўрсатади. Шунингдек, киномосламали конференц-зал ва шахсий автомобиллар учун гаражларнинг мавжудлиги мақсадга мувофиқ.

Иккинчи разрядли меҳмонхоналарнинг яшаш қисми биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи разряддаги хоналардан ташкил этилади ва уларнинг камида 60% бир ва икки ўринли бўлиши керак. Меҳмонхонада иккинчи тоифали ресторан, кафе ёки буфетлар фаолият кўрсатиши зарур. Шунингдек, умумий ванналар ёки душлар ва санитария узеллари, зарурий хизмат кўрсатиш хоналари ҳар бир қаватда бўлиши керак. Меҳмонхонада иссиқ овқатлари бўлган буфет, умумий ваннахона ва душлар бўлиши зарур.

Учинчи разрядли меҳмонхонанинг яшаш қисми иккинчи ва тўртинчи разрядли хоналардан ва умумий яшаш хоналаридан иборат (ётоқхона). Меҳмонхонада кафе ёки ўз-ўзига хизмат қиладиган ошхона, буфет, умумий ваннахона ёки душлар бўлиши зарур.

Тўртинчи разрядли меҳмонхоналарнинг яшаш қисми учинчи ва тўртинчи разрядли ҳамда умумий яшаш хоналаридан иборат бўлади. Бир ва икки ўринли хоналарнинг сони чэгараланмайди.

Меҳмонхона, дам олиш муассасалари ва сайёҳлик (туризм) биноларида умумий ҳажмнинг 50% идан ортиғини яшаш хоналари ташкил этади.

Яшаш хонасининг меъёрий майдони бир киши учун 9 м², икки киши учун эса 12 м² белгиланган. Аммо ШНҚ 208.02-07 га кўра, бу майдонлар меҳмонхона комфортлилиги даражасини белгиловчи разряд ва хоналарига кўра ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар тўртинчи разрядли хонада 24 м² ни ташкил этади.

Минорасимон кўп қаватли кўринишда лойиҳаланган меҳмонхоналар ётоқхоналарининг режавий ечими аксарият ҳолларда бўйлама коммуникация узеллари (лифт гуруҳлари)нинг турар жой қавати режасининг марказида ўрнатилиши орқали амалга оширилади. Бу ҳолда хоналар бинонинг тўлиқ ташқи тарафига жойлаштирилади.

Умумий типда курорт, сайёҳлик (туристик) ва бошқа турдаги меҳмонхоналарда овқатланиш хоналари гуруҳига қуйиладиган меъёрий талаблар разрядликни инобатга олган ҳолда аниқланади.

Барча меҳмонхоналарда (IV разряддагидан ташқари) ресторан, кафе, буфетларнинг бўлиши назарда тутилади. IV разряддаги меҳмонхоналарда фақат кафе фаолият кўрсатади.

Ресторан ва кафедаги умумий ўринлар сони меҳмонхонанинг 100% сифимига асосан ҳисобланиб, 1 ўрин учун заллар майдонининг 1,8 м микдори ҳисобида лойиҳаланади.

Олий ва биринчи разрядли меҳмонхоналарда ресторанларнинг зал майдонини 15-20% гача кенгайтиришга рухсат этилади.

Овқат тайёрлаш хоналари тизими ва майдони, шунингдек, ёрдамчи хоналар овқатланиш хоналар гуруҳини лойиҳалаш меъёрлари асосида, ШНҚ 208.02-07 нинг “Меҳмонхоналар”, “Дам олиш муассасалари”, “Санаториялар” ва “Умумий овқатланиш муассасалари” номли боблари бўйича аниқланади.

3.6. ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА БИНОЛАРИ

Шифохоналар ва уларнинг типологияси

Табобат муассасалари мақсадли белгиланишига кўра турли-туман ва кенг типологияга эга. Шифохоналар, туғруқхоналар, поликлиникалар, диспансерлар ва профилакториялар, дорихоналар, тез ёрдам кўрсатиш станциялари, санитария-эпидемиологик станциялари ва лабораториялар табобат масканлари фаолиятини ташкил этади. Табобат муассасаларининг асосий типлари тўғрисидаги кўрсаткичлар ШНҚ “Даволаш-профилактика муассасалари” бобида мужассамлашган. Шифохоналар ва поликлиникалар даволаш -профилактик муассасалар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Аҳоли контингентига кўра хизмат кўрсатувчи шифохоналар (вилоят, ўлка, республика), шаҳар, туман ва қишлоқ шифохоналарига бўлинади.

Профилига кўра шифохоналар турли тиббий мутахассисли бўлинмалари бўлган кўп профили ва бир профили ёки махсуслаштирилган турларга, масалан, сил, психиатрик, ортопедохирургик ва бошқаларга бўлинади. Болалар учун мўлжалланган шифохоналар болалар шифохонаси деб аталиб, улар ҳам кўп профили ва махсуслаштирилган бўлиши мумкин. Кўп профили шифохоналар орасида юқумли касалликлар шифохоналари махсус гуруҳни ташкил этади.

Таълим бериш ва илмий мақсадлардаги шифохоналар клиник шифохоналар деб аталади; улар олий тиббий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг клиникалари бўлиши мумкин. Умуман олганда, турли типдаги ва сиғимдаги шифохоналарнинг ҳар бири соғлиқни сақлашдаги аниқ муассалаларни ечадиган бир бутун тиббий муассасалар тизимини ташкил этади.


Шифохоналарни лойиҳалашга қўйилган талаблар. Шифохоналарни лойиҳалашдаги асосий масалаларга: шифохонанинг меъморий композицияни яратиш, энг ижобий (оптимал) ҳажмий-фазовий ечимини топиш ва танлаш, техник талабларни бажариш киради. Шифохонанинг композицион асосини аниқловчи омилларга умумий шаҳар қурилиши режаси, шифохона майдонининг бош тархи, структураси (бўлинмалар тизими), шифохона сиғими, энг самарали қаватлилигини аниқлаш, бўлинмаларнинг ўзаро технологик боғланишлари, санитария-гигиеник талабларнинг характери ва даражаси киради. Бу омилларни лойиҳалаш жараёнига қўллаш бадий ва эстетик талаблар, маҳаллий қурилиш шароитларини эътиборга олган ҳолда энг содда ва ҳар томонлама қулай шифохона бинолари архитектурасини яратишга йўналтирилган умумий талаблардан келиб чиқиши зарур. Шифохонанинг бош тархи корпуслар ўрнатилган худудни зоналаштирилишини, ўтиш ва кириш жойларининг ташкил этилишини, шунингдек, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даражасини назарда тутиши керак. Асосий масала бемор учун мумкин қадар қулай шароитларни яратиш беришдир. Шу мақсадда умумий худуд шифохона хиёбони (боғи), ўтиш жойлари (беморларни кўргани келувчилар, беморларни қабул қилиш ва бошқалар), асосий, бинолар ва иккинчи даражали, хизматчи бино ва иншоотларга ажратилади.

Шифохонага тегишли боғ майдонлари (участкалари)нинг ўлчамларини шаҳар, қишлоқ ва аҳоли яшаш пунктларининг режаси ва қурилиш талабларига (меъёрларига) кўра, шунингдек, шифохона сиғимига боғлиқ равишда, яъни бир ўринга 80 дан 350 м² гача бўлган ораликда аниқланади. Шифохона структураси, яъни даволаш бўлимлари тизими узоқ давр мобайнида тиббиёт фанлари ва техникаси эришган ютуқларига боғлиқ равишда ривожланиб келди.

Шифохоналарда қуйидаги асосий структуравий бўлинмалар ажратилади: қабул бўлимлари ва беморларга консултация бериш хоналари, палаталар бўлими, даволаш-ташхислаш бўлимлари ва хоналари, лабораториялар, марказий стериллаш бўлими, дорихона, озиқ-овқат тайёрлаш хизмати, патолого-анатомик бўлим, маъмурий-хўжалик хоналари, кир ювиш хоналари.

Баъзи бўлинмалар ўз навбатида кичик бўлимлардан ёки хоналар гуруҳидан ташкил этилади. Масалан, даволаш-ташхислаш бўлимларига

рентгенологик бўлим, операцион блок, саломатликни тиклаш-даволаш (физиотерапия) бўлими ва бошқалар киради. Палаталар бўлими ўз модификациясига эга: катталар учун, болалар учун, юқумли касалликлар билан оғриган беморлар учун ва бошқалар. Маъмурий-хўжалик хоналар гуруҳи (вестибюллар, маъмурий хоналар, кутубхона, архив, душхоналар, омборхоналар ва ҳоказо) техник хоналарали (ҳисоблаш ва диктофон марказлари, устахоналар, ҳавони кондитсациялаш камералари ва бошқалар)ни ҳам ўз ичига олади.



106-расм. 360-600 ўринли марказий туман касалхонасининг экспериментал лойиҳаси. Макети ва тарҳи.

Кичик ва ўрта, яъни 300—400 ўринли шифохоналар учун барча ёки аксарият бўлимларни нисбатан (соддароқ конфигурациядаги) бир корпусда мужассамлаштириш мумкин, 600 ўринли шифохоналарда оралиқ ечимлар қўлланилади. Йирик шифохоналардаги ҳажмий-фазовий қурилманинг ривожланиши янада мураккабдир. Агар аниқ шароитлар талаб этса, кичик ва ўрта сифимдаги шифохоналарнинг режаси ва ҳажмини мураккаблаштириш мумкин.

Ҳозирги даврда шифохоналарнинг қаватлилиги ёнғин хавфсизлиги техникасининг ривожланиш даражасига кўра чегараланган бўлиб 9 қаватгача белгиланган. Шундай бўлишига қарамасдан, тегишли асослашлар ва ёнғин хавфсизлиги таъминланиши (сигнализациялар, хоналарни спринклерлаш ва бошқалар) билан кўп қаватли биноларни лойиҳалашга рухсат этилади.

Шифохона мажмуасидаги ҳар бир структуравий бўлинма ўзининг режавий-технологик хусусиятларига эга.

Қабул бўлимида беморларни кўриб чиқиб, касалликни аниқлаб, беморни тегишли палата бўлимига йўналтириш фаолияти амалга оширилади. Қабул бўлими қошида травматологик пункт ва ташхис қўйилмаган беморлар учун катта бўлмаган палаталар гуруҳи ташкил этилиши керак.

Қабул бўлими, одатда, биринчи қаватда, цокол қаватида ёки пандус мосламаси билан иккинчи қаватда жойлаштирилиши мумкин.

Вестибюл олдида тез ёрдам машиналари учун ёпиқ тамбур қурилмаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Бўлим ёки стационар шифохонанинг асосий элементларидан биридир. Палата бўлимининг сиғими, одатда 60 ўриндан иборат бўлиб, уни 90—120 ўрингача кўпайтириш ёки 30—45 ўрингача камайитириш мумкин.

Палата бўлимларини иккинчи қаватдан бошлаб жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Операция блоки шифохонанинг бошқа блокларидан тўлиқ ажратилган бўлиб, айна вақтда палата бўлимлари ва марказий стерилизациялаш бўлими билан қулай боғланган бўлиши зарур. Шовқиндан ва чангдан операция блокларини ҳимоялаш мақсадида у юқори қаватларда жойлаштирилади.

Ҳозирги даврда операцион блок уч стериллик гуруҳларга (зоналарга) бўлинади. Биринчи зона — операцион заллар; иккинчиси — операциядан аввалги ва наркозлаш, учинчиси — аппарат, шифокорлар хоналари, ёрдамчи хоналардан иборат. Бемор операцион блокка шлюз орқали, тиббий ходимлар эса санитария ўтиш жойи орқали кирадилар.

Йирик шифохоналарда операцион блок йирик ўлчамларга эга бўлиб (24x100 м атрофида), режавий ечимнинг шаклланишида муҳим элемент ҳисобланади. Операцион (блоклар) бошқа бўлимларга нисбатан юқорироқ баландликда (3,6 м) лойиҳаланади. Шифохоналарни қуриш амалиётида операцион блокларни ҳам сунъий, ҳам тиббий ёруғлик билан ёритиш қўлланади.

Рентгентологик бўлим бир ёки бир нечта хоналардан ташкил этилиб, стационар ёки поликлиникадаги беморлар хасталикларини текшириш ва даволаш учун қўлланилади. Хоналар сони стационардаги 150 ўринга 1 хона ҳисобида қабул қилинади. Рентгентологик бўлимни даволаш-ташхислаш бўлимининг бирор қаватида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Саломатликни тиклаш, даволаш ёки физиотерапевтик бўлим турли даволаш усуллари (минерал сув, балчиқ, электр, шифобахш бадантарбия ва бошқалар) ўтказиладиган хоналардан иборат бўлиб, шифохона бўлимлари орасида майдон жиҳатидан энг йирик бўлимлардан бири ҳисобланади.

Хоналар таркиби ва майдони стационардаги ўрин учун 0,6 процедура ва поликлиникага 1 ташриф учун 0,4 процедура ҳисобидан, процедураларни даволаш турлари бўйича куйидагича тақсимлаш асосида аниқланади (фоиз ҳисобида): электр билан даволаш - 40—35%; ёруғлик билан даволаш - 20—25%; иссиқлик билан даволаш - 10—12,%; сув билан даволаш - 16—18%; балчиқ билан даволаш - 10%.

Клиник (текшириш) лаборатория бўлими тадқиқотларни амалга ошириш хоналари ва кўмакчи хоналардан ташкил топади. Асосий ишлаб чиқариш хоналарига гематологик, биологик, умумий клиник ва биокимё

лабораториялар киради. Уларнинг ҳар бири препарат, стериллаш ишлари учун бокс, ювиш, тортиш ва материал хоналаридан ташкил топади. Бактереологик лаборатория бошқа лаборатория хоналаридан ажаратилган бўлиб, алоҳида кириш жойига эга бўлиши зарур.

Марказий стерилизациялаш бўлими шифохонани стерилланган асбоблар, операцион бикел, боғлаш материаллари билан таъминлаб туради. Бўлим икки - «тоза» ва «стерил» зонадан иборат.

Дорихона ишлаб чиқариш ва қўшимча кўмакчи хоналардан ташкил этилади. Ишлаб чиқариш хоналарида ассистентлар томонидан, материаллар асосида дистилланган сув тайёрлаш ишлари бажарилади, дорилар тайёрланади. Қўшимча кўмакчи хоналарга: пакетлардан олиш (ажратиш), ходимлар хонаси, омборхоналар киради. Дорихонани биринчи қаватда лойиҳалаш қулайдир.

Палатогоанатомик бўлим (морг) лаборатория, секцион ишлар ва қўшимча хоналари бўлган мотам (таъзия) залидан ташкил этилади.

Хизмат хоналари ва маиший хоналар шифохонада бир нечта хоналар гуруҳидан ташкил этилади. Вестибюл гуруҳи шифохонадаги ўринларнинг 70% ига нисбатан ташриф буюрувчилар сони орқали ҳисобланади. Вестибюллардан ташқари буларга: маълумот бериш хонаси, беморлар ва даволовчи, шифокорлар билан суҳбатлашувчи ҳамда беморларга олиб келинган махсулотларни тақдим этувчилар учун хоналар киради.

Хизмат хоналари гуруҳига: шифохона раҳбариятининг кабинетлари, девонхона, бухгалтерия, тиббий архив, статистика кабинети, шифокорлар ва беморлар учун кутубхона, машғулотлар ўтказиш хоналари, ходимлар учун ошхона киради. Конференц-зал умумий ходимлар сонининг 50% ига тенг ўринли қилиб, универсал тарзда лойиҳаланади. Шифохона композициясида вестибюл гуруҳини ва йирик конференц-зални аниқлаш катта роль ўйнаши мумкин.

Маиший хоналарга: чойшаб ва ёстик жилдларини сақлаш хонаси, саргарошхона, санитар пункти, ходимлар учун гардероблар, тиббий жиҳозларни таъмирлаш устахонаси киради.

Маиший-хизмат хоналарнинг жойлашиши даволаш жараёнига ҳалақит бермаслиги керак. Маъмурий хоналар зонасидан транзитга (ўтишга) рухсат этилиб, бу шифохона ичидаги ҳаракат графиги ечимини енгиллаштиради.

Овқатланиш блоклари алоҳида корпусларда жойлаштирилиб, улар палата блоки бўлган ўтиш жойларида ёки асосий корпус ёнида лойиҳаланади. Овқат тайёрлашнинг икки системаси: марказлаштирилган ва номарказлаштирилган системаси мавжуд.

Қир ювиш хоналари истеъмолчилар контингентига (юқумли касалликлар бўлими, 1 ёшгача бўлган болалар бўлими, акушер бўлимлари) кўра тозалаш жараёнининг турларини инобатга олган ҳолда лойиҳаланади.

Шифохона деразаларининг ориентацияси ихтиёрий қабул қилинади. Аммо чекланишлар мавжуд жумладан, болалар палаталари (3 ёшгача бўлган болалар учун) болалар ўйин хоналари, шунингдек, интенсив (доимий) терапия хоналарини ғарбий томонга ориентирлашга рухсат этилмайди.

Поликлиникалар


Поликлиникалар икки турда лойиҳаланади: турар жой ҳудудларидаги шаҳар поликлиникалари ва шифохонага қарашли ҳудудда ҳамда унинг тизимидаги поликлиника бўлимлари.

Поликлиникаларнинг шифохоналардан асосий фарқи — уларда палаталар бўлимининг йўқлигидир. Поликлиникаларнинг беморларни қабул қилиш кўрсаткичи бир сменадаги ташриф буюрувчилар сонидан аниқланади.


Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига боғлиқ равишда бу кўрсаткич бир сменага 100-200 дан 1000-1500 гача ўзгариб туради.

Поликлиникалар шифокорлар кабинетлари, маълумот хоналари бўлган вестибюл гуруҳининг кутиш жойлари ва қайд этиш (регистратура) хоналаридан иборат. Шифокорлар кабинетлари ихтисослигига кўра терапевтик, жарроҳлик ва бошқаларга гуруҳланади. Поликлиникаларда шифохоналардаги каби турли профилдаги хоналар гуруҳи бир-биридан ажратилади.

Поликлиникаларни режалаштиришда уларнинг умумий майдонларини 20— 30% фоизини ташкил этадиган кутиш жойлари муҳим аҳамият эга. Кутиш жойлари икки типда лойиҳаланади: коридор (кўринишида, бунда коридорнинг кенглиги 3,2 метрдан кам эмас); ҳар бир хоналар гуруҳи учун холл — кўринишида.



107-расм. Поликлиникада асосий хоналарнинг боғланиш тизими: 1-асосий кириш; 2-рўйхатга олиш бўлими; 3-шифокорлар хонаси; 4-даволаш бўлимлари (аёллар бўлими, ёш болалар ва ўсмирлар бўлими; тери касалликлари бўлими); 5-электр қуввати билан даволаш бўлими; 6-сув ва балчиқ билан даволаш бўлими; 7-жарроҳлик бўлими; 8-рентген бўлими; 9-лабораториялар; 10-дорихона.



108-расм. Касалхоналарда қабул бўлими хоналарининг боғланиш тизимлари: 1-асосий кириш; 2-кўриш хоналари; 3-тиббий назорат хоналари; 4-кийиниш хонаси; 5-муалажа ва боғлаш хонаси; 6-рентген хонаси; 7-шифокорлар хонаси; 8-қабул қилиш хонаси.

Санаториялар, курорт, дам олиш ва сайёҳлик муассасалари

Аҳолини профилактик даволаш ва дам олишини таъминлаш мақсадида санаториялар, дам олиш уйлари, курорт меҳмонхоналари ва бошқа саломатликни тиклаш муассасалари барпо этилади. Бу муассасаларда даволаш ва ҳордиқ чиқариш табиий усуллар ёрдамида амалга оширилади (қуёш, ҳаво, денгиз). Санаториялар ва дам олиш муассасалари мамлакатнинг нисбатан табиий-иқлим шароитлари яхши бўлган ҳудудларидаги курортлар ва дам олиш зоналарида қурилади.


Алоҳида муассасалардан йирик мажмуалар яратилишига ўтиш принципиал янги йўналиш бўлиб, санатория-курорт тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада кўтарилишига имкон беради.

Йирик мажмуаларни ташкил этиш билан қимматли бўлган майдонлардан унумли фойдаланиш, қурилишни максимал индустриализацияланган ҳолда архитектуравий гўзал ансамблларни яратиш, хизмат кўрсатишнинг юқори савиясини таъминлаш, шунингдек, хўжалик фаолиятининг ташқи муҳитга салбий таъсирини камайитириш каби шартлар бажарилади.


Аҳолининг дам олиши ва даволаниши учун махсуслаштирилган катталар, ўсмирлар ва болалар санаториялари; ёш болали ота-оналар санаториялари; мактаб ўқувчилари учун санатория-лагерлар; санатория-профилакториялар; дам олиш уйлари ва пансионатлар (шунингдек, ёш болали оилалар учун); дам олиш базалари; ёшлар оромгоҳлари; юқори синф ўқувчиларининг саломатликларини тиклаш оромгоҳлари; мактаб фаоллари учун оромгоҳлар; мактабгача болалар муассасаларининг дала ҳовлилари; туристик меҳмонхоналар, туристик базалар, мотеллар, кемпинглар, болалар уйлари қурилади.

Санаториялар — даволаш, профилактика қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг шифохоналардан фарқи даволашнинг асосан табиий воситалар ёрдамида амалга оширилиши (минерал сувлар, шифобахш балчиклар ва

бошқалар) ва катталар, болалар ва ўсмирлар, шунингдек, болали оилаларни дам олишлари учун зарур шароитларнинг таъминланишидир.





109-расм. Ялтадаги 500 ўринлик санатория биносининг макети ва 1- қават тарҳи.



Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанишлари учун даволаш-профилактика қилиш муассасаси сифатидаги санатория-профилакториялар тобора кенг тарқалмоқда. Шунингдек, катта ёшдагилар ва ёш болали оилалар учун дам олиш уйлар ҳамда пансионатлар қурилиши ҳам кенг тарқалмоқда. Пансионатлар дам олиш уйларига нисбатан дам олиш вақти, иш тартиби ва кириш муддатларининг чегараланганлиги билан фарқланади.




110- расм. Ялтадаги “Дружба” пансионатининг макети, 1-қават тарҳи ва қирқими



Санаториялар, дам олиш уйлари ва туристик муассасаларнинг архитектуравий композициялари. Йирик мажмуалар, алоҳида дам олиш ва туризм муассасалари, шунингдек, санаторияларнинг композициялари маҳаллий табиий муҳит хусусиятларини ҳар томонлама ҳамда максимал ўрганиш натижасида яратилади; алоҳида муассаса ёки мажмуанинг композицион ечимини танлаш, курорт ёки рекреацион зоналар тўлиқ архитектуравий тушунчалар чегарасида аниқланиши лозим.

Санаториялар, дам олиш уйлари, курорт-меҳмонхоналар, шунингдек, бошқа муассасалар қурилишида ҳамда амалий лойиҳалашда қуйидаги композиция усуллари қўлланилади:

— марказлаштирилган усул, бу усулда барча хоналар гуруҳлари бир корпусда жойлаштирилади;



111-расм. Қримда қурилган санатория комплексининг макети ва бош режаси

— блоклаш усули, бунда алоҳида-алоҳида биноларда жойлаштирилган хоналар гуруҳлари бир-бирларига тегиб туради ёки ўзаро узвий боғланган мураккаб фазовий композицияни ташкил этади;

— павильон усулда, автоном бинолардаги алоҳида хоналар гуруҳлари бир-бирлари билан боғланмаган ҳолда жойлашиши билан характерланади.

Мамлакатимиздаги дам олиш муассасаларининг архитектураси қисқа муддатда юқори ривожланиш йўлини босиб ўтди ва ҳозирда сифатли янги босқичга чиқиб олди. Комплекс қурилишга ўтиш нафақат аҳолининг юқори даражада дам олишини ташкил этмоқда, балки табиатга эҳтиёткорлик билан ёндошиш ҳамда янги яратилаётган архитектуравий-фазовий муҳит билан узвий боғланишига интилишда мураккаб экологик муаммоларни ечиш имконини бермоқда.

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Жамоат бинолари қандай тамойиллар асосида таснифланади?
2. Жамоат бинолари вазифаси ва бажарадиган функциясига қараб қандай гуруҳларга бўлинади? Уларни изоҳланг.
3. Жамоат биноларининг таркибий элементларига нималар киради? Уларни изоҳланг.
4. Жамоат биноларининг характерли белгиларини изоҳланг.
5. Жамоат биноларининг асосий хоналарига нималар киради? Ёрдамчи хоналаргачи?
6. Вестибюл қандай вазифани бажаради? Унинг қандай хиллари бор?
7. Фойе-кулуарлар қандай вазифани бажаришга мўлжалланган? Уларнинг қандай турларини биласиз?
8. Зинапояларни лойиҳалашга қандай меъёрий талаблар қўйилади. Зинапояларнинг қандай турларини биласиз?
9. Лифтларнинг қандай турлари мавжуд?
10. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг қандай турларини биласиз?
11. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида болалар ёшига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
12. Сифмига қараб мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қандай турларга бўлинади?
13. Болалар муассасаларининг жойлашишига қўйиладиган асосий талабларни тушунтириб беринг.
14. Болалар муассасаларида асосий хоналар (ўйинхона, ошхона ва гуруҳ хоналари) ни уфқнинг қайси томонларига орьентациялаш тўғри ҳисобланади?
15. Умумий ўрта таълим мактабларининг умумий сифими нималарга асосланиб аниқланади?
16. Мактабнинг максимал сифими нечта синфдан ошмаслиги лозим? Минимал сифими-чи?
17. Мактаб интернатлар мактаблардан қандай фарқ қилади?
18. Умумий таълим мактаблари таркиби қандай хоналар гуруҳидан ташкил топади? Уларга изоҳ беринг.
19. Касб-ҳунар коллежларининг асосий таълим йўналишларини белгилашда қандай тамойилларга асосланади?
20. Тўрт минг ва ундан кўп талабага мўлжалланган катта олий ўқув юртларини шаҳарнинг қайси ҳудудларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ?
21. Олий таълим муассасаси ер майдонининг энг камида неча фоизи кўкаламзорлаштирилиши керак?
22. Олий ўқув юртининг ўқув ва лаборатория корпуслари неча қаватдан кўп бўлмаслиги зарур? Ректорат корпуси-чи?
23. Олий таълим муассасасининг асосий хоналари таркибига қандай хоналар киради?
24. Кинотеартлар қандай типларга бўлинади?
25. Кинотеартларнинг умумий сифими шаҳарсозлик нормаларига кўра қандай аниқланади?

26. Киноконцерт заллари биносининг хоналари таркиби оддий кинотеартлардан қандай фарқ қилади?
27. Кинотеатрлар бўйлама профилига қараб қандай турларга бўлинади?
28. Қандай шакллар кинотеатрлар ва киноконцерт залларининг тархий ечимида энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
29. Театр биноси хоналари қандай асосий қисмларга бўлинади?
30. Театрлар бинолари томоша тури ва уни идрок қилиш усулига қараб қандай турларга бўлинади?
31. Театрларда колосниклар ва трюм нимага хизмат қилади?
32. Театр томоша залида томошабиннинг охирги қатори сахна қизил чизиғидан қанча масофага узоқ бўлмаслиги зарур?
33. Қандай вазифадаги бинолар клублар деб аталади?
34. Клублар сиғими, функцияси ва жойлашишига қараб қандай типларга бўлинади?
35. Клуб хоналари қандай гуруҳларга бўлинади?
36. Кўргазма залларининг кўргазма аҳамиятига кўра қандай турлари мавжуд?
37. Кўргазма залларининг фазовий тузилиши композициявий жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
38. Кўргазма биноси қандай хоналар гуруҳидан ташкил топади?
39. Цирк сахнаси бинонинг қаерида жойлашади ва нима деб аталади?
40. Цирк манежининг диаметри неча метр бўлади?
41. Музейлар функцияси жиҳатидан қандай турларга бўлинади?
42. Музей хоналари қандай гуруҳларга бўлинади?
43. Стадион таркибига одатда қандай иншоотлар киради?
44. Замонавий стадионнинг стандарт ўлчамлари таркибига нималар киради?
45. Спорт аренасининг футбол майдони қандай стандарт ўлчамларга эга?
46. Стадионларда люклар нима учун хизмат қилади? Уларнинг эни неча метрдан кам бўлмаслиги керак?
47. Спорт павильонлари спорт ареналаридан қандай фарқ қилади?
48. Спорт павильонлари таркибида қандай хоналар бўлиши мумкин?
49. Универсал спорт заллари спорт павильонларидан нимаси билан фарқ қилади?
50. Универсал спорт заллари қандай заллар ва хоналар гуруҳидан ташкил топади?
51. Универсал спорт залининг аренаси қандай параметрларга эга? Унда футбол мусобақасини ўтказиш мумкинми? Хоккей ўйинлари, гимнастика ва бокс мусобақаларини-чи?
52. Ёпиқ спорт сув бассейнларида қандай асосий хоналар гуруҳи мавжуд бўлади?
53. Ёпиқ спорт сув бассейнларининг қандай турлари мавжуд?
54. Ёпиқ бозор деб қандай бозорларга айтилади? Улар сиғимига кўра қандай турларга бўлинади?
55. Ёпиқ бозорларнинг ҳажмий-режавий тузилишига кўра қандай турлари мавжуд?

56. Ёпиқ бозорларда савдо ўринлари, яъни очик расталарни жойлаштиришнинг қандай усуллари мавжуд?
57. Савдо марказлари ёпиқ бозорлардан қандай фарқ қилади?
58. Савдо марказлари тармоғини ташкил қилишда "поғонали" тизимнинг аҳамиятини тушунтиринг.
59. Умумий овқатланиш муассасаларининг турларини айтиб беринг.
60. Умумий овқатланиш муассасаларининг жойлашишига қандай талаблар қўйилади?
61. Умумий овқатланиш муассасаларининг қандай меъморий-режавий ечимларини биласиз?
62. Меҳмонхона хизмат вазифаси ва фойдаланиш характериға кўра қандай турларға бўлинади?
63. Меҳмонхоналарнинг разряди деганда нима тушунилади? Ва улар нечта разрядға бўлинади?
64. Олий (люкс) разрядли меҳмонхона биринчи разрядли меҳмонхонадан қандай фарқ қилади?
65. Даволаш-профилактика биноларининг турларини айтиб беринг.
66. Шифохоналарни лойиҳалашға қўйилган талабларни тушунтириб беринг.
67. Шифохоналар таркиби қандай бўлимлардан ташкил топади?
68. Поликлиникаларнинг қандай турлари мавжуд?
69. Санаторияларнинг асосий вазифаси нималардан иборат? Улар шифохоналардан қандай қилади?
70. Санатория ва пансионат орасида қандай фарқ бор?

"Биолар типологияси" фанидан талабалар бажарадиган мустақил ишлар мавзуларига мисоллар

1. "Биолар типологияси" фанининг мақсади, предмети ва вазифалари.
2. Турар жой биоларининг умумий таснифи, уларга қўйиладиган асосий талаблар.
3. Турар жой уйлариининг асосий конструктив элементлари.
4. Турар жой уйлариининг асосий ҳажмий-режавий элементлари.
5. Хонадонлар: турлари, таркиби ва жиҳозлари.
6. Кам қаватли турар жой биоларининг типологияси.
7. Қишлоқларда қуришга мўлжалланган турар жойлар биолари.
8. Ўрта қаватли турар жой биолари ва уларнинг типологияси.
9. Кўп қаватли турар жой биолари ҳақидаги маълумотлар.
10. Жамоат биоларининг умумий таснифи, уларга қўйиладиган асосий талаблар.
11. Жамоат биоларининг ҳажмий-режавий таркибий элементлари.
12. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг типологияси.
13. Умум таълим мактабларини лойиҳалашнинг типологик асослари.
14. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини лойиҳалаш.
15. Олий таълим муассасалари ҳақида маълумотлар.
16. Кинотеатр биолари ва уларни лойиҳалашга қўйилган талаблар.
17. Театр биолари ва уларни лойиҳалашнинг типологик асослари.
18. Клублар ва уларни лойиҳалашга қўйиладиган талаблар.
19. Кўргазма заллари ва уларни лойиҳалаш.
20. Цирк биоларини лойиҳалашнинг типологик асослари.
21. Музейлар ва уларни меъморий лойиҳалаш.
22. Стадионлар ва уларни лойиҳалашга қўйиладиган меъморий шаҳарсозлик талаблари.
23. Спорт павильонларини меъморий лойиҳалаш.
24. Универсал спорт залларининг типологияси.
25. Ёпиқ спорт сув бассейнларининг типологияси.
26. Ёпиқ бозорларни меъморий лойиҳалашга қўйилган талаблар.
27. Савдо марказларининг типологияси.
28. Умумий овқатланиш муассасаларининг типологияси.
29. Маъмурий ва маиший биолар типологияси.
30. Транспорт иншоотларининг типологияси ва уларни лойиҳалашга қўйилган талаблар.
31. Даволаш ва профилактика биоларининг типологияси.
32. Шифохоналар типологияси ва уларни лойиҳалаш.
33. Поликлиникалар типологияси.
34. Санаториялар ва пансионатлар.
35. Мўҳимонхонлар типологияси ва уларни лойиҳалашдаги асосий талаблар.
36. Турар жой биоларини лойиҳалашнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

37. Жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалашнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.
38. Турар жой биноларини лойиҳалашда табиий-иқлим шароитларини эътиборга олиш тамойиллари.
39. Жамоат биноларини лойиҳалашда табиий-иқлим шароитларини эътиборга олиш.
40. Биноларни лойиҳалашда иқтисодий тежамкорлик масалалари.

***Мустақил иш шакллари:** реферат ёзиш, мавзу бўйича лойиҳа ва чизмалар тўпламини тайёрлаш, реферат-альбом тайёрлаш, слайдлар альбоми ва дискини тайёрлаш, ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш, фаннинг махсус бўлим ва мавзулари устида ишлаш, биноларни лойиҳалаш бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ) ва қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) ни ўрганиш.*

ИЛОВАЛАР

Турли класс қулайликларига эга бўлган хонадон (квартира) хоналарининг таркиби ва майдонлари

1. Оддий класс қулайликли квартира хоналарининг таркиби ва майдонлари

Хоналар таркиби	Квартира турлари ва хоналарнинг майдони м ²					
	1хона (1-2 киши)	1хона (1-2 киши)	1хона (1-2 киши)	1хона (1-2 киши)	1хона (1-2 киши)	1хона (1-2 киши)
Яшаш хоналари						
Умуий хона	14-19	16-18	17-20	17-20	20-24	20-24
Ота-оналар ётоқхонаси	—	14	14	14	14	14
1 кишилик ётоқ	—	—	10	10	10x12	10x12
2 кишилик ётоқ	—	—	—	12-14	12-14	12-14
Яшаш майдони	14-19	30-32	40-44	53-58	66-72	78-82
Ёрдамчи хоналар						
Дахлиз, йўлак	4	4-6	7	8-10	9-11	10-12
Ошхона	6-8	8-9	9-10	9-10	10-12	12-13
Санитария хонаси (ваннахона, хожатхона)	3,5-4	4-5	6	6-8	8-10	10-12
Кладовка ва шкафлар	0,5-1	2-3	2-3	3-4	3-5	4-7
Жами:	28-36	48-55	64-73	80-90	96-110	114-126
1 кишига	28-18	16-18	16-18	16-18	16-18	16-18

Изоҳ: Квартира хоналари таркиби ва майдони лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади. Топшириқ бўйича хўжалик хоналари, шахсий автомашиналарга гаражлар қўзда тутилишига йўл қўйилади

2. Яхшиланган ва юқори класс қулайликликларга эга бўлган хонадонларнинг таркиби ва майдони

	Яхшиланган класс квартиралари (бир оилали уйлар)				Юқори класс квартиралари (бир оилали уйлар)		
	Хоналар майдони м ²						
	3хона (3 киши)	4хона (4 киши)	5хона (5 киши)	6 хона (6 киши)	6 хона (5 киши)	7 хона (6 киши)	8 хона (7 киши)
Яшаш хоналари							
Умуий хона	20-24	24-26	24-26	30	30	30	32-36
Меҳмонхона	—	—	—	—	—	—	28-30
Емакхона	—	—	—	—	—	—	—
Ота-оналар ётоқхонаси	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20
Болалар (ўйин, ётоқ) хонаси	—	—	14	14-16	16-20	16-20	16-20
Кабинет (кутубхона)	—	—	—	—	16-20	16-20	16-20
1 кишилиқ ётоқ	12-14	14x2	14x2	14x2	14	14-16	14-16
2 кишилиқ ётоқ	—	—	16	16	—	16-20	16-20
Яшаш майдони	48-58	68-74	84-90	104-110	110-124	128-148	156-184
Ёрдамчи хоналар							
Даҳлиз, йўлак, холл	6-8	6-9	10-12	12	12	14-16	14-18
Ошхона	10	10-12	12	12-14	12	12-14	12-14
Санитария хонаси	4-6	6-8	8-9	8-10	12	12-14	12-15
Кладовка ва шкафлар	2-4	4-5	5-7	6-8	6-8	8-10	8-10
Сауна (ҳаммом)	—	—	—	—	6-8	6-10	8-10
Жами:	70-86	94-108	120-130	142-154	158-178	180-212	212-251
1 кишига	23-29	24-27	24-26	24-26	32-36	30-35	30-36

Изоҳ: Квартиралар хоналари таркиби ва майдонлари, шу жумладан ёзги хоналар ҳам, лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади; қўшимча хўжалик хоналари, хусусий меҳнат фаолияти учун устахона, гаражлар кўзда тутилишига йўл қўйилади

“Бинолар типологияси” фанидан талабалар билимини баҳолаш учун рейтинг саволлари

1. Жамоат бино ва иншоотлар типологияси деганда сиз нимани тушунасиз?
2. Нима учун Ж.Б. ва иншоотларни илмий асосида лойихалаш зарур?
3. Шахарсозликда Ж.Б. ва иншоотларни лойихалашда қандай хусусиятлар мавжуд?
4. Ж.Б. ва иншоотларни шахарсозликда тутган роли қандай аниқланади?
5. Ж.Б. ва иншоотларнинг атроф муҳит билан боғлиқлиги қандай бўлиши керак?
6. Лойихалашда қандай архитектуравий бадий кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди?
7. Биноларни лойихалашда энг асосий кўрсаткичлар яна нималардан иборат?
8. Архитектурада синтез деганда нималарни тушунасиз?
9. Ж.Б. ва иншоотларни лойихалашнинг функционал асослари нималардан иборат?
10. Ж.Б. ва иншоотларда қандай функционал жараёнлар мавжуд?
11. Жамоат бинолари коммуникацион алоқа нимадан иборат?
12. Жамоат биноларининг композициясида қайси хажмий режа энг тежамлилигидир?
13. Кинотеатрларнинг томоша залини қияликларни ҳисоблашда олдинга қатордан кейинги қатор қанча баландликда бўлиши керак?
14. Ўқув хоналари аудитория учун табиий ёруғликнинг қайси ҳолатдагиси энг мукамал ҳисобланади?
15. Тоғлиқ районлар учун йирик жамоат биноларининг қандай композицион турлари иқтисодий жиҳатдан тўғри келади?
16. Ж. Биноларининг қайси турлари дастлабки хизмат кўрсатиш тизимига киради?
17. Йўлак ва рекреация улар қаерда ишлатилади?
18. Жануб томонга қандай қуёшдан сақлагич ўрнатилади?
19. Жануби ғарб томонга қандай қуёшдан сақлагич ўрнатилгани маъқул?
20. Очиқ стадионлар қайси томонга қараб йўналтирилган бўлади?
21. Секция нимадан иборат?
22. Турар жойлар қурилиш жойини танлашда нималар ҳисобга олинади?
23. Эвакуация деганжа нимани тушунасиз?
24. Хонадон деганда нимани тушунасиз?
25. Умумий овқатланиш масканлари неча турга бўлинади?
26. Галереялик уйларда хоналар неча томонга жойлашади?
27. Галереядаги тўсиқларнинг баланлиги қанай бўлгани маъқул?
28. Икки зина оралиғидаги йўлакнинг масофаси неча метргача бўлиши мумкин?
29. Пропорция нима?
30. Мактаб ёшигача бўлган муассасаларни дифференциялашда нимага эътибор берилади?

31. Умумий таълим мактабларининг хизмат кўрсатиш доираси қандай бўлиши мумкин?
32. Цирк аренасининг доира ўлчамини айтиб беринг.
33. Спорт иншоотлари нималарга қараб классификацияга бўлинади?
34. Шаҳар транспорти бекатлари орлиғи йўлга қараб неча метр бўлиши керак?
35. “Олтин қирқим” деб нимага айтилади?
36. Композицияни нимага қараб танлашади?
37. Жамоат биноларининг энг мураккаб иқлим шароитида (чанг, тўзон, кучли шамол) қандай архитектуравий режалаштириш композицияси қабул қилинган
38. Вант конструкциялари қаерда кўп ишлатилади?
39. Архитектуравий климатология нима?
40. Шаҳарсозликда олий ўқув юртлари биноларни қандай принцип асосида жойлаштиради?
41. Шаҳарсозликда стадионларни режалаштиришда нимага асосланади?
42. Ёзги хоналар қаерда ишлатилади?
43. Шамоллатиш неча турга бўлинади?
44. Коттеджлар неча хилда қурилади?
45. Бассейнлар неча турда қурилади?
46. Трансформация қандай биноларга мансуб?
47. Клуарлар қаерда ишлатилади?
48. Фойе нинг функцияси нимадан иборат?
49. Даволаш муассасаларининг турларини айтиб беринг.
50. Уларнинг бош режавийига куйилган талаблар хақидаги меъерий хужжат хақида .
51. Кишлоқ врачлик пунктининг хусусиятини тушунтириб беринг.
52. Поликлиниканинг хизмат доираси қандай белгиланади?.
53. Асосий ва ёрдамчи хоналарга изоҳ беринг.
54. Операцион блок хусусиятларини тушунтириб беринг.
55. Санаторийларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
56. Фитобарнинг маъноси нима?
57. Биноларнинг санитар тармоқларининг меъерларини тушунтиринг.
58. Ошхона ва ювиниш хоналарини жойлаштириш меъерлари.

Тестлар

Олинган билимларни мустаҳкамлаш учун тест саволлари

1. Даволаш муассасаларининг турларини курсатинг:

- А. Поликлиника, КВП, диагностик марказ, касалхона.
- Б. Дам олиш уйи, касалхона.
- В. Поликлиника, КВП, касалхона.
- Г. Диагностик марказ, санаторий.

2. Даволаш-профилактик муассасаларини лойихалаш хақидаги меъерий ҳужжат қайси?

- А. Уралов А.С., Саидова Б.А. Архитектурaviй лойихалаш ва композиция асослари.
- Б. КМК 2.8.02-96. Жамоат бино ва иншоотлари, санпин ва нормаллар.
- В. КМК 2.8.02-96. Турар –жой бино ва иншоотлари.
- Г. Лойихалаш учун нормаллар, санпин.

3. Кишлоқ врачлик пунктининг булимлари:

- А. Умумий касалликлар, ҳомиладор аёллар ва болалар булими.
- Б. Гинекология ва умумий касаллар.
- В. Гинекология ва стоматология.
- Г. Умумий касалликлар ва болалар булими.

4. Оддий палатанинг 1 киши учун майдони:

- А. 3м²
- Б. 10м².
- В. 5м²
- Г. 7м²

5. Ортопедик булими палатасининг 1 киши учун майдони:

- А. 18м²
- Б. 10м².
- В. 5м²
- Г. 7м²

6. Даволаш-профилактик муассасалар ошхоналарининг таркиби:

- А. Иссик цех, овкатланиш зали.
- Б. Юк тушириш хонаси, омборхоналар, персонал хоналари, совук цех, иссик цех, 2та ювиш хонаси (ошхона идиш-товоклари ва овкатланиш зали идиш-товоклари учун), таркатиш жойи.
- В. Юк тушириш хонаси, совук цех, иссик цех,.
- Г. Овкатланиш зали, персонал хоналари, совук цех, иссик цех.

7. Палаталар булимининг таркибий кисмлари:

- А. Буфет, ечиниш хоналари, палаталар.
- Б. Палата, ечиниш хоналари, душ.
- В. Палаталар, эмлаш хонаси, навбатчи врач, бош ҳамшира, хужалик ҳамшираси хоналари, буфет, ювиниш хонаси ва хожатхона.
- Г. Бош врач, инвентарлар хонаси, инструктор хонаси, медпункт.

8. Касалхонада кандай лабораториялар булиши шарт?

- А. Клиник ва биохимик лабораториялар.
- Б. Кон олиш лабораториялари.
- В. Биохимик лабораториялари, лаборант хоналари билан
- Г. Қон тахлили лабораториялари.

9. Укув-тарбиявий муассасаларининг турларини курсатинг:

- А. Мактабгача таълим, мактаб, лицей ва колледж, олий укув юрти, илмий-тадқиқот муассасалари.
- Б. Мактабгача таълим, мактаб, олий укув юрти.
- В. Мактабгача таълим, мактаб, лицей ва колледж, олий укув юрти.
- Г. Мактаб, лицей ва колледж, олий укув юрти.

10. Укув муассасаларини лойихалаш хакидаги асосий меъерий хужжат кайси?

- А. Уралов А.С., Саидова Б.А. Архитектуравий лойихалаш ва композиция асослари.
- Б. КМК 2.8.02-96. Жамоат бино ва иншоотлари
- В. КМК 2.8.02-96. Турар –жой бино ва иншоотлари.
- Г. Лойихалаш учун нормаллар.

11. Мактабгача таълим муассасасининг хизмат доираси:

- А. 1 км
- Б. 500м
- В. 300м
- Г. 400м

12. Мактабларнинг хизмат доираси:

- А. 500м.
- Б. 300м.
- В. 1км
- Г. 2км.

13. Колледж биносининг асосий кисмлари?

- А. Укув блоки, спорт блоки, укув устахонаси, ётокхона.
- Б. Укув блоки, ошхона, кутубхона, ётокхона.
- В. Лаборатория, дарсхона, санитар тармоклари.
- Г. Укув блоки, фаоллар зали, ошхона.

14. Укув-тарбиявий муассасалар ошхоналарининг таркиби:

- А. Иссик цех, овкатланиш зали.
- Б. Юк тушириш хонаси, омборхоналар, персонал хоналари, совук цех, иссик цех, 2та ювиш хонаси (ошхона идиш-товоклари ва овкатланиш зали идиш-товоклари учун), овкатланиш зали.
- В. Юк тушириш хонаси, совук цех, иссик цех,.
- Г. Овкатланиш зали, персонал хоналари, совук цех, иссик цех,

15. Спорт блокиннинг таркибий қисмлари:

А. Спортзал, ечиниш хоналари.

Б. Спортзал, ечиниш хоналари, душ.

В. Спортзал, инвентарлар хонаси, инструктор хонаси, медпункт, ечиниш хоналари (санитар тармоқлари билан).

Г. Спортзал, инвентарлар хонаси, инструктор хонаси, медпункт.

16. Мактабларда қандай лабораториялар бўлиши шарт?

А. Физика, химия ва биология лабораториялари, лаборант хоналари билан.

Б. Химия ва биология лабораториялари.

В. Физика ва химия лабораториялари, лаборант хоналари билан

Г. Физика ва химия лабораториялари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Каримов И.А.* «Ўзбекистон XXI асрга интиломда». — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
Таълим тўғрисидаги «Ўзбекистан Республикасининг қонуни». - Т., 1997 йил 29 август.
- Асамов Р.Ж., Иноғомова М.М.* Турар жой бинолари типологияси. -Т., 2000.
- Бабиевский К. В.* Типология зданий. - Т., 1986.
- Змеул С.Г., Махонько Б.А.* Архитектурная типология зданий и сооружений. - М., 2001.
- Рожилу И.Е., Урбах А.И.* Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений. - М., 1984.
- Убайдуллаев Х.М.* Архитектурно режавийировочное решение цирков». //Сборник научных трудов ТАШПИ, 1984.
- Убайдуллаев Х.М., Махкамов Н.* Академические лицей и профессиональные колледжы XXI века.// Жур. «Архитектура и строительство Узбекистана», 2000, № 1.
- Убайдуллаев Х.М., Абдурахмонов Й.И., Сетмаматов М.Б.* Жамоат бинолари типологияси. 1— 2-қисм. — Т., 2000.
- Убайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М.* Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари. – Т., 2009.
- Қурилиш меъмёрлари ва қоидалари.* ҚМҚ 2.08.02-96. Жамоат бинолари ва иншоотлари. // Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. – Тошкент, 1966.
- Қурилиш меъмёрлари ва қоидалари.* ҚМҚ 2.08.02-96. Жамоат бинолари ва иншоотлари (иловалар). // Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. – Тошкент, 1997.
- Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.* ШНК 2.08.01-05. Турар жой бинолари. // Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. – Тошкент, 2006.
- Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.* ШНК 2.08.02.07. «Жамоат бинолари ва иншоотлари». - Т., 2006.
- Уралов А.С.* Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока.-Самарканд, 2009
- Уралов А.* Жамоат биноларининг архитектураси.-Самарканд, 2009
- Уралов С.А., Рахимов А., Саидова Б.А.* Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма. – Самарканд, 2004.
- Уралов А.Нозилов Д., Тўрақулов Ш.* Қишлоқ уйлари. – Тошкент, 1988.
- Уралов А., Нозилов Д., Фармонов А., Матязов С.* Қишлоқ уйлари режалаштириш ва қуриш асослари- Тошкент, 1994
- Саидова Б.А.* Архитектуравий типология фанидан ўқув услубий мажмуа. – Самарканд, 2011.

Маҳмудов М.М., Тулаков А.С. Архитектура-қурилиш чизмаларини чизиш ва ўқиш. Ўқув қўлланма.- Навоий, 2008.

Маҳмудов М.М. Архитектура фанидан маърузалар матнлари. 1 – қисм.
-Самарқанд, 2004

Маҳкамов А.А. Сельский жилые дома юго страны. – Москва 1984.

МУНДАРИЖА

Кириш

I-БЎЛИМ. БИНОЛАР ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1.1. Бинолар тўғрисида умумий маълумот

1.2. Бинолар ва уларнинг таркибий қисмлари

1.3. Биноларнинг хажмий-режавий ва меъморий-композиция ечимлари

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

II-БЎЛИМ. ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

2.1. Турар жой биноларининг таснифи (классификацияси)

2.2. Кам қаватли турар жой бинолари

2.3. Ўрта қаватли турар жой бинолари

2.4. Кўп қаватли турар жой бинолари

2.5. Баланд қаватли турар жой бинолари

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

III-БЎЛИМ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

3.1. Жамоат биноларининг классификацияси ва таркибий элементлари

3.2. Маориф ва ўқув-таълим муассасаларининг бинолари

3.3. Маданий оқартув ва томоша кўрсатиш бинолари

3.4. Спорт бинолари ва иншоотлари

3.5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари

3.6. Даволаш ва профилактика бинолари

Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар

ИЛОВА: Талабалар билимини баҳолаш учун рейтинг саволлари, тест саволлари, асосий атамалар (галлосарий)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

УРАЛОВ АХТАМ СИНДАРОВИЧ
КУШМАНОВ ТЎЛҚИН ФАЙЗУЛЛАЕВЧИ

БИНОЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик

*“_____” нашириёт-матбаа акционерлик компанияси
бош таҳририяти.*

100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

Мухаррир:

Бадий муҳаррир:

Тех.муҳаррир:

Мусахҳих:

Компьютерда тайёрловчи: Г. Сидикова

Босишга _____ да. рухсат этилди. Бичими 60x90¹/₁₆.
“Таумс” гарнитурда офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. ____.
Нашр т. _____. Адади _____ нусха. _____-рақамли буюртма.
_____ босмахонасида босилди.
100182, Тошкент, _____ кўчаси, _____